

500
414.32.2950
J-25

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИИ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕК НУТҚИ МАДАНИЯТИ
ВА УСЛУБИЯТ АСОСЛАРИ

100-00

TOSHDO TAU



0000002793

Тошкент — 1994

430.0
194.322.935
9-23
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбек тилыгиyasi
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
O'QUV ZALI

Ё. ТОЖИЕВ, Н. ҲАСАНОВА, Х. ТОЖИМАТОВ,
О. ЙУЛДОШЕВА

Ўзбек нутқи маданияти ва
услугият асослари
(оммабоп қўлланма)

494 322 935

3538

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
Тошкент АУ
АХБОРОТ-РЕСУРС MARKAZI

Тошкент
Ўзбек тилыгиyasi
KUTUBXONASI
Тошкент — 1994 й.

Маъмур қўлланма ўзбек нутқи маданияти соҳаси бўйича асосий на-
зарий масалаларни оммабоп тарзда кенг китобхонларга сингдиришни
назарда тутди.

Қўлланма маълум даражада Самарқанд давлат университети про-
фессори Р. Қўнғуров томонидан тузилган «Нутқ маданияти асослари»
ҳамда Тошкент давлат университети ўзбек нутқи маданияти кафедраси
ҳодимлари Э. Бегматов ва Ё. Тожиевлар томонидан нашр этилган «Нутқ
маданияти ва услубият асослари» дастурларига мувофиқлаштириб ту-
зилган бўлса ҳам, аслида мактаб ўқитувчилари, юқори синфлар ўқувчи-
лари, талабалар, ўзбек нутқи маданияти масалалари билан қизиқувчи
барча зиёлилар учун мўлжалланган.

Тақризчилар: филология фанлари доктори **М. МИРТОЖИВ**,
филология фанлари доктори **Қ. СОДИҚОВ**.

Масъул муҳаррир: професор **Э. БЕГМАТОВ**.

СУЗ БОШИ

Умумаданиятни белгиловчи асосий омил ҳисобланган нутқ маданияти, шунингдек, нутқ одоби, муомала маданияти, уларнинг ўзаро муносабати каби масалаларнинг ўрганилиши ҳозирги кунда, Ўзбекистон мустақилликка эришган, ўзбек тили ана шу мустақил мамлакатнинг давлат тили мақомини олган пайтда, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.

Чунки ўзбек тилини ҳурмат қилган, унинг бойликларидан оз бўлса-да баҳраманд бўлган ва шу асосда унга меҳр қўйган ҳар бир киши, ҳар бир зиёли бу тилнинг тақдирига бефарқ қарай олмайди. Энг асосий ва долзарб масалалар ҳақида фақат тилшуносларгина эмас, балки адабиётчилар, бошқа соҳалар мутахассислари, барча зиёлилар, кенг жамоатчилик кўплаб фикрлар билдиришяпти, ўз мулоҳазаларини, истакларини баён қилишяпти.

Кўпчилик томонидан қайта-қайта таъкидланаётган энг асосий муаммо шуки, ўзбек нутқи маданияти масалаларини оммабоп тарзда ёритиб берувчи махсус қўлланмалар ниҳоятда камдир.

Олий ўқув юртларининг талабаларига мўлжалланган, тажриба тарзида биринчи марта ўзбек тилида тузилган I та дарслик эндигина 6000 нусхада чоп этилди (Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев «Нутқ маданияти ва услубият асослари «Ўқитувчи», Т., 1992 й.).

Рус тилшунослигида махсус китоблар, қўлланмалар, хрестоматиялар кўплаб нашр этилган. Бир неча йил давомида «Нутқ маданиятининг долзарб масалалари» тўпламлари нашр қилиниб турилди. Поэзия тилини ўрганишга бағишланган алоҳида («Фан» нашриёти, М., 1977). Нашр тилига бағишланган алоҳида («Фан» нашриёти, М., 1977) китоблари А. Н. Васильеванинг «Бадий нутқ» (Художественная речь) китоби (М., «Русский язык», 1983), Л. А. Новиковнинг «Бадий матн ва унинг таҳлили» (М., «Русский язык», 1988) китоби, СССР ФА рус тили институти томонидан 1971-йилда нашр қилинган «Вопросы языка современной русской литературы» каби ўнлаб китоблар, стилистикага, матн лингвистикасига оид яна кўпгина китоблар фикримизнинг далилидир.

Ўзбек тилшунослигида бу борадаги ишларга эндигина эътибор берила бошлади. Китоблар чоп этиш, зарур қўлланмалар, дарсликларни оммалаштириш, етарли даражада таъ-

минлаш масалалари ҳали ҳам меъёрида эмас. Бундай қўлланма ёки китоблар жуда кам нусхада, баъзан сифатсиз, баъзан узоқ муддат давомида нашр қилинади. Натижада уларнинг кенг китобхонларга етиб бориши ҳам амри маҳолдир.

Маълумки, нутқ ўстириш, нутқ маданияти масалаларига ўрта мактабдаёқ эътибор қаратилади. Мактабларнинг тил ва адабиёт, шунингдек, бошқа фанлар ўқитувчилари ҳамда юқори синфларнинг ўқувчилари ҳам нутқ маданияти ва услубиятга доир айрим назарий ва амалий муаммолар ҳақида маълумотлар берилишига катта эҳтиёж сезишади. Тил-адабиёт ўқитувчиларининг кўп машаққатли меҳнати, одатда, ўқувчиларда ёзма нутқни устиришга-диктант, баён, иншо ёзиш малакасини шакллантиришга сарф бўлади. (Ҳатто бу йўналишдаги қўлланмалар ҳам ниҳоятда кам бўлиб, ҳозирги давр эҳтиёжини мутлақо қондирмайди. Омонулло Мадаевнинг «Иншо қандай ёзилади» («Ўқитувчи», 1991), Б. Турдиевнинг «Ёзма нутқни ўстириш юзасидан практикум» («Ўқитувчи», 1980), У. Долимов, М. Аъламова, С. Аъзамовлар тузган «Иншо ва диктантни қандай ёзиш керак» («ТошДУ нашриёти, 1991) қўлланмаларининг яратилиши бу борадаги ишнинг жонланишидан даракдир.

Юқорида тилга олинган ягона дарслик, аввало, университетларнинг талабаларига, аспирантлар ва бошқа илмий ходимларга мўлжалланганлиги туфайли, ўрта мактаблар ҳамда ўрта махсус таълим учун, шунингдек, мактаб ўқитувчилари, бошқа қизиқувчиларнинг ундан фойдаланишлари мушкул. Иккинчидан эса, у жуда кам миқдорда нашр қилинган бўлиб, Олий мактаб эҳтиёжини ҳам мутлақо қондирмайди.

Ушбу қўлланма кенг жамоатчиликнинг фойдаланишини назарда тутиб тузилди ва унда нутқ маданияти курси бўйича энг зарур деб ҳисобланган масалаларгагина эътибор берилди. Жумладан, тил ва нутқ муносабати, нутқнинг нутқий бўлмаган яна бошқа ҳодисалар билан муносабати ёритилди; Нутқ маданияти курсининг мақсади, вазифаси, текшириш объекти ҳақида аниқ маълумотлар берилди; адабий тил меъёрлари, нутқ мезонлари, нутқий услубларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилди. Нутқ маданиятининг бошқа айрим томонларига йўл-йўлакай тўхтаб ўтилди. Жумладан, нотиклик ва нутқ маданияти тарихига «Атамашунослик ва нутқ маданияти муаммолари» каби мавзуларга

дам тўхтаб ўтилди. Стилистика, услуб, услубият тушунчалари-
нига аниқлик киритишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун
муаллифлар олдиндан узр сўрайдилар; қўлланмани ўқиб у
қандаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган тақризчиларга,
самимий тарзда истаклар билдирган бошқа ўртоқларга,
миннатдорчилик билдирадилар.

ҚИРИШ

НУТҚ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ ВА ТЕКШИРИШ ОБЪЕКТИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ижтимоий моҳияти анча кенгайганлиги, катта ижтимоий вазифани бажараётганлиги ҳаммага маълум. Бу тил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган турли шевалар вакиллари учун умумий тил сифатида шаклланди. Шунинг учун ҳам, ҳамма шевалар вакиллари шу тилда гаплаша оладилар, ёза оладилар ва бир-бирларини тушуна оладилар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши жумҳуриятимизда давлат ишларининг, ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг шу тилда олиб борилиши учун жуда катта имконият яратди. Ўзбек тилига муносабат тубдан ўзгарди, унинг барча имкониятларини ўрганиш ишлари кенг қўламда олиб бориляпти.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ўзбек тили жаҳондаги энг бой, энг тараққий этган тиллардан бири бўлиб, ўз шаклланиш тарихига эга.

Ўзбек адабий тили олимлар, зиёлилар, адиблар, оғзаки ва ёзма адабиётнинг асосий ижодкорлари бўлган халқимизнинг асрлар оша машаққатли меҳнати, тилга сайқал бериш, уни чуқур ўрганиш борасидаги хизматлари эвазига туркий тиллар оиласида ўзига хос бир мавқега эга бўлди. Бу тилда жуда кўп ўлмас бадий асарлар, илмий тадқиқотлар яратилди. Бу нарса ўзбек тилининг ҳам маданий тиллар қаторидан ўрин олишини таъминлади.

Ҳозирга қадар ўзбек тилининг барча соҳалари бўйича йирик-йирик тадқиқотлар вужудга келди, илмий грамматикалар, дарсликлар ва қўлланмалар яратилди, лугатлар тузилди. Бироқ тилининг алоҳида-алоҳида бирликларига хос барча имкониятларни тўла очиб бериш, айниқса, шу имкониятлардан фойдаланишдаги маҳорат даражасини белгиловчи тадқиқотлар, қўлланмалар жуда кам. Юксак бадий

савияда яратилган ёзма нутқ намуналари мавжуд. Лутфий, Навоий каби юзлаб шоирларнинг дурдона ғазаллари, Абдул-Дор роман ва ҳикоялари ана шундай бадий нутқ намуналаридир. Ана шундай асарларни яратган сўз санъаткорларнинг тил имкониятларидан фойдаланиш маҳоратлари ҳали етарли тадқиқини топгани йўқдир. Фақатгина бадий нутқ муаммоларигина эмас, балки умуман нутқ маданияти муаммолари борасида қилинган ишлар ҳам у даражада қувонарли эмас.

Шу кунга қадар ҳам ҳатто, «Тил маданияти», «Нутқ маданияти», «Тил бойлиги», «Нутқ бойлиги» тушунчаларини изоҳлашда чалкашликлар, аралаштиришлар, ноаниқликлар ҳукм суради.

Шунинг учун ҳам, «Нутқ маданияти асослари» курсининг мақсад ва вазифаси, унинг текшириш манбаи (объекти) ҳақида гапиришдан олдин юқоридаги тушунчаларнинг аниқ изоҳини, моҳиятини белгилаб олиш зарурдир.

Тил маданияти. Тил — бу қуролдир. Тил ва нутқ бири билан қанчалик чамбарчас боғлиқ бўлмасин, улар бири-биридан фарқ ҳам қилади.

Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб-ул-қулуб» (Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, 1983, 72-бет) асарида шундай фикрни айтади: «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир». Ахир қадимдан маълумки, тил энг муҳим алоқа-арафалашув, фикр алмашинув қуролидир. Бу қурол бошқа аравоқаларни ҳам бажаради: у ёки бу халқ тарихи ёки умуман воқелик ҳақида хабар беради, уларни авлоддан авлодга етказиши, кишилар онгига таъсир этади-ўзгартиради, эстетик завқ бағишлайди. Шунингдек, у билим бериш ёки билим олиш қуроли ҳамдир. Бу борада қуйидаги фикрлар характерлидир: «Ўқитувчиларнинг, умуман, ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши фақат она тили заминида мумкин бўлади (Ўқитувчилар газетаси», 1984, апрель ойи); «Халқлар ҳақида суяклар, қуроллар ва мазорларга қараганда жонлироқ бўлган гувоҳ бор. Бу уларнинг тилидир. Тил инсон руҳининг нафасидир» (Якоб Гримм); «Тил-ёзувчи услубининг қалби» (Ҳ. Дониёров, Б. Йўлдошев. Адабий тил ва бадий стиль, «Фан», Т., 1988 й., 92-бет).

Ана шундай қўп вазифа бажарувчи ҳамда вазифа бажариш имконияти янада ортиб бораётган бу қуролнинг — ўзбек адабий тилининг ишлатилиш учун қай даражада мос ҳолда, қулай ҳолда сайқал топганлиги, ўткирлиги, унинг қисмлари-

КИРИШ

НУТҚ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАСИ ВА ТЕКШИРИШ ОБЪЕКТИ

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг ижтимоий моҳияти анча кенгайганлиги, катта ижтимоий вазифани бажараётганлиги ҳаммага маълум. Бу тил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган турли шевалар вакиллари учун умумий тил сифатида шаклланди. Шунинг учун ҳам, ҳамма шевалар вакиллари шу тилда гаплаша оладилар, ёза оладилар ва бир-бирларини тушуна оладилар.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши жумҳуриятимизда давлат ишларининг, ўқиш-ўқитиш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларининг шу тилда олиб борилиши учун жуда катта имконият яратди. Ўзбек тилига муносабат тубдан ўзгарди, унинг барча имкониятларини ўрганиш ишлари кенг қўламда олиб бориляпти.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, ўзбек тили жаҳондаги энг бой, энг тараққий этган тиллардан бири бўлиб, ўз шаклланиш тарихига эга.

Ўзбек адабий тили олимлар, зиёлилар, адиблар, оғзаки ва ёзма адабиётнинг асосий ижодкорлари бўлган халқимизнинг асрлар оша машаққатли меҳнати, тилга сайқал бериш, уни чуқур ўрганиш борасидаги хизматлари эвазига туркий тиллар oilасида ўзига хос бир мавқега эга бўлди. Бу тилда жуда кўп ўлмас бадий асарлар, илмий тадқиқотлар яратилди. Бу нарса ўзбек тилининг ҳам маданий тиллар қаторидан ўрин олишини таъминлади.

Ҳозирга қадар ўзбек тилининг барча соҳалари бўйича йирик-йирик тадқиқотлар вужудга келди, илмий грамматикалар, дарсликлар ва қўлланмалар яратилди, луғатлар тузилди. Бироқ тилининг алоҳида-алоҳида birlikларига хос барча имкониятларни тўла очиб бериш, айниқса, шу имкониятлардан фойдаланишдаги маҳорат даражасини белгиловчи тадқиқотлар, қўлланмалар жуда кам. Юксак бадий

адабиде яратилган ёзма нутқ намуналари мавжуд. Лутфий, Навоий каби юзлаб шоирларнинг дурдона ғазаллари, Абдулла Қаҳҳор каби кўплаб ёзувчиларнинг ўқимишли, ширатор роман ва ҳикоялари ана шундай бадий нутқ намуналаридир. Ана шундай асарларни яратган сўз санъаткорларнинг тил имкониятларидан фойдаланиш маҳоратлари эли етарли тадқиқини топгани йўқдир. Фақатгина бадий нутқ муаммоларигина эмас, балки умуман нутқ маданияти муаммолари борасида қилинган ишлар ҳам у даражада қўнғинли эмас.

Шу кунга қадар ҳам ҳатто, «Тил маданияти», «Нутқ маданияти», «Тил бойлиги», «Нутқ бойлиги» тушунчаларини изоҳлашда чалкашликлар, аралаштиришлар, ноаниқликлар ҳукм суради.

Шунинг учун ҳам, «Нутқ маданияти асослари» курсининг мақсад ва вазифаси, унинг текшириш манбаи (объекти) ҳақида гапиришдан олдин юқоридаги тушунчаларнинг аниқ изоҳини, моҳиятини белгилаб олиш зарурдир.

Тил маданияти. Тил — бу қуролдир. Тил ва нутқ бири билан қанчалик чамбарчас боғлиқ бўлмасин, улар бири билан фарқ ҳам қилади.

Алишер Навоий ўзининг «Маҳбуб-ул-қулуб» (Тошкент, Ғ. Ғулом номидаги нашриёт, 1983, 72-бет) асарида шундай фикрни айтади: «Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир». Ахир қадимдан маълумки, тил энг муҳим алоқа-аралашув, фикр алмашинув қуролидир. Бу қурол бошқа вазифаларни ҳам бажаради: у ёки бу халқ тарихи ёки умуман воқелик ҳақида хабар беради, уларни авлоддан авлодга етказди, кишилар онгига таъсир этади-ўзгартиради, эстетик завқ бағишлайди: Шунингдек, у билим бериш ёки билим олиш қуроли ҳамдир. Бу борада қуйидаги фикрлар характерлидир: «Ўқитувчиларнинг, умуман, ёшларнинг ҳар томонлама ривожланиши фақат она тили заминидан мумкин бўлади («Ўқитувчилар газетаси», 1984, апрель ойи); «Халқлар ҳақида суяклар, қуроллар ва мазорларга қараганда жонлироқ бўлган гувоҳ бор. Бу уларнинг тилидир. Тил инсон руҳининг нафасидир» (Якоб Гримм); «Тил-ёзувчи услубининг қалби» (Ҳ. Дониёров, Б. Йўлдошев. Адабий тил ва бадий стиль, «Фан», Т., 1988 й., 92-бет).

Ана шундай кўп вазифа бажарувчи ҳамда вазифа бажариш имконияти янада ортиб бораётган бу қуролнинг — ўзбек адабий тилининг ишлатилиш учун қай даражада мос ҳолда, қулай ҳолда сайқал топганлиги, ўткирлиги, унинг қисмлари-

нинг бир-бирига мутаносиблиги, кўп вазифани бажаришга-хосланганлиги, тузилиши, моҳияти билан шаклининг мутаносиблиги, гўзал ва ихчамлиги, ишлатувчининг эҳтиёжини қондиришга яроқлилиги кабилар унинг маданий қурол эканлигини кўрсатади. Қуролни яратиш ва унга сайқал бериш эса шу тил мансуб халқ вакилларининг, зиёлилар, адиблар, шу қуролни ишлатишга эҳтиёжи бор бўлган барча кишилар, ва ниҳоят, шу иш билан махсус шуғулланувчи мутахассисларнинг ишидир.

Адабий тил тушунчасининг тилга онгли аралашув натижаси эканлигини кашф қилган Прага мактабининг машҳур вакили Б. Гавренекнинг тил маданияти ҳақидаги қуйидаги фикри ҳам юқорида айтилганларни тўла тасдиқлайди: «Тил мақсадга мувофиқ ифодавий воситалар системасидир, унинг қиммати ўз вазифасини қанчалик ўтай олишлиги билан ўлчанади. Бошқача айтганда, тил ҳам қурол бўлиб, унинг қадр-қиммати ҳамма бошқа қуроллар каби олдига қўйилган вазифани қанчалик удалай олиши билан белгиланади. Сайқалланган (ишлов берилган) адабий тил ўткир ва қайтмас қуролдир. У ўзига хос жуда кўп сонли вазифаларнинг ҳар бирини яхши бажаради. Бундай тил энг нозик тасаввурлар ва фикрларни аниқ, тўлиқ ва равшан ифодалайди». (ПЛК, 39, 338 бетлар).

Тил маданияти деганда, ана шу тилдаги ифода воситаларининг онгли аралашуви натижасида, ҳамма тушунадиган ва қўллаш оладиган даражага келтирилганлиги, маълум давр учун мослиги, ишлатилиш қонун-қондалари ва меъёрларининг қай даражада аниқ ва мукамал ишланганлиги, сайқал топганлиги тушунилади. Бошқача айтганда, тил маданияти деганда, тил бирликлари (аждодлар томонидан ишлатишга тўла яроқли ҳолга келтириб қўйилган ифода воситалари: товушлар, сўзлар, қўшимчалар, қолиплар кабилар) ва улар имкониятлари тараққиётининг, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда шу муносабатларни таъминловчи қонун-қондаларнинг ишланиш даражаси тушунилади. Қайси тилда бу қонун-қондалар паст даражада ишланган бўлса, ўша тилни маданий тил сифатида баҳолаб бўлмайди. Тил маданиятининг пастлиги эса, охир-оқибатда шу тил вакиллари нутқ маданиятининг ҳам паст бўлиши учун сабаб бўлади.

Тил шундай бир тизим (система)ки, шу тизимнинг ҳар бир қисми бир-бири билан занжирсимон боғланиб кетган, бири иккинчисини тақозо этадиган, бир қисми йўқ бўлса, ёки ишдан чиқиб қолса, тўлалигича яроқсиз бўлиб қоладиган

шундай бир механизмки, у яхлит ҳолда вазифа бажаради. Шунга кўра, унинг ҳар бир қисмчаси ҳам алоҳида эътибор талаб қилади. У яхлит ҳолда, тўлалигича сайқал топгандагина ўз олдига қўйган вазифани бажара олади. Шу жиҳатдан қараганда, ўзбек адабий тилини ҳам маълум маънода маданий тиллар қаторига бемалол киритиш мумкин. Бироқ, афсус билан шуни ҳам айтиш мумкинки, кейинги 30—40 йиллар давомида ўзбек адабий тилига эътиборнинг бир ёқлама бўлганлиги, унинг вазифаси чеклаб қўйилганлиги (иш юритиш, илмий-тадқиқот ишлари... асосан рус тилида амалга оширилди). Ўзбек адабий тили мавқеининг камайиши учун асос бўлди (Имлонинг, ёзувнинг тез-тез алмашганлиги ҳам ўз ишини кўрсатди). Бу нарса, ҳеч шубҳасиз, ўзбек тили бирликларини ўрганишни асосан бир йўналишда (грамматик жиҳатга кўпроқ эътибор берган ҳолда) олиб боришга сабаб бўлди. Тил бирликларининг барча имкониятлари, ҳар бир бирликнинг матнда, аниқ бир вазиятда бажарган вазифаси кенг миқёсда, изчиллик билан ўрганилмади. Жумладан, мактаб ўқувчилари (фақат мактаб ўқувчиларигина эмас), қандай матн таркибида бўлмасин, -лар қўшимчасини, ҳеч ўйламай кўплик қўшимчаси деб баҳолайдиган бўлиб қолишди. Бошларим оғриб кетди; Белларимдаги камарларгача ечиб олишди; Фарғоналарга, Самарқандларга олиб бордим; Шунчалар қолиб кетасизми; Қўлларим оғриб кетди; Опамлар кетдилар- Опаларим келдилар; Бизлар кечикиб борамиз, Сизлар кутиб ўтирманглар; Бу ишни, энг яхшиси унга билдирмасликдир, кейинроқ ўзи кўниқиб кетар, бу тарафлардан ташвиш лозим эмас! Нозик оёқлар толдилар шекилли, садаф каби оқ тишларини бир-икки қайталаб чайдида, ариқ бўйини ва унинг сувларини ташлаб кетди; Унинг кўзлари мулоймагина сув устига оғдилар; Энди боягига қараганда бир оз енгиллагансимон, жон олувчи қора кўзлари ҳаракатлана бошлаган, бўғриққан қизил юзлари очилиқираган эдилар («Ўтган кунлар») каби турли-туман қўлланишлардаги -лар аффиксининг ўзига хос хусусиятлари кенг ёритилмади; подшоҳ-подшо, гадой-гадо, тоҳир-тойир-тоир, ўтказ-ўтқаз, ўткиз-ўткар-ўтқиз, турғаз-тургиз каби кўпгина қўлланишларнинг туб сабаблари, улар орасидаги фарқлар етарли даражада изоҳланмади; сўзсиз ичамиз ва сўзсиз олайлик (гапирмай олайлик) каби қўлланишлардаги, отга минди — отни минди, дарёдан кечиб ўтди — дарёни кечиб ўтди каби мисоллардаги туб фарқлар очиб берилмади. Бундай мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Мақтаб ўқувчилари грамматик ҳодиса ҳисобланувчи **яхши фарзанд** (бириқма), Фарзанд — яхши (гап) ўрин алмашинуви билан бадий ҳодиса ҳисобланган инверсияни ҳамма вақт ҳам аниқ фарқламай қолдилар; грамматик такрор билан бадий такрорнинг аниқ моҳиятини очиб беришга қийнала бошлайдиган бўлдилар.

Ўзбек имлосида **Олий жаноб, Олижаноб, Олийжаноб** шаклларидаги кўпгина сўзларнинг ёзилиши қатъийлашмаган. Тиниш белгиларини қўллашда ҳам турлилик кўзга ташланади.

Буларнинг ҳаммаси ўзбек тили бирликларининг барча имкониятлари, улар орасидаги муносабатлар, тил бирликларининг тараққиёт қонунлари мукамал даражада шакланмаганлигини кўрсатади.

Ўзбек тилига хос товушларни ифодалайдиган белгилар (ҳарфлар) аниқ белгилаб олинмаган. Ўқувчилар х ва ҳ ҳарфларини фарқлашда, нг (тонг) товушини айтишда ва шу товушга эга бўлган сўзларни бўғинга кўчиришда кўп хато-тарзда йўл қўймоқдалар. Ҳалига қадар **боғгами** ёки **боққами** тарзида ёзиш масаласи узил-кесил ҳал қилингани йўқ.

Назарий жиҳатдан пухта ишланган, сайқалланган, имкониятлари тўла очиб берилган тил маданий тилдир. Ва ниҳоят, ана шундай маданий тилни-маданий қуролни яратишга, унинг тақдирига (ўрганилиши, сақланиши, такомиллашуви, ривожланишига... бўлган муносабат тил маданиятидир. Бу муносабат салбий (ёмон) бўлса, шу халқнинг, унинг вакиллариининг тил маданияти ҳам паст бўлади, агар ижобий (яхши) бўлса, тил маданияти ҳам юксак бўлади. Бу эса шу халқнинг умуммаданиятини ҳам белгилайди.

Кўриниб турибдики, ўзбек адабий тилини маданий жиҳатдан янада юксак даражага олиб чиқиш учун, унга бўлган муносабат янада юксак даражада бўлишини таъминлаш лозим. Маълум даврлардаги унинг тақдирига бўлган ёмон муносабат халқимизни ана шу энг ноёб қуролдан-забондан бебаҳра қилиб қўйишга сал қолди.

* * *

Бу кун ўзбек адабиётига яна янги бир тўн кийгизилди. Чўлпоннинг «Булоқлар» отлиқ янги бир шеърлар тўплами босилиб чиқди. Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир. Шунинг учун ўзбек элининг бу кунги руҳи, ҳоли, сезгиси «Булоқлар»да қайнайди. Ўзбек тили, ўзбек оҳанги «Булоқлар»да сайрайди, ўқуйди. Ўзбекнинг руҳи тўлқунлари бунда кўпира-

дир, кўқлар томон учадир, кўтариладир. «Булоқлар»да ўзбек сезгиси инграйдир, сизлайдир, титрайдир. Шунинг учун бу тўн шундай бир тўндирки, ўзбекнинг руҳидан битгандир; унинг баданини асрамоқ, кўрумоқ учун ўз бағрига босқондур» («Туркистон» газетаси, 1923 йил, 10 декабрь, Вадуд Маҳмуд). Бу нутқдаги такрорлар, ўхшатишлар, қофиялар, кучайтириб боришлар, нозик тушунчаларни фарқлаб қўллашлар кишини ажаблантирмай, ҳайратга солмай иложи йўқдир.

Мақол ва маталлар, ватанпарварлик, меҳнат, меҳнатсеварлик ва дангасалик, дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ноиттифоқлик, донолик ва нодонлик, кўрқоқлик ва мардлик, эҳтиёткорлик, одоб ва тарбия, қадр ва қиммат, яхшилик ва ёмонлик, тўғрилиқ, ростгўйлик ва мунофиқлик, қафоат, сабрчидам ва сабрсизлик, соғлиқ ва саломатлик, мақтанчоқлик ва камтарлик, инсоф ва адолат, зулм ва адолатсизлик, саҳийлик ва бахиллик, бахт ва бахтсизлик каби мавзуларга бағишланган («Шарқ юлдузи»).

* * *

Аёл киши эркакка қўл бериб сўрашдими, бас!... Рўза тутган киши оғзини чайқаса, сув томоғига кетмаса ҳамки, рўзаси очилади — шу оғиз чайқашдан баҳра олади-да!

Абдулҳакимнинг қизига уста Мавлоннинг ўғли бир ҳовуч майиз берганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳаё борми шуларда?... Ун бир яшарида паранжи ёпинмаган қиздан қўлни ювиб қўлтиққа ура беринг! Паранжи ҳаёнинг пардаси-да! (А. Қаҳҳор).

Бу нутқ кўринишларидаги санъатлар, турли хил бадний тасвир воситаларидан ўринли фойдаланишлар мавжуд қуролни моҳирлик билан ишлатиш намуналаридир.

НУТҚ МАДАНИЯТИ

Нутқ — бу тил деб аталувчи, ўта муҳим вазифаларни бажарувчи ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият каби ҳодисалар билан муносабатда намоён бўлишидир. Нутқий жараён-тилни ўз вазифасини бажариш жараёни. Бу жараён яхши ёки ёмон кечиши мумкин. Нотиқ эса маълум маънода бу жараённи амалга оширувчидир.

«Қобуснома» муаллифи Қайковус ҳамма ҳунарлар ичида сўз ҳунари — нотиқликни аъло деб билган: «Билгилқим,

ҳамма ҳунардан сўз ҳунари яхши. «Қобуенома», «Ўқитувчи» нашриёти, 1968, 29-бет.)

Машҳур рус олими М. В. Ломоносов: «Турли фикрларни ифодалаш учун сўз топа олмасликни тилнинг камбағаллигидан эмас, балки ўзимизда маҳорат йўқлигидан деб билиш керак»,— деган эди. Халқимизда «Афтинг хунук бўлса, кўзгудан ўпкалама» деган мақол бор. Нутқни ёмон тузсак, тилимиздан ўпкаламайлик. Ана шу ноёб қуроли моҳирлик билан ишлатганлар ҳам жуда кўп, ёмон ишлатадиганлар, ҳатто, умуман ишлатишни билмайдиганлар ҳам бўлади. Ахир, сўзлар, қўшимчалар, барча тил бирликлари ҳамма учун баробар хизмат қилишга тайёр. Бироқ айримлар улардан моҳирлик билан фойдаланадилар ва ўлмас санъат асарлари яратадилар, кишини ларзага соладиган нутқ тузадилар, айримлар эса 4 та сўзни бир-бирига тўғри қўшиб, мантиқли бир жумла тузолмайдилар. Чунки улар ана шу тил ифода воситаларининг сир-асроридан беҳабар, уларга лоқайддирлар.

Нутқ хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма бўлсин, гўзал ёки қуруқ-қўпол бўлиши мумкин. Ўткир тешани қўлига олган уста у билан ажойиб бир санъат асари-ажойиб қутича ясаши мумкин, шу тешани қўлга олган нўноқ бир «ҳаваскор» бир зумда қўлини чопиши, яхши нарсани ишдан чиқариши мумкин.

Адабиётшунос Иззат Султон «Адабий асарнинг мазмуни, ундаги ғоянинг олижаноблиги, тасвир қилган одамлар ва ҳодисаларнинг гўзаллиги ёки хунуклиги-ҳаммаси ўқувчига асарнинг тили орқали етади. Шу сабабли тил соҳасидаги маҳорат ёзувчи қобилиятининг энг ёрқин аломатидир»,— дейар экан, энг аввало, тил қуролидан фойдаланиш маҳорати ҳақида фикр юритган.

Кўриниб турибдики, ҳамма учун баробар хизмат қиладиган тил-алоқа-аралашув қуроли воситасида гўзал, яхши, намунали нутқ тузиш ҳам, қўпол, ёқимсиз, ножўя, тутуруқсиз, қуруқ нутқ тузиш ҳам мумкин.

Булардан биринчиси маданий нутқ, иккинчиси эса номаданий нутқдир.

Рус олими С. И. Ожегов яхши нутқ ҳақида гапирар экан, «Юқори даражадаги нутқ, юқори нутқ маданияти — бу ўз фикрларини тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб ифодалай билиш қобилиятидир»,— дейди.

Бундай қобилиятга ўз она тилисини чуқур севиш ва ҳурмат қилиш, уни муқаммал билиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам, ҳар бир кишининг маданийлик даражаси,

ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади (Собиржон Иброҳимов), нутқ маданиятига эътибор ёлғиз нотикдангина эмас, балки ҳар бир жамият аъзосидан талаб қилинадиган ишдир.

Г. О. Винокур «Маданиятимизнинг умумий тараққиёти лингвистик маданиятсиз мумкин эмас»,— деганда, ана шуни кўзда тутгандир («Тил маданияти», М.—Л., 1929).

Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, маданий нутқ деб, тилнинг мавжуд барча воситалари ва улар имкониятларидан мақсадга мувофиқ тарзда ўринли, унумли фойдаланилган ҳолда тузилган нутққа айтилади. **Нутқ маданияти эса ана шу тилни-алоқа-аралашув қуролини ишлатишга бўлган муносабатдир.** Бу ноёб қуролни ишлатишга бўлган муносабат қанчалик ёмон бўлса, уни ишлатишга қанчалик бефарқлик билан қаралса, нутқнинг маданийлик даражаси ҳам шунчалик паст бўлади ва аксинча, муносабат қанчалик юқори бўлса, нутқ ҳам, ҳосила ҳам шунчалик маданий бўлади.

Тил вакилларида бу қуролнинг имкониятларига муносабат, унинг ишлатилишидаги бошқа омиллар: тафаккур, онг, борлиқ, турли вазият ва ҳолатлар, мақсадга бўлган муносабат қанчалик юқори савияда бўлса, нутқ маданияти ҳам юқори савияда бўлади ва акс ҳолда, нутқ маданияти ҳам паст савияда бўлади.

Алоқа-аралашув қуроли-тилдан фойдаланган ҳолда ҳоҳ оғзаки, ҳоҳ ёзма нутқ тузар эканмиз, унинг барча имкониятларини ҳисобга олган, назарда тутган ҳолда, яна тингловчининг тафаккури, онглилик даражаси шу тилни яхши билиши, маданийлик даражаси, умумий савияси, ёши, ҳолати, кайфияти, характери, касби, вақти каби жуда кўп омиллар кўзда тутилиши лозим. Ҳар бир нутқ ана шундай муносабат натижаси бўлсагина маданий нутқ бўлади. Жумладан, жуда ажойиб тузилган нутқ ҳам, кайфияти ёмон бўлган ёки вақти зиқ одамга умуман таъсир этмаслиги, савияси паст одамга ёмон нутқ тарзида ножўя бўлиб туюлиши мумкин.

ТИЛ БОЙЛИГИ, НУТҚ БОЙЛИГИ

Тил бойлиги деганда, нимани тушунмоқ керак? Одатда, у ёки бу тилнинг бойлиги ҳақида гап кетганда асосан шу тилдаги сўзлар кўзда тутилади. Тилда сўз миқдори қанча кўп бўлса, ўша тилни бой тил тарзида талқин қилиш кенг

тарқалган. Бу талқин маълум маънодагина тўғридир. Чунки тилдаги сўз миқдори тил бойлигини таъминловчи асосий омиллардан бири бўлса ҳам, тил бойлиги шу билангина чекланмайди. Бу ўринда, албатта, ўзбек тилининг синонимларга, фразеологизмларга ниҳоятда бой эканлиги, улар маъноларининг, шунингдек, умуман ўзбек тилидаги сўзларнинг кўп маънолилиқ даражаси ниҳоятда юқори эканлиги ҳам ҳисобга олинади.

Шундай бўлса-да, ана шулар билан бир қаторда, у ёки бу тилни бой тил деб белгилаганда, шу тилнинг турли-туман ифода воситаларига ва ифода усулларига эга эканлигини назарда тутмоқ лозим. Жумладан, ўзбек тилини оладиган бўлсак, унинг ифода воситалари ва усуллари ниҳоятда кўп ва ранг-баранг эканлигини кузатамиз. Ўзбек тилида сўздаги унли товушни чўзиш ёки ундош товушни иккилантириш ҳам ифода воситаси ҳисобланади: **магазинга борган эдим, чет элнинг кийимини сотяпти шекилли, одам!; Мазам йўқроқ, эртага ишга боролмайман; Мазза қилиб дам олинг, яхшилаб соғайиб кетинг, кейин гаплашамиз.** Бу мисоллардаги **Одам** сўзи алоҳида урғу билан айтилади, шунингдек, ундаги **О** товуши баъзан эса, кейинги бўғиндаги **а** товуши чўзиб талаффуз қилинади. Ана шу чўзиқлик, кучли оҳанг билан айтиш алоҳида маъно ифодалайди. Шу тарзда айтилганда, бу сўздан одамнинг кўплиги ва яна бошқа фикрлар ифодаланади. Кейинги гапдаги **мазза** сўзида **з** ундошининг иккилантирилиши ҳам маънони кучайтириш учун хизмат қилган.

Ўзбек тили ана шундай имкониятларга ниҳоятда бой: ўзбек тилида такрорнинг икки хил тури мавжуд: а) грамматик такрор; б) бадий такрор. Такрорнинг биринчи тури грамматик маъно-одатда кўплик маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: **машина-машина қовун туширдик; қоп-қоп ун ёпишади; гапириб-гапириб ухлаб қолди; югуриб-югуриб чарчади; яхши-яхши гапиринг каби.** Такрорнинг иккинчиси турли хил маъноларни ифодалайди: **Тонг яқин, тонг яқин, ошпоқ тонг яқин (Ғ. Ғулум).** Гапиринг, гапиринг деяпман, гапирсангиз-чи!

Ўзбек тилида сўзлар таркибидаги турли хил товуш ўзгаришлари, масалан, қора-қаро, ора-аро, кўнгил-кангул...; ошино-ошно, ошиён-ошён, сен билан-сен ила-сенла, агар-магар, устига-устина, боғин-боғини, кўксин-кўксини кабилар ҳам ўзига хос ифода воситаларидир. Шунингдек, ўзбек тилида сўз урчиши ҳодисаси ҳам мавжуд. Сўзлардаги бу ҳодисани урчиш атамаси билан белгилаш, албатта, шартлидир.

Бунда айрим сўзлар таркибидаги товушлар қўлланиш жараёнида ўзгаришларга учрайди, шу сўзнинг турли хил вариантлари вужудга келади. Секин-аста эса бу вариантлар ўзаро фарқланиб кетади ва бир-биридан жуда нозик даражада фарқланадиган тушунчаларни ифодалайдиган алоҳида сўзларга айланиб қолади: дам-дим, йой-йоз, қис-сиқ, арт-арч, йон-йоқ, ол-ил каби: дастурхон йоз, кийимларни йойдим; ош-ни дамладим; димлама; сиқилиб кетдим, қўлимни эшик қисиб олди ва ҳоказолар.

Ҳозирги ўзбек тилида 30 га яқин кўмакчи феъллар мавжуд бўлиб, бу кўмакчи феъллар етакчи феъл билан равишдош кўрсаткичлари -б(-иб) орқали боғланиб келади ва турли хил нозик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади: кетди-кетиб қолди; ёзди-ёзиб ташлади; ташлаб кетди-ташлаб кетиб қолди; қочди-қочиб қолди; урушди-уришиб берди; қўллади-қўллаб юборди; кулди-кулиб қўйди каби...

Ўзбек тилида булардан ташқари алоҳида бадий тасвир воситалари ҳам бор бўлиб, уларга метафора, метонимия, синекдоха, сифатлаш, ўхшатиш, кесатиш (ирония), истехзо (сарказм), муболаға, кичрайтириш, жонлантириш; зидлаш (тазод), зинапоялаш, кетма-кет келтириш, риторик сўроқ, боғловчисизлик ёки кўп боғловчилик; тушириб қолдириш (эллипс), бадий такрорнинг турли кўринишлари, бадий ўрин алмаштириш (инверсия) кабилар киради.¹

Ўзбек тилида ҳозирги кун нуқтаи назаридан эскирган деб баҳоланаётган сўзлар ва турли хил грамматик кўрсаткичлар ҳам борки, улар ҳам тасвирий восита вазифасини ўтайди. Масалан, улус, киром, кишвар, кушод, кулба, кутвол, қўҳсор, мавлоно, мажнунвор, мағфират, маҳваш каби сўзлар, -ур (-ар), -мақ(моқ), дин(-дан), -кай(-а-ди) каби шакллар ана шундай вазифа бажаради.

Баъзи ҳолларда **ўртамиёна, бош-оёқ сарпо, ҳандон отиб кулди, Мен ўзим бораман, бизлар, бириси, синглиси ёки Шаҳрисабз** каби кўпгина қўлланишларда ортиқчалик, қўш қўллаш бордек сезилади. Бироқ синчиклаб кузатадиган бўлсак, бундай қўлланишларда ҳам, аслида, тасвирийлик борлигини кўраимиз. Жумладан, **бириси** сўзидаги **-си** қўшимчиси ана шундай кучайтирувчи, тасвирийликни таъминловчи қўшимча бўлиб, ундан олдинги **-и** қўшимчиси эса эгаликни ифодалаган.

¹ Р. Қўнғуров, Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Т., «Фан» 1977 й.

Ўзбек тилида кенг қўлланувчи опамлар-опаларим, акамлар-акаларим; бормаб эдимми-бормабми эдим, айтмаганмидим-айтмаганми эдим-айтмаган эдимми, оқ пахта-оппоқ пахта: нон-пон, чой-пой, айтинг-айтингиз-айтингизлар, ўтиринг-ўтиринглар тарзидаги жуда кўп ҳолатлар ҳам тил бирликлари имкониятларининг намоён бўлишидир.

Кўриниб турибдики, ўзбек тилидаги ҳар бир тил бирлиги, жумладан, товушлар, сўзлар, иборалар, қўшимчалар, гаплар кўринишлари кабиларнинг ички имкониятлари ранг-барангдир. Тил бирликларидаги ана шу имкониятларнинг кўплиги ва ранг-баранглиги-ифода воситаларининг турли-туманлиги тилнинг бойлигини белгилайди. Ўзбек тили ана шундай имкониятларга бой бўлган тилдир.

Бу имкониятлар шу халқ вакилларининг ҳаммаси учун баробар хизмат қилади. Бироқ, шунга қарамай, айримларнинг нутқлари бой, айримларнинг нутқлари камбағал, қуруқ, таъсирсиз, яъни ёмон, қашшоқ бўлиши мумкин. Тил бойликларидан баҳраманд бўлган ҳолда, ундан нутқ жараёнида моҳирлик билан фойдаланиш ҳам керак. Шундагина тил бойликлари, тилнинг барча имкониятлари нутқда ўз ифодасини топади, ўз имкониятларини намоёиш этади.

НУТҚ БОЙЛИГИ. Нутқ бойлиги тилдаги ана шу имкониятлар, яъни бойликнинг унда қай даражада ўз аксини топганлиги билан белгиланади. Нутқда тилдаги ранг-баранг воситалар ўз ифодасини топган бўлса бундай нутқ бой нутқдир. Бу ўринда ёзувчи А. Қаҳҳорнинг қуйидаги фикри ўринлидир: «Гап шундаки, ҳозирги вақтда тилимизнинг бойлигини, унинг қочириқларини ўрганишга эришган, сўз санъатига ҳунар деб эмас, касб деб қарайдиган, бисотидаги бир ҳовуч сўзни йиллар давомида айлантириб кун кўриб юрган бир туркум аҳлининг «фаолияти» натижасида ажиб бир тил бунёдга келган. Бу тилнинг ҳеч қаерда ёзилмаган, лекин амалда жорий бўлган темир қонунига кўра «яхши овқат едим», деб бўлмайти, албатта. «Сифатли овқатландим», деб ёзиш шарт! «Папирос чекадиган киши гугуртини олиб юриши керак», дейиш тўғри эмас. «Папирос чекиш одатига эга бўлган киши ўзини тегишли гугурт билан таъминлаб юриши керак», дейилса, тўғри бўлади. Бу тил ҳар қанақа жонли фикрга кафан кийгизади, ҳар қанақа ўйноқи мазмунни тахтага тортади, ҳар қанақа лекторни гурбатнинг уясига, ҳар қанақа аудиторияни ўлик чиққан ҳовлига айлантиради» (А. Қаҳҳор).

Ҳар бир киши ўз нутқига эътибор қилса, нутқ тузиш

масъулиятини ҳис этса, нутқнинг бой бўлишини таъминлаши мумкин. Сўзга, нутққа эътиборсизлик билан қараш уни қашшоқлаштиради, бу эса тилнинг қашшоқлашиши учун ҳам сабаб бўлади. Адабиётшунос О. Шарафутдиновнинг қуйидаги фикрига эътибор қилинг: «Сўз жуда ўжар нарса бўлади. Унга бефарқ қарасанг, маъносидан бир чимдим яшириб қолишга, ҳамма рангини намоён қилмасликка уринади. Шундай сўзлар борки, улар капалакка ўхшаб жумладан жумлага енгил кўчиб юраверади-ю тайинли хизмати бўлмайди... («Биринчи мўъжиза», 294-бет).


Кўринадики, нутқ тузишда ҳар бир тил бирлигининг барча имкониятларини яхши билиш ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳам лозим.

Шуни ҳам айтиш керакки, нутқда турли-туман ифода воситалари меъёридан ортиқ қўлланса, нутқни бачканалаштиришини ҳам назардан қочирмайлик. «Муносиб ва кўп ишлатилмаган ифода кутилмаган, ғалати сўзлардан фойдаланиш орқали келиб чиқади. Мен кўп қўлланиладиган ҳамма сўзлардан бошқасини: ноёб сўзлар, метафора, чўзилган ва бошқа сўзларни ғалати деб атайман. Лекин кимдир бутун нутқни шундай асосда тузса, ё топишмоқ, ё варваризм келиб чиқади...» (Аристотель, Поэтика, Т., Ғ. Ғулом нашриёти, 1980, 44—45-бетлар).

— Тўғри айтдинг, юмор ҳаммани бир зумда ўзига ром қиладиган чиройли қиздек тортимли жанр. У сатиранинг пиёниста, ўғай тоғасига никоҳсиз тегиб олган суюқоёқ ва беномус бир «жанр», холос», Нима етишмасди? Етишмасди фақат мангу баҳор олиб келувчи бизлар. (Мирмуҳсин). Жаранглаб турган қора кўзлари кўзимга санчилар эди (жаранглаб турган кўзлар, санчилар қўлланишларига эътибор беринг); Уртоқ рафиқам! Ижозат берсангиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда бевосита табрик қилишга (А. Қаҳҳор. «Нотиқ»). Жумлада расмий услубга хос, баландпарвоз сўзлар кўп ишлатилгани сабабли мутлақо таъсирсиз, қуруқ, бачкана нутқ вужудга келган.

Ана шу тарзда жумла тузиш нутқни бачкана ёки ғализ қилиб қўяди. Демак, бой нутқда ҳам ифода воситалари маълум меъёрда ишлатилиши лозим.

Шундай қилиб, тил ва нутқ, тил маданияти ҳамда нутқ маданияти, шунингдек, тил бойлиги ва нутқ бойлиги тушунчалари бир-биридан фарқ қиладиган тўғри белгилаб



олиш «Нутқ маданияти» курсининг мақсади, вазифаси ва текшириш объектини тўғри белгилаш учун асос бўлади.

НУТҚ МАДАНИЯТИ КУРСИНИНГ МАҚСАДИ. Нутқ

маданияти ҳозирги кунда барча Олий билимгоҳларда, махсус билим юртларида ва ўрта мактабларда ҳам алоҳида соҳа сифатида ўтилмоқда. Ҳозирги кунда «Нутқ маданияти» курсини ўқитишга ҳар қачонгидан ҳам кўра яхши эътибор берилляпти. Чунки нутқ маданияти инсон умуммаданиятининг ажралмас қисмидир. **Шу нуқтаи назардан қаралса, бу курснинг асосий мақсади омманинг умуммаданий савиясини юксалтиришга ҳисса қўшишдир. Шу билан бирга, унинг мақсади мактаб ўқувчилари ва талабаларга нутқ маданияти тарихидан маълумот бериш, улкан нотиқлар, адиблар, сўз усталарининг нутқ маданиятини ривожлантириш борасида қилган ишларига баҳо беришдан ҳам иборатдир.**

Кишиларда маданий нутқ малакасини шакллантириш яъни адабий тил, умумтил мезонларига, мавжуд қондаларга тўла амал қилган ҳолда нутқ тузиш малакасини шакллантириш нутқ маданияти асослари курсининг асосий вазифасидир. **Шу билан бирга, яхши нутқни баҳолаш ва тарғиб қилиш ҳам унинг вазифаси доирасига киради. Чунки ана шу нутқ ва унинг сифатий белгилари намуна сифатида олинади ва кишиларда ана шундай нутққа ҳавас уйғотилади, уларнинг нутқ одоби шакллантирилади.**

НУТҚ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ КУРСИНИНГ АСОСИЙ ТЕКШИРИШ ОБЪЕКТИ. Нутқ маданияти ва услубият асослари курсининг текшириш объекти нутқнинг (хоҳ оғзаки, хоҳ ёзма) тил тузилиши бўлиб, бу тузилишни нутқнинг нутқий бўлмаган ҳодисаларга (борлиқ, тафаккур, олингловчи, вазият ва асосан тилга) муносабати нуқтаи назаридан, шунингдек, услублар бўйича тармоқланганлигининг акс этиши нуқтаи назаридан текширади.

Нутқ маданияти ва услубият асослари курси нутқнинг тил тузилишини, энг аввало, адабий тил меъёрларига мослиги нуқтаи назаридан текширади.

Нутқнинг адабий тил билан муносабати масаласи бу курснинг асосий масаласидир. Чунки намунали нутқнинг барча хусусиятлари (тўғрилиқ, аниқлик, мантиқлилиқ, софлик, тушунарлилиқ, бойлиги, таъсирчанлик, жўяллиқ кабилар) нутқнинг адабий тил билан муносабати натижаси сифатиде юзага келади.

Агар нутқда адабий тил меъёрларига амал қилинган бўлса, бундай нутқ тўғри нутқдир.

Агар нутқда адабий тилга бегона бўлган, шу тилга ўзлашмаган сўзлар, гап қурилишлари... ўрин олмаса, бундай нутқ соф нутқдир.

Агар нутқда кўп ва ҳар хил адабий тил белгиларидан (ифода воситаларидан) фойдаланилган бўлса, бу нутқ бой нутқ ҳисобланади.

Агар нутқни ташкил этган сўзлар, сўз бирикмаларининг маънолари улар ифодалаган тушунчалар ҳажмига тўғри келса, мос бўлса, бундай нутқ аниқ нутқдир.

Агар нутқ тузилишига кирган сўзлар, бирикмаларга хос маъноларнинг алоқаси мантиқ қонуларига, тафаккур қонунларига зид бўлмаса, бундай нутқ мантиқли нутқдир.

Агар нутқ тил воситаларининг яхши танлаб жойлаштирилиши орқали тузилиб, фақат тингловчининг онгигагина таъсир этиб қолмасдан, унга ҳис-ҳаяжон ҳам бағишласа, тингловчининг диққатини тортса, қизиқтиролса, бундай нутқ ифодали нутқдир.

Агар нутқ тузилиши тингловчи онгига таъсир қилиш билан бирга унда борлиқ ҳақида маълум бир аниқ тасаввур сезди-рса, ўша нарсани кўз олдида гавдалантирса, бу нутқ образли нутқ бўлади.

Агар нутқ тингловчи онгининг кўп томонларини эгаллаб олиб, уни сўзловчига маҳлиё, тобе қилиб қўйса, бундай нутқ таъсирли нутқдир.

Агар нутқ ўз ўрнида, ўз вақтида, ўз жанрида, вазифасига кўра тузилган бўлса, шу шароит ёки вазиятларга мос келса, бундай нутқ жўяли нутқдир.

Агар нутқнинг тил тузилиши тингловчининг қабул қилишини осонлаштиришга хизмат қилса, бундай нутқ тушунарли нутқ ҳисобланади. Кўринадики, бу сифатларнинг асосий қисми нутқнинг адабий тил билан муносабати натижаси сифатида вужудга келади.

Нутқдаги соддалик ва қисқалик ҳам, одатда, унинг адабий тил ва унинг меъёрлари билан муносабати натижасидир.

Бундан ташқари, нутқнинг юқорида айтиб ўтилган сифатлари сўзловчи ва тингловчининг тафаккури, онг даражаси, билим савияси, борлиқни, тилни қай даражада яхши билиши ва уларга муносабати (қизиқувчанлиги, севиши...), ёш хусусиятлари, характери, кайфияти, ҳолати, умумий вазият каби-ларга муносабатлари билан ҳам белгиланади. Чунки нутқ жараён бўлиб, бу жараёнда ана шуларнинг ҳаммаси ҳисобга

олинади. Жумладан, нутқ ниҳоятда яхши тузилган бўлса-ю, тингловчининг ёши, касби, қарашлари, ҳолати кабилар ҳисобга олинмаган ҳолда бу жараён давом эттирилса, ундан кутилган мақсадга эришиб бўлмайди.

Хуллас, Нутқ маданияти ва услубият асослари курсининг асосий текшириш объекти Нутқ бўлиб, ана шу нутқнинг тил тузилиши, унинг адабий тилга ҳамда нутқий бўлмаган бошқа ҳодисаларга муносабати нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилинади. Бунда адабий тил бирликларининг услублараро хосланганлиги ҳам эътиборда бўлади. Чунки тил бирликларининг деярли ҳаммаси нутқнинг у ёки бу кўринишига хосланган бўлади. Масалан, айланай, ўргилай, хўп, бўпти, майли, ишқилиб, майлида, гўргаёв, айтмай қўймайман, ажаб бўпти, қурмагурей тарзидаги кўлланишлар асосан жонли сўзлашув нутқига хос бўлса, кумуш тола, дала маликаси, зангори кема капитани, қора олтин, омилкорлик, эскилик сарқитлари, фаоллик каби қўлланишлар матбуот услубига хослангандир. Буларнинг ҳаммаси нутқнинг тил тузилишини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Кўринадики, нутқнинг ҳамма жиҳатлари унда тил бирликларининг ўз имкониятлари ифодасини қандай топганлиги, нима мақсадда ишлатилганлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Аммо, шунинг ҳам айтиш лозимки, Нутқ маданияти ва услубият асослари курси асосий эътиборни одатда нутқнинг адабий тил билан, адабий тил меъёрлари билан муносабатига қаратади, яъни нутқнинг адабий тил меъёрларига мос тарзда тузилган-тузилмаганлигига эътибор беради.

Кўринадики, нутқ маданияти алоҳида соҳа сифатида шаклланган ва ўқув режаларига киритилган бўлишига қарамай, бу соҳа, айниқса, тилшунослик фани билан жуда мустақам алоқададир. Шунингдек, у мантиқ, педагогика, руҳшунослик, одобнома, этика, эстетика, адабиёт каби бошқа фанлар билан ҳам мустақам алоқададир.

Нутқнинг алоқавий сифатлари ичиди нутқнинг тўғрилиги энг асосий белгилардандир. Намунали нутқ биринчи галда тўғри тузилган нутқдир. Нутқ тўғрилиги, умуман, нутқ маданияти тушунчаси одатда адабий тилнинг ҳамма меъёрларига бирдек, тўла амал қилиш орқали юзага келади. Жумладан, агар сўз қўллаш ёки сўз яшаш меъёрларига амал қилинмаса, нутқнинг софлиги, табиийлигига путур етади.

Масалан, ўзбек тилида -гоҳ қўшимчаси от туркумига оид негизлардан янги сўзлар-ўрин-жой отлари ҳосил қилади: жанггоҳ, сайлгоҳ кабилар. Бироқ унинг Олийгоҳ сўзи тарки-

бида қўлланиши хатодир. Ёки: **Дўстлик тумани раққоса қизлари** (ойнаи жаҳондан); **Пистанинг ҳам қаттиғидан очиқ оғзи саз бўлур** (Шукрулло), **Бундай сўзларни унар-унмасга ишлатавериш маданиятли киши учун номуносибдир** (А. Аҳмедов); **Мен битта одам эмасман, мен тумонатман, чаман одамзорман, тўп гулдай турланиб, бу дунёда қандай яшайман ўзи, оғайниларим, деб ўйланиб — гуллаб турибман** (А. Аҳмедов) каби матнларнинг тил хусусиятларига эътибор берадиган бўлсак, биринчи гапдаги туман сўзи район (ўзлашган сўз) сўзи ўрнида қўлланган бўлиб, бу сўз туркий тилларда қадимда ишлатилган ва умуман кўп, минг, катта бир ҳудуд маъноларини ифодалаган. Лекин маъмурий бўлиши бу сўз билан ифодаланмаган эди. Ҳозирги кунда туман сўзи район сўзи ўрнида қўлланиб у англаган тушунчани ифодалаётган экан, демак, унинг маъносида ўзгариш содир бўлган. Бу жиҳатдан туман сўзи нотўғри ишлатилган деб қараб бўлмайди. Чунки ҳозирги ўзбек тилида сўзнинг ана шу маънода қўлланиши меъёрлашиб борапти. Унинг қадимда қўлланган маънолари эса ҳозирги кунда асосан бадий тасвирида ишлатилиши мумкин.

Шу гапдаги **раққоса қизлари** бирикмасининг ишлатилиши ҳозирги ўзбек адабий тили учун меъёр эмас. Чунки ҳозирги ўзбек адабий тилида **раққоса** сўзининг ўзида **қизлар** сўзи ифодалаган маъно (тушунча) ўз ифодасини топган: **Дўстлик тумани раққосалари** дейишнинг ўзи кифоя қилади. Демак, **қизлари** сўзи ортиқча ишлатилган ва бундай ортиқчалик намунавий нутқ яратиш учун тўсик бўлган. Бироқ, баъзи ҳолларда, бундай қўлланишлар, атайлаб, таъкидлаш ёки бошқа бирор мақсад учун қўлланилса, ўзини оқлаши ҳам мумкин: **гапиринг-гапирингиз; биз-бизлар; кулдик-хандон отиб кулдик** каби.

Кейинги гапда ҳозирги ўзбек адабий тилига хос 2 та меъёр бузилган: биринчидан, **очиқ оғзи саз бўлур** қўлланишида сўзларнинг ўрни нотўғри, бачкана тарзда, маълум бир яхши ниятни кўзда тутмаган ҳолда алмаштирилган (оғзи очиқ-очиқ оғзи). Умуман олганда, гапда сўзларнинг ўрни алмаштирилади. Аммо бу алмаштириш бадийлик учун хизмат қилган тақдирдагина мақсадга мувофиқ бўлади; иккинчидан, бу гапда мантиқ бузилган. Мантиқнинг бузилишига сабаб эса пистанинг қаттиқлик белгисига оғзи очиқлик белгисини зидланганки, бу тафаккур қонунларига мос келмайди: **қаттиқ-юмшоқ; оғзи берк-оғзи очиқ** (яъни пистанинг оғзи юмуқларидан оғзи очиқлари саз бўлур).

Учинчи гапда, унар-унмасга сўзлари нотўғри қўлланилган бўлиб, унинг ишлатавериш сўзи билан бирикиши ўзбек адабий тили учун меъёр эмас. Бу ўринда бўлар-бўлмасга сўз шакли ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Энг сўнги гапда мен тумонатман, чаман одамзорман, ўйланиб-гуллаб турибман қўшилмалари ўта сунъийдир. Чунки мен тумонатман қўшилмасидаги Мен ва тумонатман сўзлари мантиқан бир-бирига зид. Шунга кўра уларни бириктириб қўшилма ҳосил қилиш сунъий бўлади. Кейинги қўшилмадаги чаман сўзи билан одам сўзининг қўшилиши ҳам худди шундай сунъий чиққан. Боз устига, бу ўринда -зор қўшимчаси (ўзбек тилида негиздан англашилган нарса мўл бўлган, кўп ўсадиган жой маъносини билдиради) одам сўзига нотўғри қўшилган. Чунки -зор қўшимчасининг одам негиздан янги сўз ҳосил қилиши меъёр эмас ва мантиққа зиддир. Қиёсланг: гулзор, ажриқзор, қамишзор, олмазор, мевазор, бодомзор, аммо темирзор, кетмонзор, дўппизор кабилар мумкин эмас. Бунга асосий сабаб ўзбек тилида -зор аффикси, одатда, ўсиш хусусиятига эга бўлган (ўсимликлар) тушунчаларни ифода этувчи сўзларга қўшилиб келади. Сўнги ўйланиб-гуллаб турибман қўшилмаси умуман ғализдир. Чунки: а) ўйланиб турган бўлса, гуллаб туриши мумкин эмас; б) гуллаб турган бўлса (очилиб-сочилиб), ўйлаб туриши мумкин эмас. Хуллас, мантиқ бузилган, сунъийликка йўл қўйилган.

Нутқнинг адабий тил билан муносабати, одатда, асосан икки нарсани кўзда тутаяди: а) нутқда тил элементлари (бирликлари) адабий тил меъёрларига мос қўлланганми эканлигини; б) тилнинг ранг-баранг воситалари иштирок этганми? Мана шу икки ҳолат нутқнинг барча сифатларига таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда, нутқнинг ана шу сифатларга эга эканлик ёки эмаслик даражасини белгилайди. Нутқда тил бирликлари адабий тил меъёрларига мос тарзда қўлланган бўлса, бундай нутқ тўғри, мантиқли, аниқ, тушунарли, соф, бой нутқ бўлади. Бундан ташқари нутқда шу тилнинг бадиний тасвир воситаларидан (кўчимлар: метафора, метонимия, синекдоха, сифатлаш, ўхшатиш... кабилар; синтактик шакллар: такрор, кўпбоғловчилилик, боғловчисизлик, тазод, риторик сўроқ...кабилар) кенг фойдаланилган бўлса, бундай нутқ образли, таъсирчан нутқ бўлади ва бу нотиклик санъати, сўз санъати намуналари сифатида баҳоланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам нутқнинг тил тузилишига эътибор берилди, унинг барча сифатларига ана шу муносабат шуктаи назаридан баҳо берилди.

Тўғри, матн лингвистикаси ҳам нутқнинг тил тузилишини текширади. Бироқ бу соҳа уларни тил бирликлари сифатида қарайди, бу тил бирликларининг матнда қай даражада мавжудлиги нуқтаи назаридан текширади.

Нутқ маданияти эса матндаги бирликларни нутқ бирликлари сифатида, уларнинг қандай ишлатилганлиги, нутқ эгасининг улардан фойдаланишга бўлган муносабати нуқтаи назаридан текширади.

Нутқ гўзал ва қуруқ-қўпол бўлиши мумкин. Одамлар маълум бир нутқдан ҳам, маълум бир бадний асардан ҳам бир хилда завқланмайди. Бу билим, онг, тафаккур, қаерда усанлик, ёш, кайфият ва ҳоказо минг хил нарсалар, ҳолатлар билан боғлиқ. Рассомнинг I та ранг тасвирини ҳар ким ҳар хил тушуниши, қабул қилиши мумкин. Завқланиши ҳам ҳар хил бўлади. Бу кўпроқ ўша шахсларнинг ана шу санъат турига муносабати билан белгиланади.

Нутқни тушунишда ҳам шахснинг тилга, нутққа бўлган муносабати асосий омилдир. Инсонга энг кучли таъсир қилувчи бу бадний асарлардир. Булар, маълумки, сўз санъати ҳосиласидир. Буларни машҳур сўз санъаткорлари яратадилар. Кўп асарларни ўқиймиз. Улардаги нутқ тўғри тузилган, хатолар йўқ, сўзлар ўз ўрнида, жумлалар равон, тиниш белгилари ҳам жойида. Бироқ асар тили рангсиз, тузсиз, таъсирсиз, образлиқдан маҳрум бўлади. Уларда қочириқлар йўқ, бадний тасвир воситаларидан фойдаланилмаган. Шунинг учун, ширасиздир. Нутқнинг тил тузилишини шу нутқнинг нутқий бўлмаган ҳодисаларга муносабати нуқтаи назаридан текшириш эса ана шу асар тилининг қандайлигини белгилашнинг асосий омилидир.

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА НОТИҚЛИК САНЪАТИ ТАРИХИДАН

Нутқ маданияти — бу ҳали нотиқлик санъати эмас. Шунга кўра, ҳар иккаласининг ҳам ўз тарихи мавжуддир.

Маълумки, нутқ маданияти грамматик ҳодисаларга ҳам, сўзларга ва бошқа тил бирликларига ҳам асосан муайян бир адабий тил меъёрларига мос келиш-келмаслиги нуқтаи назаридан ёндошади. Шунингдек, бу мавжуд меъёрларга қачон, қай ҳолатда, нима мақсадда амал қилмаслик мумкинлигини ҳам белгилаб беради. Чунки меъёрдан чекинишнинг ҳам ўзига мос қонуниятлари, чегаралари мавжуд. Бошқача айтганда, меъёрдан чекинишнинг ҳам «меъёри» бор. Демак, нутқ маданияти асосан меъёрга амал қилишни назарда тутди.

Ана шу нуқтан назардан қаралса, «нутқ одоби», «муомала маданияти» номлари билан юритилиб келган нутқ маданияти тушунчаси жуда қадимдан олимлар, зиёлиларнинг диққатини тортган: М. Кошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Сўфи Оллоёр, А. Жомий, А. Навоий каби улуг сиймоларнинг нутқ одоби масалаларига, умуман нутққа жиддий эътибор беришга даъват этувчи фикрлари диққатга сазовордир. «Турмушга оид турли хил нарса ва ҳодисалар борки, ҳаётга сингиб кетган. Тилда уни номловчи сўз бўлмаса, шундай сўзни қўшни тилдан олиш мумкин. Лекин тилда мавжуд сўзлар ўрнида бошқа сўзни қўллаш зарарлидир» (М. Кошғарий. «Девони луғатит турк», 1-жилд, Т., 1960, 45-бет);

«Бор сўзни сўз санаб тебранмасин тил,
Қўриб, ўйлаб сўзла керагини бил.
Уқувлини кўрдим: оз-оз сўзлади,
Талай сўзладим деб ўқинди кўп йил.
Сучук тилдир ажаб ганжу муаззам
Ато қилгон билан ҳеч бўлмагай кам.
Дема, ҳарфики бўлмаса бемаоний,
Агар тил заҳрлик бўлса тил они.
Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз.
Ба ҳар жое тилингни сақла зинҳор,
Киши тилни ямонидин бўлур хор.

Сўфи Оллоёр (Сабот ул-ојизин, Т.,
«Меҳнат», 1991, 62—63-бетлар)

Бошга бало келса, тилим бош унга,
Тилимни тил аввал, тегма бошимга.
Уқув ҳам билимнинг тилмочи бу — тил,
Очунда рўшнолик ривожи бу — тил.
Эрким сўз важҳидан тахтга эгадир,
Сўзким, эр бошини пастга эгадир.
Билимлидан дарени тил олди дастлаб,
Эй, сен, тил эгаси, тилингни асра.

Юсуф Хос Ҳожиб «Кутдағу билик».

Кимки сўзни қадрласа ҳар қачон,
Уз-ўзини қадрлагай бегумон

А. Жомий.

Машҳур А. Навоийнинг нутқ маданияти, нутқ одоби ҳақидаги фикрлари, айниқса, катта аҳамиятга эгадир. Унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асаридаги бир неча фасл (боб) Нутқ одоби масалаларига бағишланган: Инсоннинг одоб-ахлоқини белгилайдиган омиллардан бири унинг сўзи, нутқидир (Маҳ-

буб ул-қулуб, 79-бет); Бёфойда сўзни кўп айтма ва фойда-
нинг сўзни кўп эшитурдин қайтма (Маҳбуб ул-қулуб, 82-бет);
Чин сўз — мўтабар; яхши сўз қисқа-мухтасар; кимнинг мия-
сида иллат бўлса-сўзида мантиқ бўлмайди (Уша китоб,
75-бет);

Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,
Ҳар неки ағёр дурур ёр айлар,
Сўз қаттиғи эл кўнглига озор айлар,
Юмшоғи кўнгилларни гирифтор айлар.

(«Назмул-жавоҳир», 43-бет).

Алишер Навоий тўғри, қисқа, лўнда, ёқимли, мантиқли,
тушунарли, жўяли, аниқ ва таъсирли нутқ ҳақида ўзининг
«Арбаин» асарида, шунингдек, «Ҳамса» асаридаги беш дос-
тоннинг ҳар бирида ҳам ажойиб фикрларни айтиб ўтган:

Сўздин ўлукнинг танида руҳи пок,
Руҳ доғи тан аро сўздин ҳалоқ

(«Хайрат. ул аброр»)

Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргизур равон сўзидин.

(«Сабъаи сайёр»)

Ўзи дарё, сўзи дурдек муҳайё,
Яна маънидин ул дур ичра дарё.

(«Фарҳод ва Ширин»)

Бас аввалғи садо сўз ўлғай,
Ҳар савтқа ибтидо сўз ўлғай.
Гаҳ сўз била элга жон бағишлаб,
Бир сўз била гоҳ жаҳон бағишлаб.

(«Лайли ва Мажнун»)

Бир деганни икки демак хуш эмас,
Сўз чу тақрор топти дилкаш эмас.

(«Садди Искандарий»).

Доно халқимиз қадим-қадимлар нутқ одоби масалаларига
алоҳида эътибор берганлар. Улар томонидан асрлар даво-
мида яратилган нутқ одоби ҳақидаги ҳикматлар, мақоллар
бунинг далилидир:

Илиқ сўз шакардир,

Совуқ сўз — заҳар.

Қим гапирганига боқма,

Нима гапирганига боқ.

Дўстинг ҳам тил, душмаинг ҳам тил.

Суйдирадиган ҳам тил, куйдирадиган ҳам тил.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ва машҳур «Қобуснома»да сўз
га эътибор бериш, ширинсуханлик, сўзнинг қудрати ҳақидаги

фикрлар талайгинадир: «Оз сўзла, кўп тингла», «Ҳар бир одамнинг ноаниқ сўзини эшитмагил, эҳтиёт бўлгилки, аввалги сўзингни кейинги сўзинг бузиб юбормасин», Охирги мақсадни аниқ баён қилишга, нафис сўзлашга ҳаракат қил; Жуда ҳам узун ва жуда ҳам қисқа сўзламагил ва бемаъни сўз демагил; Минбарга чиқиб ўтириб, кўнглинг тилаган ишга даъво қилмагил, гўзал тил билан сўзлагил, таъсирли сўз айтгил ва ҳар сўзингни эшитиб наъра урсинлар, мажлисни қизитгил, сўз айтаётган вақтингда мажлис аҳлига қарагил, агар нутқни эшитишни истасалар, сўзлагил, агар афсона эшитишни тиласалар, афсона айтгил, хушзабон бўлгил» («Қобуснома»).

Кўринадики, қадимдан нутқ маданияти ва нотиклик санъати бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ҳамда улар бир-бирини тўлдиради, бири иккинчисига хизмат қилади. Шу билан бирга, нутқ маданияти ва нотиклик санъати бир-биридан ўзига хос томонларига кўра фарқ ҳам қилади.

Нутқ маданияти ва нотиклик санъати кўп жиҳатлари билан умумийликка, ўхшашликка эгадир. Чунки ҳар икки соҳа ҳам нутқнинг нутқий бўлмаган ҳодисалар билан муносабати натижасидир. Ҳар иккаласи ҳам кишилар нутқий фаолиятининг намунали бўлишини тақозо этади, шунга курашади, инсоннинг умумий маданиятини таъминлашга хизмат қилади.

Бироқ нотиклик санъати алоҳида маҳорат ва қобилият талаб қилади. Ҳар қандай маданий нутқ эгаси ҳам моҳир нотик бўлавермайди. Жамият тарихида бундай ноёб истеъдод эгалари жуда кам учрайди. Қадимги Грецияда Менелей, Нерикл, Демосфенлар; Римда Марк Партиус Катон, Цицерон, Квинтилиан; Шарқ нотиклигида Хожа Муайяд Меҳнагий, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий, Мавлоно Муин Воизлар ана шундай нотиклардандир. Алишер Навоийнинг «Мажолисун нафоис» номли тазкирасида Шарқнинг ана шу нотиклари ҳақида илиқ гаплар айтилган.¹

Умуман олганда, нотиклик санъати тарихи ҳақида, шунингдек, машҳур нотиклар фаолияти ҳақида Б. Уринбоев, А. Солиевларнинг «Нотиклик маҳорати» (Т., «Уқитувчи», 1984) китобида анча кенг маълумот берилган. Бундан ташқари, Воиз Кошифийнинг нотиклик санъати борасидаги фаолияти ҳақида Р. Маҳмудовнинг «Дегонимни улусқа марғуб эт...» (Т., «Ўзбекистон», 1992) номли китобида айрим маълумотлар яхши берилган.

¹ А. Навоий. Асарлар, 12-том, 42—101-бетлар.

Нутқ маданияти соҳаси эса оммавийлик хусусиятига кўра шайқоқлик санъатидан фарқ қилади.

Нутқ маданияти, энг аввало, адабий тил билан алоқадор бўлиб, ана шу адабий тил меъёрларига, унинг қонун-қоидаларига амал қилишни бошқача айтганда, адабий тилни тўла эътибор билан олишни, ундан фойдаланишдаги малакани кўзда тутади. Агар ҳар бир шахс ўзбек адабий тилини, унинг меъёрлари ва қоидаларини тўла эътибор билан олиб, шуларга асосан амал қилган ҳолда эркин нутқ тузиш қобилиятига эга бўлса, у шахс нутқ маданиятини эгаллаган бўлади.

Демак, у ёзма ва оғзаки нутқ тузишда саводхон ҳисобланади. Саводхонлик ҳам маданийликнинг бир белгисидир. Шунинг учун ҳам, кишининг ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларига асосланган маданий савияси саводхонликдир. Боғча ва мактаблардан бошлаб ёшларни саводхонликка оммавий равишда ўргатиш экин, демак, уларни умуммаданийликнинг бир асосий белгисига эга қилиб борамиз, уларнинг умуммаданий савиясини баркамоллаштиришга ҳаракат қиламиз. Тил дарсларида, адабий машғулотларда, ўқувчиларда она тилига меҳр-муҳаббат, онгли муносабат шакллантирилар экан, бу уларнинг маданийлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Худди мана шу борадаги ишларни кенг миқёсда амалга ошириш, бу ишларни «Нутқ маданияти» номи (соҳаси) сифатида олиб бориш, ҳар бир матни (нутқ кўринишини) маданийлик белгиси сифатида алоҳида таҳлил қилиш ва баҳолаш нуқтаи назаридан тилшуносликнинг бу соҳаси янги соҳа сифатида қаралиши мумкин. Ўзбек тилшунослигида, худди шу нуқтаи назардан қаралганда, жамоатчиликнинг кенг миқёсдаги фаолияти кейинги йилларда анча жонланганлигини кўрамиз: Мактабларда, бошқа билимгоҳларда Нутқ маданияти масалаларига, нутқ ўстириш, матни таҳлил қилиш, бадиий асарлар тилини ўрганиш ишларига кенг йўл очилди, ўрин берилди. Она тили бўйича тузилган дастурларда боғланишли нутқни ўстиришга ҳар бир синфда анчагина соатлар ажратилди; ҳар бир тил бирлигининг нутқдаги ўрнига, ўз имкониятларини намоён қила олишига эътибор бериладиган бўлди; нутқ кўринишлари, услублар алоҳида ўргатилмоқда; адабий тил ва шева муносабатлари, оғзаки (жонли сўзлашув) нутқи билан ёзма нутқнинг, умуман адабий тилнинг муносабати, умумхалқ тили ва адабий тил масалалари тушунтирила бошланди; саводхонликка, тилга, нутққа

эътибор кучайди, уларни назорат қилиш бошланди; нутқ маданиятининг, тил маданиятининг саводхонликнинг миллат умуммаданиятининг ажралмас қисми эканлиги, ниҳоят, англаб етилди; ҳамма олий билимгоҳларда нутқ маданияти курсининг ўқитилиши йўлга қўйилди: адабиётшунослар адабиётнинг сўз санъати эканлигини энди қайтадан чуқур ҳис қила бошладилар, ёзувчи маҳоратини кўпроқ шундан келиб чиқиб баҳолайдиган бўлдилар. Бу борада Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Ойбек, А. Қаҳҳор, С. Аҳмад, О. Шарофутдинов каби адиларнинг мақолалари алоҳида эътиборга молик бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда, масалан, тилшунос олим Раҳматилла Кўнғуровнинг «Ўзбек тилининг тасвирий воситалари» (Т., 1977), П. Қодировнинг «Халқ тили ва реалистик проза» (Т., 1973 й.) китобларини, Озод Шарофутдиновнинг «Истеъдод жилолари» («Биринчи мўъжиза» китобида) каби мақолаларини ўқимаслик, Ўзбекистон Фанлар академияси нутқ маданияти бўлими ходимлари томонидан чоп этилган китобларни, ТошДУ Нутқ маданияти кафедраси ходимлари яратган қўлланмаларни кўриб чиқмаслик умуммаданий савияда орқада қолиш бўлиб туюлади. Кейинги йилларда саводхонликни янада оширишга, нутқ маданиятини тўла эгаллашга кўмаклашадиган бундай асарлар, қўлланмалар кўплаб яратилди: тилшунос олим Ш. Раҳматуллаевнинг «Нутқимиз кўрки», «Орфография қондалари» саводхонлигимиз асоси» (Т., 1980) китоблари, А. Шомақсудов ва бошқаларнинг «Ўзбек тили стилистикаси» (Т., 1983), И. Қўчқортоевнинг «Бадий нутқ стилистикаси» (Т., 1975), М. Миртожиев, Н. Маҳмудовларнинг «Тил ва маданият» (Т. 1992), Р. Қўнғуров, Э. Бегматов ва Ё. Тожиевларнинг «Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари», Э. Бегматов ва бошқалар иштирокида тузилган «Ўзбек нутқи маданияти очерклари» (Т., 1988), Ё. Тожиевнинг «Ўзбек тилида аффиксал синонимия» (1981, 1987, 1991 й.), М. Содиқованин «Феъл стилистикаси», Б. Ўринбоевнинг «Сўзлашув нутқи» (Т., 1979), А. Мамажоновнинг «Қўшма гап стилистикаси» Т., 1990), Б. Тўйчибоевнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимика» (Т., 1988), А. Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» (Т., 1987) каби ўнлаб дарслик ва қўлланмалар шулар жумласидандир.

Булардан ташқари, луғатчиликка эътибор анча кучайди, омонимлар (шаклдош сўзлар), синонимлар (маънодош сўзлар), фразеологизмлар изоҳли луғатлари «Ўзбек тилининг

9 жилдлик изоҳли луғати» ёнига қўшилди. ТошДУ олимаси М. Аъламованинг «Нутқда акс этар бир олам бойлик» (Т., 1988) номли оммабоп қилиб ёзилган рисоласи ва шунга ўхшаш ишлар юзага келди.

Ўзбекистонда 1973-йилда «Нутқ маданиятига оид масалалар» номи билан катта илмий анжуман ўтказилди. Кейинги йилларда, айниқса, 1990-йилдан эътиборан бундай анжуманлар изчиллик билан ўтказила бошланди.

Демак, ўзбек нутқи маданияти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қадимдан бу соҳага «Нутқ одоби» номи остида анча кенг эътибор берилган бўлиб, кейинги асрларда, айниқса, XIX асрда ва XX асрнинг айрим вақтларида эътибор анча сусайганлиги кўзга ташланади. Бироқ кейинги йилларда бу масала «Нутқ маданияти» номи билан аталди ва бу соҳада кўп ишлар қилинди: Термизда, бошқа шаҳарларда нутқ маданияти муаммолари бўйича катта анжуманлар ўтказилди.

Нотиқлик санъати тарихи эса, юқорида айтганимиздек, катта тарихга эга, бунга ҳамма ривожланган халқларда алоҳида эътибор берилган. Оврупо ва Шарқ нотиқлиги, айниқса, кенг тарқалгандир. Фақат шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, қадимда бу санъатга жуда катта эътибор берилгани ҳолда, кейинги вақтларда нутқ маданиятига зид ўлароқ, у даражада эътибор йўқдир. Қадимда ҳар бир саркарда, подшо, қозикалон, ҳуқуқшунослар, раҳбарлар, албатта, нотиқлик санъатига эга бўлган шахс бўлиши шарт эканлигини эслашнинг ўзи кифоядир.

Маълумки, нотиқлик санъатида ҳам тил меъёрларига, умумий қондаларга риоя қилинади. Бироқ унинг ҳам ўзига хос томонлари, қонуниятлари мавжуд бўлиб, ҳамма вақт ҳам бунга амал қилиш шарт бўлавермайди.

Жумладан, маълум бир шева вакили ўз шеvasида ҳам чинакам нотиқлик санъатини кўрсатиши, ҳаммани ўзига мол қолдирган ҳолда ваъзхонлик қилиши мумкин. У баъзи ҳолларда адабий меъёрлардан четга чиқиши, уларни ўзига хос тарзда ўзгартириши ва ишлатиши мумкин. Жумладан, сўз устаси Абдулла Қаҳҳор халқимизда кенг тарқалган «Бир бошга бир ўлим» иборасини жуда ўринли ҳолда «Бир бошга икки ўлим». Ҳуршид Даврон «Осмон йироқ, ер каттиқ» иборасини «Ер ўша-ўша қаттиқ, осмон эса ўша-ўша йироқ» тарзида ўзгартириб қўллайдилар.

Нутқ жараёнида бундай қайта ишлаб юборилган ибораларга қуйидагиларни ҳам кўрсатиш мумкин: биров муома-

лани билади, биров билмайди, биров гапни ёглаб гапирди биров тиканак боғлаб гапирди (А. Қаҳҳор); Ҳар бир товун ўлим бўлиб унинг мия қопқоғини чертар эди (А. Қаҳҳор). Лекин, биродар ҳар ёмоннинг бир «аммо»си бўлиши керак ҳар яхшининг бир «лекин»и (А. Қаҳҳор.); Таппи таппидан йироқ тушмас (А. Қаҳҳор.); Чол, уни кўриб қарғишга оғиз очди-ю лекин қарғаёлмади, «Бўйнинг узилмасин, болам, деб ҳўнгра юборди... Ҳолинг шу бўлса, ҳолингга вой, эр олмайди, бошимга ёстиқ бўласан (А. Қаҳҳор); Овчига хизмат қилишдан фарқат ит лаззат қилади; Қисир сигир кўп маърайди; Бўлдирадиган ҳам хотин, ўлдирадиган ҳам хотин (А. Қаҳҳор.); Тавба. Икковининг оғзидан ҳам ит кириб, мушук чиқади (Чўлпон).

Кўринадики, сўзамоллик, нотиқлик санъат даражасига кўтарилганда, унинг таъсирчанлигига асосий эътибор қаратилади. Шунга кўра, ҳар бир шахс ҳам тилнинг барча бойлиги ва имкониятларини, барча қондаларини яхши ўзлаштирган шахс бўлиши мумкин. Бироқ ҳар бир шахс ҳам санъаткор даражасидаги нотиқ бўла олмайди. Шунинг учун ҳам санъаткор нотиқ нутқи кўпчиликка мўлжалланган бўлади. Нутқ маданияти эса айрим шахслар орасидаги суҳбат, ўзаро алоқа тарзида ҳам бўлади.

Бу ўринда Т. А. Дегтереванинг нутқ маданияти ҳақидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «У келажак сўз санъаткорларида нутқ маданияти асосларини шакллантиради. Бирорта ёзувчи ҳам, бирорта сиёсий ва илмий асарлар муаллифи ҳам, нотиқлик санъатининг бирорта даҳиси ҳам йўқки, нутқ маданиятининг мактаб берувчи тайёргарлигидан ўтмаган бўлса» (Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиевларнинг «Нутқ маданияти ва услубият асослари» китобидан олинди, Т., 1992, 143-бет).

Демак, образлилик, таъсирчанлик, одатда, нотиқлик санъати учун кўпроқ характерли бўлса, тўғрилиқ, жўялилик аниқлик каби белгилар кўпроқ маданий нутқ учун хосдир.

Шунга кўра, у ёки бу тилнинг луғат бойлигини, фонетикаси, грамматикасини уларнинг ҳолати, тараққиёт қонунлари, ўзгаришлари, имкониятлари, меъёрларини ҳамда услублараро тармоқланишларини ўрганишга бағишланган барча ишлар-тилшунослик тарихи, нутқ маданияти тарихи ҳамдир. Шу маънода нутқ маданияти тарихи ҳам нотиқлик санъати каби қадимийдир, ҳатто, ундан кўра қадимийроқ ҳамдир. Чунки умумтил меъёрларига амал қилиш билан адабий тил меъёрларига амал қилиш ҳам фарқ қилади. У ёки бу тил

накили қадимданоқ ана шу умумтил меъёрларига амал қилган. Бироқ адабий тил меъёрларига амал қилиш кейинги босқичдир. Ўзбек адабий тили тушунчаси А. Навоий даврларидан бошланган экан, унинг меъёрларига амал қилиш ҳам ана шу даврлардан бошлангандир.

Тилшуносликнинг барча соҳалари бўйича тадқиқот олиб борган ва бораётган барча олимларнинг, она тилининг тақдирига бефарқ қарамаётган, унинг тараққиётига, бойишига ҳисса қўшаётган ҳар бир зиёли, ҳар бир адиб ўзбек нутқи маданияти учун охир-оқибатда шу халқнинг умуммаданий савиясини юксалтириш учун ўз ҳиссасини қўшган ҳисобланади. Бу борада кейинги даврдаги машҳур олимлар: А. Ғуломов, Т. Иброҳимов, С. Иброҳимов, Ф. Камол, Ҳусан Ғаниев, Ш. Раҳматуллаев, Азим Ҳожиев, Ш. Шоабдураҳмонов, Ғ. Абдураҳмонов, Ш. Шукуров, У. Турсунов, М. Асқарова каби кўплаб тилшуносларнинг хизматини, шунингдек, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, Ҳамза, Ойбек, А. Қаҳҳор, О. Шарафутдинов каби ўнлаб адиблар ва адабиётшуносларнинг қимматли фикрларини алоҳида эҳтиром ва самимият билан тилга олиш лозимдир.

Ўзбекистонда нотиқлик санъатига эътибор, афсуски, у даражада юқори эмас. Кейинги 80—90 йиллар давомида кўзга кўринган нотиқлар жуда кам эканлиги кузатилади.

Кейинги давр нотиқлик санъати ҳақида гапирилганда, (совет даври) ҳам, асосан рус нотиқлари Ленин, Луначарский, Свердлов, Володарский, Киров, Ярославскийлар мисол тариқасида келтирилади (Б. Уринбоев, А. Солиев «Нотиқлик маҳорати», 46—50-бетлар). Нотиқлик санъатига бағишланган айрим китоблар, рисолаларда ҳам ўзбек нотиқлари астойдил тилга олинмайди: Х. Д. Жалилов тузган «Ижтимоий фан ўқитувчиларининг нотиқлик санъати» (Т., 1986) рисоласида айрим профессор-маърузчиларнинг номлари тилга олинади, шунингдек, А. Қодирий, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, С. Абдулла, С. Аҳмад, Сами Абдуқаҳҳорларнинг асарларидан ўйноқи, ҳузур қилиб кулдирадиган юморни топиш мумкинлиги, улардан бу борада ўрганиш лозимлиги айтилади, холос.

Ўзбекистонда ҳам, кам бўлса-да ана шу кейинги даврларда ҳам машҳур деса арзийдиган нотиқлар бўлган ва булар ҳақида гапириш пайти келди: Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Усмон Носир, Чўлпон, Фитратлар ҳақида, эҳтимол, И. Охунбоев, У. Юсупов, Ш. Рашидовлар нотиқлиги, машҳур Қодир

Маҳсумов, Туйғуной Юнусхўжаева, Мухсин Алимов, Ориф Алимахсумов, Муҳиддин Дарвешов, Ҳамза Умаров каби махсус сўз санъаткорлари, ҳам рус тилида, ҳам ўзбек тилида яхшигина нутқ сўзлай оладиган Л. Қаюмов, Озод Шарафутдинов каби кўпгина олимлар ва бошқа ёш талантлар ҳам борки, улардан кўп нарсани ўрганиш мумкин. Уларни тарғиб қилиш ҳам лозим.

Ўзбек нутқи маданияти тарихини, шунингдек, нотиклиги тарихини мукамал ўрганишга эътибор ҳам маданийлик даражамизни белгилайди, умуммаданиятимиз тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилади. Шунинг учун ҳам Эркин Воҳидов: «Қани энди ўзини зиёли деб ҳисоблаган ҳар бир одам ҳеч бўлмаса, тилимизга керакли бир сўзни олиб кирса, унутилган бирор сўзимизни тирилтириб луғатларимизга қўшса»,— деган эди-да!

Ҳақиқатан ҳам, модомики, ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги, одатда, ўнинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинар экан, нутқ маданиятига эътибор ҳам, ёлғиз нотиклар, адиблар, олимларнинггина иши бўлиб қолмасдан, балки ҳар бир шахсдан талаб қилинадиган иш, фаолиятдир. Шунинг учун қадимда ўтган ҳар бир зиёли, аллома ва адиблар у ёки бу йўсинда бу ҳақда ўз фикрларини баён қилиб ўтганлар. Улар «тилга эътибор-элга эътибор» эканлигини яхши ҳис қилганлар.

Қувонарлиси шундаки, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши унга бўлган муносабатни тубдан ўзгартирди, кишиларимизни фаоллаштирди. Ҳозирги кунда ҳамма-ҳамманинг диққат-эътиборида тилимиз тақдири масаласи бор: ёшлар, кексалар, талабалар, касбидан, соҳасидан қатъи назар ҳар бир зиёли тилимизнинг равнақи, келажаги ҳақида қайғурмоқда, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилмоқда. Телекўрсатувлар, радио, умуман матбуот бу масалага жиддий эътибор бермоқда. Ўзбекистон ҳукумати бу ишга муҳим давлат иши сифатида қарамоқда. Буларнинг ҳаммаси ўзбек нутқи маданиятининг, халқимиз умуммаданиятининг баркамол бўлишига хизмат қилади.

Тил маданияти, нутқ надаанияти учун кураш умумхалқ ишидир.

АТАМАШУНОСЛИК, СЎЗ ҚУЛЛАШ ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда кейинги даврларда ҳам фан-техниканинг барча соҳалари ривожланди, шаклланди. Натижада ўзбек

тилида ҳам, фан ва техниканинг барча соҳаларига оид атамалар вужудга келди; ўзлаштирилди, янги атамалар ясалди. Мавжуд атамаларнинг кўпчилиги ўзгарди, янгиланди. Бу атамаларнинг аксарияти умумадабий тилга ўтиб, оммаланиб кетди ва ҳамма учун тушунарли бўлиб қолди. Ўзбек тилида чиқаётган рўзномаларга, бадий асарларга, илмий ишларга эътибор берсак, уларда тележка, водопровод, радио, электр, телевизор, троллейбус, автобус, трамвай, машина, шофер, вокзал, география, геология, биология, гастроним каби минглаб атамаларни учратиш мумкин. Ўзбек тили атамачилигида илгари мавжуд бўлган, бошқа тиллардан, жумладан, кўпроқ араб тилидан ўзлашган жумҳурият мўнажжим муаррих, мунаққид, муаллиф, инқилоб каби сўзларнинг ўрниши рус тилидан ёки у орқали ўзлашган байналмилал сўзлар эгаллади. Кейинги даврда эса яна ўша араб тилидан ўзлашган сўзларни қўллаш кучайди. Бошқача айтганда, айрим сўзларга қайтадан «жон» ато этилди: **Жумҳурият, инқилоб, байналмилал, жамоа, анжуман, шўро** кабилар. Айрим, 20-йилларда кенг қўлланган сўзларни қўллашда иккиланишлар ҳам бор. Бунга асосий сабаб: ўша сўзларга эҳтиёжнинг қолмаганлиги ҳамдир: **кашшоф, фирқа** кабилар. Бир қатор сўзлар борки, уларни ҳозирги мактаб ўқувчилари ҳам, Олий мактаблар талабалари ҳам махсус луғатларсиз ёки ўқитувчиларнинг ёрдамисиз тушунишлари қийин: мунши, қози, дод-ҳоҳ, ҳарам, аврапўш, сипоҳсолар, виқор, вожиб, воиз, волик, боҳбуд, бадхў, алфоз, андуҳ, андоза, андалиб, асно, афгор, афтода, мисқол, муфти, коранда, чоракор, қушбеги, пансод кабилар. Ана шундай баъзи сўзларни эса фақат айрим маъноларига кўрагина тушунадилар. Масалан, ҳатто, жуда кўп мактаб ўқитувчилари ҳам, Шул эрур айбим Муқимий, Мардуми Фарғонаман мисрасини «Менинг айбим шуки, мен Фарғона фуқаросиман (Фарғоналикман) деб тушунишади ва худди шу тарзда мактаб ўқувчиларига ҳам шарҳлаб беришади.

Агар улар мардум сўзининг барча маъноларини, ҳеч бўлмаганда, **кўз қорачуғи, йўлни ёритувчи, зиё берувчи** деган маъноларини тушунганларида эди, бу ҳол юз бермас эди. Бундай ҳолат мумтоз адабиёт намуналарини тўғри шарҳлаб беришга, улардаги бадиятни чуқурроқ ҳис қилишга ҳалақит қилади, у ёки бу байтнинг асл моҳиятини, шоир кўзда тутган асосий мақсадни тўла англаб етмасликка сабаб бўлади. Ана шу каби сўзларнинг маъноларини ўргатмаслик, ўқувчиларга сингдирмаслик эса, асар-ғазалнинг чала тушунилишига

олиб келади, ўқувчиларни уларнинг сир-асроридан бебахра қилади.

Бу ўринда Р. Декартнинг қуйидаги фикрини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: «Сўзларнинг маъноларини (одамларга) тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англаш шилловчиликларнинг ярмидан халос қилган бўласиз».

Янги вужудга келган ёки ўзлашаётган атамаларни англамай туриб қадимда тилимизда кенг қўлланган сўзларнинг маъноларини тушунмай, билмай туриб, ўзаро тўғри фикрлашиш, ўзаро бир-бирини тўғри англаш, ёзилган нарсалар-асарларнинг туб моҳиятидан тўла баҳраманд бўлиш мумкин бўлмайди. Шунинг учун ҳам, илмий жараёнда, ўқиш-ўқитишда атамаларни чуқур билишнинг ҳамда тўғри, ўринли, танлаб қўллай билишнинг, қисқаси, атамачилик маданиятининг аҳамияти беқиёсдир. Атамаларни ўринли-ўринсиз ишлатиш, тушунмаган ҳолда қўллаш, сохта билимдонликни ниқоблаб учун бошқаларга тушунарсиз атамаларга ҳадеб мурожаат қилавериш нутқ маданиятига путур етказди.

Қуйидаги парчага эътибор қилайлик:

— Иҳим... Оқсоқол, очингни айтсам ижарачилик ва фермерлик ҳаракатини авж олдириб деҳқон хўжаликларини барпо этгандан сўнг улар билан кооперативлар ҳамда кичик тижорат корхонлари ўртасидаги шартнома тўсиқликларини олиб ташлаб, консенсусга эришмоқ, ретроспектик қарашларни бартараф этмоқ лозим. Оқсоқол, оғзингизни юминг! Хуллас, ортодоксал фикрловчи қайта қурувчиларнинг фавқулодда позитив ва негатив конфронтациясига мененжер, бизнес, брокерлик ҳаракатини қарши қўямиз. Бунда бизга ассоциациялар ҳамда демократик ўзгаришлар туфайли эришганимиз плюрализм мададкор бўлади. Қоровул тоға муштини оғзига тириб, мазза қилиб эснади-да «тушундим» дегандек бош ирғади («Ўзбекистон адабиёти ва санъати»дан олинди).

Шу парчанинг ўзида 14 та мутлақо тушунарсиз ёки тушунилиши қийин бўлган чет сўз ишлатилган. Буни шиорбозлик дейилгани каби атамабозлик деб аташдан бошқа иложимиз йўқ. Бу билимдонлик ёки маданиятлилик белгиси ҳам эмас, мутлақо аксинчадир.

Баъзи ҳолларда бунинг тескари ҳолатини кўрасизки, бу ҳам ўта сунъийлик, тил тараққиёти қонунларини чуқур билмаслик натижасидир, холос: сағр солит — жарангсиз ундош; ҳинсо — бўғин; ўтду — лаб оҳанги; ўтру чўзғилари — лаб унлилари; товуш тобланиши — интонация; узуқ ва ёпишиқ

шарфлари; гап мучалари — гап бўлаклари; олишма излари — шакл сон қўшимчалари; ўртоқлик сон — жамловчи сонлар; янги туруш — ўтимсиз феъл... кабилар. Бу сўзларнинг ай-
ни маънари маълум даврларда қўлланган бўлиши, ўша давр
учун меъёр ҳисобланган бўлиши мумкин. Лекин меъёр-
лар ўзгаради, тараққий этади. Кейинги бир давр учун тушу-
нари бўлган, меъёр бўла олмайдиган сўзлар, атамаларни
мажбурлаб тилга қайтаришнинг ҳам ўз чегараси бўлиши,
уш қонуниятларига амал қилиши зарурдир.

Атаманинг мақбулини одатда халқнинг ўзи танлаб ола-
ди. Шундай экан, эски атамаларни янги атамалар ўрнида
мажбуран ишлатиш ўзини ҳамма ҳолатларда ҳам оқлайвер-
майди ва бу нарса умуман тил тараққиётига зарар етказиши
ҳам мумкин (эски сўзлардан маъқулларини тарғиб қилиш,
маълум мақсадларда фойдаланиш бошқа нарсадир). Бундай
ҳолатларнинг ҳаммаси сўз қўллаш меъёрларининг бузилиши,
унда чегарадан чиқиш, ё у томонга, ёки бошқа томонга оғиб
кеттиш бўлади.

Ҳозирги кунда ҳар ким ўзича, ўз билганича янги сўзлар-
атамалар яшашга киришиб кетди. Натижада тилимизда
«муъжизалар» пайдо бўла бошлади. Қарсакшунослик, тегара,
ўрам (ҳудуд маъносида), терма, тизма (сервиз), ҳужжата-
ўрам (ҳудуд маъносида), терма, тизма (сервиз), ҳужжата-
ров (архив), ўртачи қарам, ўртачи помидор, икки қути новқон
(қурт), ҳаятча (томорқа), осик (фойда) иссиқхона (парник),
шошилинчинома (телеграмма), Ойбитик, жарида, мажалла,
ойнома (журнал); қатновхона (амбулатория), нафақахўр
(пенсиячи), овознигор (радио), манзил (унвон), наслнома
(фамилия), муқаййим (заргар), тайёрадаргоҳ (аэропорт)
каби. Булардан ташқари пахтанома, намознома (намозлик),
Тошкент Юридик Олийгоҳи ҳуқуқшунослик минбаргоҳининг
домласи; Уғриларни исми-шарифларини ҳозирча айтмаймиз;
Дала маликаси ўрилиб ўраларга бостирилди; Маликазор —
маккажўхоризор; Мендан уч йил ёшсиз; Ўзи юрар зиналарни
тайёрага юргизиш борди каби қўлланишлар ҳам учрайдики,
ҳайратга тушмай илож йўқ. Келтирилган жумлалардаги ай-
рим атамалар ҳам ўзбошимчалик билан тузилган.

Кўриниб турибдики, нутқ маданияти, энг аввало, сўзга,
атамаларга уларнинг маъноларига, бу атамаларнинг ўзлари
ифодалаётган тушунчаларнинг моҳиятига қанчалик мос кел-
ишига жиддий эътибор беришни тақозо этади.

Луғат тузишга, сўзларнинг маъноларини озоҳлаб бериш-
га, умуман тилнинг луғат таркибини, бойлигини тарғибга

солишга қадимданоқ эътибор берилган. М. Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» (XI аср), Толе Имонийнинг «Бадлу ул луғат» номли ўзбекча-форсча луғати (XV аср), «Абушқ» номли ўзбекча-туркча луғат» (XVI аср), Мирзо Меҳдихоннинг «Санглоҳ» номли ўзбекча-форсча луғати (XVIII аср), Сулаймон Бухорийнинг «Луғати Чағатоий ва турки усмоний» номли луғати (XIX аср), Муҳаммад Ризо Хоксарнинг «Муқтаҳобул» луғат (XVIII аср), Муҳаммад Ёқуб Чингнинг «Қулурнома» номли ўзбекча-форсча луғати (XVII аср), Фазлулаҳоннинг ўзбекча-форсча луғати (Қалькутта, 1825 й.) каби луғатлар ана шундай луғатлар бўлиб, уларда ўзбек тили тарихи ўз аксини топган.

Кейинчалик, рус-ўзбек муносабатлари натижасида русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча луғатлар тузилди. Бундай луғатлар 1860-йиллардан бошлаб ҳар хил шаклларда (катта-кичик) тузила бошлаган. Шунингдек, бундай луғатлар маълум соҳалар доирасида ҳам тузилган. Масалан, 1928 йилда нашр этилган «русча-ўзбекча ҳарбий терминлар луғати» шундай луғатлардандир. Бу даврларда яна ҳар бир фан бўйича ҳам кўплаб луғатлар тузилди: «Риёзиёт терминлари луғати» (1931), «Русча-ўзбекча физика терминлари» луғати (1932), «Нормал микроскопик анатомиядан лотинча-ўзбекча-русча терминологик луғат» (1933), «Русча-ўзбекча пахтачилик терминлари» луғати (1933), «Назарий механика терминлари луғати» (1934), «Пахтачиликка оид қисқача изоҳли луғат» (1935) кабилар. 50-йиллардан кейин соҳаларга оид (геология, химия, зоология, ботаника, электротехника, тиббиёт, филология, география, тарих, фалсафа, математика) турли хил таржима ва изоҳли луғатлар яратилди. 1942 йилдан бошлаб 30 000 сўзли, 40 000 сўзли, 72 минг ва 60 минг сўзли таржималар луғатлари ва ниҳоят «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» (60 минг сўзлик, 2 жилдди) нашрдан чиқарилди. Мавзулар луғатлари (тематик луғатлар) ҳам нашр қилина бошлади.

Ўзбек тили синонимлари, омонимлари, антонимлари, паронимлари, фразеологизмлари луғатларининг нашр қилиниши катта аҳамият касб этди. Имло луғатлари турли ҳажмларда нашр қилинди. Орфоэпик луғат, шевалар луғатлари яратилди. Бироқ мумтоз адабиёт учун луғатлар жуда кам яратилди. Навоий тўла асарларининг луғати йўқ. Тарихий луғатларни кўплаб чоп этиш зарурдир. Бу луғатларда ўзбек тилининг сўз бойлиги тўла акс этса, ҳар бир сўз ўз изоҳини топса, нутқ бойлигимиз шунча юксалади.

Илмий мунозараларда, илмий мақолаларда, ўқитиш жа

табиарида ҳар бир атамани ишлатишга ёки нутқда қўллаш алоҳида эътибор бериш лозим.

Маълумки, сўзларнинг аксарияти кўп маъноли бўлади. Бу нарса табиий ҳолдир, Чунки жамият тараққиётида кўплаб нарса ҳодисалар, тушунчалар вужудга келди. Уларни ифода-лаш учун у ёки бу тилда баъзан янги атамалар яратилади, баъзан бошқа тиллардан атамалар қабул қилинади. Бироқ бу билан ҳам эҳтиёжни қондириб бўлмайди. Натижада, шу тилдаги мавжуд сўзлардан ҳам фойдаланишга тўғри келади. Бу нарса ўз-ўзидан мавжуд сўзнинг кўп маъноли бўлишини келтириб чиқаради. Жумладан, ўзбек тилидаги **бош, кўз, қулоқ, қош, оёқ, бел, қўл, бурун** каби сўзларнинг дастлаб келиши аъзоларидан бирини ифодалаб келгани, кейинчалик мева, ётқоннинг кўзи, дарахтнинг боши, қозоннинг қулоғи, айвоннинг қоши, сўрининг оёғи, ишнинг бели каби бирикмалар таркибида бошқа маъноларда қўлланиб, бошқа тушунчаларни ифодалаши, сўзнинг бундай хусусиятга эга бўлиб келишида нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик асос қилиб олинганлиги кўзга ташланади.

Кўп маънолилик айниқса ўзбекча сўзлар учун жуда характерлидир: деяри барча феъллар, шунингдек, бошқа сўзлар ҳам турли-туман маъноларда қўлланади. Масалан, **яхши** сўзи яхши бола, яхши китоб, яхши шаҳар, яхши сув, яхши шула, яхши ўйин, яхши мева, яхши хотин, яхши машина, яхши қалам, яхши кийим, яхши от, яхши мактаб, яхши қовун, яхши уйқу, яхши гап каби турли-туман қўлланишларнинг ҳар бирида ўзига хос нозик маъно ифодалайди. Жумладан, **яхши қовун** бирикмасида **яхши** сўзи **ширин** сўзи ўрнида, **яхши от** бирикмасида **учқур** ёки **чиройли**, ёки **бўлмаса, ювош, келтирилган, бақувват, сөзгир, ақлли** каби сўзлар ўрнида қўлла-ниши мумкин. Ўзбек тилидаги **юрмоқ, ётмоқ, отмоқ, турмоқ, килмоқ, қилмоқ, босмоқ, ишламоқ, тишламоқ** каби феъллар; **от, калтак, кўча, уй, туз, асал, қум, тош** каби отлар, тез, жуда, секин каби равишлар-ҳамаси-ҳаммаси кўп маъноли сўзлардир. Ҳатто, **қоғоз, қалам, тоға, қозон, чўмич, қошиқ** каби сўзлар ҳам турли маъноларни ифодалайди. Бу нарса ўзбекларда аския жанрининг кенг тарқалишига ҳам асос бўлади.

Бошқа тиллардан сўзларнинг кўплаб ўзлашиши ўзбек тили синонимларининг кўпайиши учун асос бўлган.

Ҳозирги кунда ўзбек тилидаги жуда кўп сўзлар ўз синонимларига эгадир. Улар алоҳида-алоҳида **сўзлар бўлиб**, айрим маъноларига кўра туташадилар ва нутқда энг нозик

маъноларни ҳам фарқлаб беришга хизмат қиладилар. Ну
нинг ранг-баранг бўлишини, аниқлигини, таъсирчанлиги
таъминлайдилар. Масалан, ўзбек тилидаги юз сўзига маъл
маъноларига кўра бет, ораз, чехра, висол, сиймо, жам
истара каби сўзлар синоним бўлиб келса (булар ижобий м
носабатни ифодалайди, поэтик услубга хос), бошқа маъ
ларида турк, башара, афт сўзлари синоним бўлиб кела
(булар салбий муносабатни ифодалайди).

Хуллас, ўзбек тили синонимлари шу тилнинг нодир бо
лиги бўлиб, унинг нутқда тутган ўрни беқиёсдир. Фақат ул
дан ўринли ва тўғри фойдаланиш зарур. Ўзбек тили синони
ларга жуда бой тилдир. Синоним қатордаги ҳар бир сўз ў
га хос турли маънолари билан ажралиб туради.

Сўзлар тушунчаларни ифодалабгина қолмай, кишиларни
ҳис-туйғуларини, нарс-ҳодисаларга бўлган муносабатла
ни ҳам ифодалайди. Жумладан, ўғилчангиз, йигитча, китоб
каби сўзлар қандай нутқий матнда ва қандай оҳанг бил
ишлатилишига қараб, ҳам ижобий, ҳам салбий муносабат
ифодалайди:— Ҳа, ана шу ўғилчангиз бошимга минг хил
лоларни солди, ана шу арзандангиз қилди бу ишларни
ҳаммасини... («Шарқ юлдузи»); Ўғилчангиз бирам шир
бўптики (оғзаки нутқдан); Китобчангизни олиб қўйинг, у
пиширмабсиз, варақлаб чиқдим. Ҳали анча гап бор. («Ўз
кистон адабиёти ва санъати», 1989 й.). Биринчи ва учин
мисоллардаги ўғилчангиз ва китобчангиз сўзлари сўзлов
нинг шу нарсаларга салбий муносабатини ифодалаган.

Ўзбек тилида кўп қўлланувчи раҳмат, балли, баракал
зўр, яхши, тасанно, қойил, офарин, марҳамат, Хуш келиб
каби жуда кўп сўзлар оҳангнинг ўзгаришига қараб, ваз
талаби билан бир ўринда ўз ижобий маъноларида қўллан
бошқа бир ўринда кесатиқ, киноя, таъна қилмоқ маънола
да қўлланади. Ургилдим, жоним, бўталоғим, оппоғим, қў
чоғим каби кўпгина сўзларнинг қўлланишида ҳам шу нар
ни кузатиш мумкин. Буларнинг нутқ маданиятида тут
ўрни беқиёсдир. Чунки баъзан қўпол сўз ишлатиш ўрни
ана шундай воситалардан фойдаланиш мақсадга мувоф
бўлади, сўзловчининг тилни, унинг сўзларини яхши билг
лигини, улардан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдалан
маҳоратига эга эканлигини кўрсатади. Кишига ёқимлид
туюладиган сўзни қўллаш орқали «чимчилаб олишни» ам
га оширади.

Чол уни кўриб қарғишга оғиз очди-ю, лкин қарғаёлма
«Бўйнинг узилмасин, болам», деб ҳўнграб юборди. Ҳол

шу бўлса, ҳолингга, вай, эр олмайди, бошимга ёстиқ бўла-
ган. (А. Қаҳҳор). Бу гапдаги «Бўйнинг узилмасин болам»
ибораси чолнинг бутун ички дардини ифодаллаган, норозили-
гини, хафа эйканлигини жуда бўрттириб берган. Бу иборадан
«бўйнинг узилиб кетсин, ҳатто ундан ҳам баттар бўл» деган
маънун англашилади.

Атамаларни, сўзларни ўз маъноларида тўғри қўлламас-
лик, бошқача айтганда, уларнинг ҳақиқий маъноларини тўғри
изоҳлаб бермаслик ёки тушунмаслик кўп чалкашликларга
ҳам олиб келади. Халқимизда кенг тарқалиб кетган бир ибо-
ра бор. У оғзаки нутқда, ҳатто, шаклини ўзгартирган ва шун-
дай ишлатилиб келади: **Кампирнинг дарди ғўзада. Аслида**
ёса:

Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ғозадин юзларда тобу, ўсмадин қошлар таранг.

Чунки, ул юз эрур тоза

Тоза гулга не ҳожате ғоза.

(А. Навоий «Мезонул авзон»)

қўлланишларидаги каби бўлиб, «Кампирнинг дарди ғозада»
дир. **Ғоза** — юзни қизил қиладиган, пардоз-андоз учун ишла-
тиладиган махсус элик-оқ упа-мойдир.

Сўзнинг — атаманинг маъносини тўғри англамаслик нати-
жасида нотўғри тушуниш содир бўлади. Бундай ҳолатлар-
нинг кўпчилиги ҳурматли олим Алибек Рустамовнинг «Сўз
хусусида сўз» (Т., «Ёш гвардия», 1981) китобида изоҳлаб
берилган. Жумладан, бу китобда яна **савдо** сўзининг **қора**,
сўнгра эса, **ташвиш** каби маънолари (не савдолар менинг бо-
шимга хушди-Тановардан), **нафс**, **маҳлуқ**, **жавҳар**, **истиора**,
ҳур, **жонона**, **бемор**, **олабий**, **шоир** (туйғучи), **чинор**, **бор**,
перо, **масса**, **абстракция**, **компьютер**, **спиритизм**, **реализация**,
миссия, **оберрация**, **мораторий** каби сўзларнинг ҳам ўзига хос
маънолари бўлганлиги анча яхши изоҳлаб берилган. Шун-
нингдек, жонли сўзлашувда кўп қўлланувчи «**асфалу-с-со-**
филин». **Нур устига аъло нур**» (Нур устига нур), «**Шериклик**
ошни ит емайди», «**Ўй саккиз минг олам**», «**истараси иссиқ**,
ҳут кирди-деҳқоннинг ичига қурт кирди каби кўплаб иборал-
лар ҳамда яна бошқа сўзлар, шу жумладан, ҳатто, айрим
исмлар (Зумрад, Лайло, Маннон, Заҳро, Зухро, Козим, Ро-
бия, Одина, Соли, Солиҳ) маъноларигача изоҳлаб берилган-
ки, бу сўзлар, ибораларнинг изоҳларини, маъноларини тўғри
тушуниш ҳар бир шахснинг ҳақиқатан ҳам, билим доирасини
анча кенгайтиради, уларни қўллашда ҳар бир маъносига

эътибор бериш, лозимлигига ўргатади. Бу борада яна кейинги пайтларда кўплаб нашр қилинаётган тарихий асарлар охирларида берилаётган луғатларга, А. Навоий. Ғазаллар, шарҳлар (Т., «Камалак», 1991) китобидаги матн таҳлилларига эътибор бериш маъқулдир. Умуман сўз изоҳига бағишланган ҳар бир рисола, ҳар бир китоб алоҳида баҳоланмоғи, уларга алоҳида эътибор берилмоғи нутқ маданияти учун катта аҳамиятга эгадир. Сўзга, атамага бефарқ қараб бўлмайди.

Атамаларни қўллашда ҳар бир соҳа вакили ҳам жуда эҳтиёткор бўлиши шарт. Акс ҳолда маълум бир мавзунини тушунишни, англашни қийинлаштиради. Буни тилшунослик соҳасидаги айрим атамалар қўлланишида яққол сезиш мумкин. Ўзбек тилига оид дарсликларда **фeъл даражалари, фeъл нисбатлари; ижро майли, аниқлик майли, дарақ майли; ўзлик нисбати, қайтим нисбат; орттирма даража, қўзғатиш даража (фeълларда); кучайтирма даража, орттирма даража, интенсив форма (сифатларда), сўз ясалиши — дериватология (сўз ясалишида)** каби жуда кўп қўллашлар учрайди. Бу нарса талабани чалғитади, унинг билим олишини, фанни ўзлаштиришни қийинлаштиради. Худди шунингдек, ўзбек тилига оид дарсликларда «Боғланган қўшма гап», «Эргашган қўшма гап» кўринишдаги атамалар ҳам қўлланади. Буларнинг биринчисида, одатда гап тенг боғловчилар воситасида боғланган қўшма гаплар тўғрисида боради. Кейингисида эса, таркибида эргаш гапи бор бўлган қўшма гап изоҳланади. Хўш, эргаштирувчи боғловчилар ёки бошқа воситалар билан боғланган қўшма гаплар-чи? Улар боғланмаган қўшма гаплар тарзида талқин қилинадими? Умуман, қўшма гап қисмлари бир-бири билан боғланмаган ҳолат ҳам бўладими? Ёки ёрдамчи сўз туркумлари деб номлаб қўйиб, ичида сўзлар эмас, аффикслар ҳақида маълумот берамиз (аффикс юкламалар). Худди шу нарса сўз ясовчи, форма ясовчи, сўз ўзгартирувчи аффикслар тарзида қўллашларга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбек тилида **фeъл нисбатлари, аниқлик майли, ўзлик нисбати, орттирма нисбат, орттирма даража (сифатларда), сўз ясалиши, боғловчили боғланган қўшма гаплар, боғловчисиз (бошқа воситалар билан) боғланган қўшма гаплар, эргаш гапли қўшма гаплар атамаларини, шунингдек, сўз ясовчилар ва грамматик маъно ифодаловчилар (аффикслар таснифида) атамаларини қўллаш мақсадга мувофиқ ва ҳодисаларнинг моҳиятига тўла мос келади.**

Кўринадик, атамани пухта ўйлаб тузмаслик натижасида

кўпгина жиддий чалкашликлар вужудга келади. Бу эса нутқнинг ўқувчига — тингловчига тўғри етиб бормаслигига сабаб бўлади. Нутқнинг тушунарлилигига путур етказди.

Атамаларни қўллашдаги бундай камчиликларнинг сабаблари бор, албатта:

1. Нутқ муаллифи атаманинг туб маъносини, моҳиятини тўғри англаб етмайди. Натижада, уни мантиқан мос келмайдиган сўзлар билан бириктиради ва жумла тузади. Унингча, атама тўғри ишлатилгандай туюлади:

Одамга доим бошпана — бошини бекитиб юриш учун пана жой керак, фақат уй эмас, одам ўзи яшайдиган торгина муҳитда ҳам муносабатлардан бошпана қуриб олади, муносабатларни бошига пана қилиб юради... (А. Аъзам);

Даврим гўзал, давроним гўзал, Шу давронда ўтган армоним гўзал (Қўшиқдан).

Биринчи гапдаги бошпана англатган тушунчани яхши билмаслик натижасида, бу ўринда нотўғри қўллангандир. Бошпана сўзи асосан турар жой, уй деган маънони билдиради («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», 139-бет). Кейинги гапдаги, кейинги қисм армоним сўзининг ишлатилиши билан тамомила бузилгандир.

Яна: Унинг сочларидан келаётган жуда ингичка бир ҳиндий мушк исси бошимни айлантиради гапдаги инглизча сўзи. ҳам ноўрин ишлатилгандир.

2. Муаллиф ўз нутқига жиддий эътибор бермайди, уни назорат қилмайди. Натижада атамалар пала-партиш ишлатиб юборилади. Баъзан эса (буниси ёмонроқ) онгли равишда, мавжуд атамаларни яхши билган ҳолда, анъанавий қўлланиб келаётган, ҳамма учун тушунарли бўлиб қолган атамалардан воз кечиб, анъанани бузиб, ўзини шу фаннинг билмидони қилиб кўрсатиш мақсадида ҳеч ким учун тушунарли бўлмаган, қўлланиши ўзини оқлаш-оқмаслиги ҳали номаълум бўлган, ўзлашмаган атамаларни қўллаш ҳоллари ҳам учрайди: Масалаан, қўшма сўз атамаси ўрнида ўринли — ўринсиз ҳолда композита, гапнинг эргашиши ёки гапнинг боғланиши атамалари ўрнида гипотаксис, паратаксис атамаларини қўллаш каби. Кейинги йилларда яратилган тилшуносликка оид ўзбек тилида ёзилган илмий ишларда, китобларда бундай атамаларни қўллаш «мода» га айланганлиги ачинарлидир.

Худди шу каби, баъзан, ҳамма учун тушунарли таниш атама турганда, маълум сабабларга кўра, атайлаб тингловчи

учун нотаниш бўлган синоним атамани ўринли-ўринсиз қўллаш учрайди: **грамматик маъно ўрнида формал маъно, аффиксал морфема ўрнида формал морфема, кўрсаткич ўрнида форманг, қисқартма сўз, қисқартма от атамалари ўрнида аббревиатура, сўз охиридаги, бошидаги, ўртасида товуш атамалари ўрнида ауслаут, анлаут, инлаут атамалари қўлланиб, бу атамалар баъзан ҳодиса номи сифатида ҳам, товуш номи сифатида ҳам ишлатилмоқда. Бундан ташқари, сўзнинг ўрни маъносида ҳам қўлланиляпти: Ауслаутда жарангли ундош жарангсизлашади** каби. Бундай ҳолат **прокопа, синкопа, апакопа, протеза, диереза, эпентеза, элизия** каби жуда кўп атамаларга ҳам тегишли бўлиб, талабаларнинг билим олишларини ниҳоятда қийинлаштиради. Буни, чет атамаларни умуман ишлатмаслик керак экан-да, деб тушунмаслик керак. Меъёрида ишлатиш ҳамма вақт ҳам зарурдир. Акс ҳолда тил софлигига, нутқ тозалигига путур етади.

3. Сўз ясалиши, жумладан, атамаларнинг ясалиши қонунқондаларини яхши билмаслик натижасида нотўғри атамалар ҳосил қилинади ва уларнинг нутқда ишлатилиб юборилиши ҳам сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқани қийинлаштиради: **тўғригўй, учаркент, парракли учоқ, чолғувчилар дастанимаданлигини ўзим ҳам билмайман, тушунтиришим қийин, аммо...** (А. Аъзам). Бу мисолдаги **ножой** сўзининг ясалиши ҳам ғализдир. Чунки ўзбек тилида таркибиди **О** товуши бор бўлган ҳар қандай сўздан ҳам **НО-** сўз ясовчиси орқали янги сўз ҳосил қилиш мумкин бўлавермайди: масалан, **нонон**, **ножон** ясалишлари учрамайди. Бу сўзларда **но-** ўрнида **-сиз** ясовчиси яшлатилади. Ўзбек тилида учрайдиган **нопок** сўзида эса **но-** шакл ҳосил қилувчидир — у сифат туркумидаги сўзга қўшилиб келяпти: **номаълум**, **ноаниқ**, **ноқулай**, сўзларидаги каби. Бу сўзларни **маълумсиз, аниқсиз, қулайсиз** шаклларида қўллаш меъёр эмасдир.

Маълумки, атамалар ихчам, айтилиши ва ёзилиши қулай бўлиши керак. Бунга зид равишда, масалан, **физик хоссалар ўрнига физикавий хоссалар, механик ҳаракат ўрнига механикавий ҳаракат тарзидаги атама яшашлар** учрайди. Бундай мисолларни яна юзлаб келтириш мумкин. «Ўзбек тилида янги сифат шаклларини қўллаб бўлмайдиган ҳолларда баъзан -ли аффиксли сифатлар қўлланилади. Масалан, **шарикли подшипник тишли ғилдирак**, плунжерли насос ва ҳоказолар. Лекин -ли аффиксли сифатлар ҳамма вақт ҳам рус тилидаги сифатларнинг маъноларини беравермайди: **«иккита шарикли подшипник, йигирма битта тишли ғилдирак, ички тишли ғилдирак**

қўлланишларида **йккита**, **йитирма битта**, **ички сўзларининг шарикками-подшипникками ёки тишгами**, **ғилдиракками оидлиги билинмайди»** (С. Ақобиров. Тил ва терминология, Т., 1968, 36-бет). Кузатиладики, бундай чалқашликлар ўзбек тилидаги ўзига хосликни яхши англамаслик ёки тил бирликларининг имкониятларига тўғри баҳо бермаслик натижасидир. Қўйидаги сўзлар ҳам ана шунинг оқибати сифатида ясалган сўзлардир: вулканизация-вулқонхона, вулқонлаш устахонаси; вкладыш-суқма варақ-хатчўп: вертолёт-паррон; бухгалтер-муҳосиб, дабир, дафтардор; авиация-ҳавогирлик; автоматизация-ўзкорлаштириш; декан-куллиябоши; деканат-куллияхона; диплом-таҳсилнома; диктант-ёзма, курорт-осоёйишгоҳ; лимон-турунж кабилар (мисоллар Абдулҳақим Аъзам томонидан тузилган «Русча-ўзбекча янги атамалар» китобчасидан олинди, Қўқон, 1991).

Баъзан матбуотда ва бадиий адабиётларда ёзувчи томонидан ўзига хос тарзда ижод қилинган ажойиб ясалмалар учрайди: **ўзига ўхшаш сиёсатбозлар ва лўттибозлар учун демократия бўлишини талаб қиляптими?** (Рўзномадан); **Аммо товонгар (даъвогар) сирингни айтгил деб муболаға ва тақоза (талаб) қилгандан сўнг фақир дедик, болаларим бирлан еган таомимиз бизларга ҳалол ва ўғлингга ҳаромдир...; Муҳсин бунни сезибми, гапини ялпизлади** (Б. Қаримов); **Ранг-баранг гуллар жилвасида нақшланган адабиёт гулзорида якрангликка** (бир ёқламаликка — Ё. Тожиёв) **ружу қўйилди** (Б. Қаримов); **Қўлингни орқанга маташтириб** (орқада бирлаштирмоқ маъносида) **юрасан; Отабек хаёл ичида қоғознинг тахларини тузуклади-да, қайтариб яна қўйнига тиқди** (А. Қодирий); **Сен меникисан, унинг дилида ижарада яшайсан** (М. Гаффор).

Бундай ўзига хос қўллашлар, янги сўзлар ясашлар тилимизни бойитади, нутқимизни ранг-баранг қилади. Бироқ айрим муаллифлар ясалган «ясалмалар», масалан, **ошқозон касал бўлиб қоламан, ҳаммўйқалам дўстлари, ориятни эса қозон-товоқ, идиш-оёқ деганлар қучоқ очиб қаршилайдилар**, Нима десам ишонган, оққўнгилтанти Тангир билан баҳслашаётган бўламан (А. Аъзам) каби жумлалардаги **ошқозон касал, ҳаммўйқалам, идиш-оёқ оққўнгилтанти** тарзидаги ясалишлар ўта сунъий, ғализ эканликлари билан кишини «хайратга» солади. Айниқса, **оққўнгилтанти**, идиш-оёқ каби ясалишлар ҳозирги ўзбек тили нуқтан назаридан ҳечам ўзини оқламайди, сўз ясаш меъёрига мос келмайди.

Демак, атама ясаш билан боғлиқ бўлган бундай камчи-

ликларни бартараф қилмасдан туриб, ўзбек тили атамачилигини мукамаллаштириб бўлмайди. Модомики, тилнинг атамачилик тизмаси мукамал ҳолга келмас экан, атамаларни қўллашдаги камчиликлар ҳам барҳам топмайди. Настижада илмий, ўқиш-ўқитиш соҳаларидаги нутқий алоқа сифати ёмон ҳолича қолаверади. Шу сабабли нутқ маданиятининг асосий мезонлари бўлган тўғрилик, аниқлик, мантиқлилик, тушунарлилик кабиларга пур етади. Қолаверса, адабий тилда ортиқча, кераксиз, сунъий бўлган унсурлар кўпайиб кетиб, ҳатто нутқ тозалиги ҳам бузилади.

Нутқнинг бойлиги нутқ маданиятининг асосий мезонларидан биридир. Бу сўзловчидан муайян сўз бойлигига эга бўлишни талаб қилади. Сўзловчи эса ўз сўз бойлигини асосан луғатлар орқалигина бойитиши мумкин. Бу ўринда, аиниқса, мумтоз адабиёт намуналари луғатларини тузиш ва улардан баҳраманд қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Ёшларимиз ҳозирги тилимизда, мумтоз адабиёт намуналарида кўп учрайдиган жуда кўп ажойиб сўзларнинг асл маъноларини билмайдилар. **Тавозе, тақводор, жувон, камина, кошона, лутф, мужда, завж, жосус, кабир, май, ҳайвон, маҳлуқ, вазир, абкор, абушқа, миннат, олқинди, чимса, қисир, нигун, соҳибқирон, деҳқон** каби минглаб сўзлар борки, буларнинг маъноларини луғатлардан фойдаланган ҳолдагина тўғри аниглаш мумкин. Кўринадики, мактабларда луғат билан ишлашга алоҳида эътибор бермоқ лозимдир.

Ҳозирги кунда матбуотда бир тушунчани ифодалаш учун турли атамалар ишлатилмоқда: масалан, **район** тушунчасини ифодалаш учун **туман, депора, ноҳия**, каби сўзлар ишлатилипти. Бундай қўллашлар жуда кўп: **қўналға, учаргоҳ, учардаргоҳ, тайёрагоҳ, тайёрадаргоҳ** (аэропорт). Бундан ташқари, бош-бошдоқлик билан бир сўзнинг турли шакллари ёзила бошланди: **Октябрь-Октябр, Ўктябр, Ўктябр, Ўктябир** каби. Бундай бош-бошдоқликлар ўзбек тилини бойитмайди, унинг маданий тил даражасига кўтарилишига кўмаклашмайди.

Тўғри, ўзбек тилига чет сўзлар пала-партиш равишда жуда кўплаб ўзлаштирилди. Ўзбек тилида мавжуд бўлган сўзлар суриб чиқарилиб, улар ўрнида ҳам бошқа тилларга оид сўзлар ишлатаверилди. Бу нарса тил луғат таркибининг бузилишига сабаб бўлди. Ҳозирги кунда тилимизни бундай сунъий «ўзлашмалардан» тозалаш, албатта, зарур.

Атамаларни ўзбеклаштиришга ҳамма баробар ҳаракат қилиши лозим. Бироқ бунда ҳам бирёқламаликка, ҳайбара-

качиликка, ўзибўларчилик ёки бош-бошдоқликка йўл қўйилмаслик керак. **Ўзбекчалаштириш** атамасининг луғавий маъносини ҳам тўғри тушуниш лозим. Бегона сўзларни ўзбекча сўзлар билан алмаштиришгина ўзбекчалаштириш эмас. Балки ўша бегона сўзни ўзбек тилига хос тарзда талаффуз қилиш, ёзиш, ўзгартириш, ишлатиш ҳам ўзбекчалаштиришдир. Баъзилар эса лотинча, грекча сўзларни (байналмидал атамалар — **география, геология, геометрия, морфология** кабилар) арабча ёки форсча сўзлар билан алмаштиришни ҳам ўзбекчалаштириш деб тушунмоқдалар Бизнингча, атамалар энг аввало, имкон борича ўзбек тилига хос, туркий тилларга хос атамалардан бўлиши лозим. Ундан кейин, кўп асрлардан бери қўлланилган арабча-форсча ёки бошқа тилларга оид атамалардан бўлиши ва ниҳоят, янги кириб келган тушунчаларни ифодалашда (айниқса, техника билан боғлиқ) имкон бўлмаган тақдирда, ўша атама қабул қилиниши лозим: **трактор, машина, мотор, насос, электр, атом, ток** кабилар. Ҳозирги кунда **мотор** сўзи ўрнида қадимда қўлланилган арабча муҳаррик (ҳаракатлантирувчи) сўзини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас.

Жаҳонда аралашмаган тиллар йўқ, ҳисоб. **Лағмон, манти, мампар, палов** каби сўзлар; **нон, лола, лобар, гул** каби асрлар давомида қўлланиб, тилимиз, халқимиз бойлигига айланиб қолган минглаб сўзлар ҳам аслида бошқа тиллардан ўзлашгандир. Шунингдек, **очаг, қазан, кирпич, утюг, бирюк, брак** каби минглаб туркий сўзлар рус тилининг ҳам бойлигидир; булар қаторига **Оренбург** (ўринбурун), **Сибир** (сувлиер), **Саратов** (сары-сариқ тов) каби кўпгина жой номларини; **Пятигорск, Кисловодск** каби туркий тиллардан калька қилиш асосида юзага келган атамаларни ҳам киритиш мумкин.

Тиллардан зарур сўзларни, эҳтиёж асосида олиниши мумкин бўлган сўзларни қабул қилиш зарарли эмас. Фақат сунъий тарзда, бўлса-бўлмаса, ўринли-ўринсиз равишда, эҳтиёжсиз қабул қилиш зарарлидир. Аксинча, тилдан ўзлашиб қолган, ҳамма учун тушунарли бўлиб, тушунчани аниқ ифодалаб турган сўзларни, халқ бойлигига, тил бойлигига айланиб қолган сўзларни чиқариб ташлаш зарарлидир. Шунингдек, улар ўрнида сунъий ясалган, ўзбек тили қонун-қондаларига мос тушмайдиган ясалишларни ишлатиш зарарлидир. Жумладан, **самовар** сўзи ўрнида **сув қайнатгич** сўзини ишлатиш энди мумкин эмас; **электр** сўзи ўрнида **нур** сўзини бадий адабиётда қўллаш имкони бордир, аммо уни атама сифатида **электр** сўзи ўрнида қўллаб бўлмади.

Адабий тилнинг ўзига хос сўз қўллан меъёрлари бор. Ана шу меъёрларга кўра шева сўзларини эҳтиёткорлик билан қўллаш лозим бўлади. Шеваларда учрайдиган йимирт (тухум), вайваяк (чиябўри), валиш (ишком), зардак, кашир (сабзи), бужул (ошиқ), тафтанақ (ўргимчак), инак (сигир) каби сўзларни шевада ишлатиш шева меъёрига мос келади. Бироқ адабий тилда уларни қўллаб бўлмайди. Уларни бадий адабиётда турли мақсадларда ишлатиш, албатта, мумкин.

Ўзбек адабий тилида бир хил тушунчани англатадиган бўлиб қолган сўзлар ҳам бор. Адабий меъёр бундай сўзларнинг ҳар иккисини ишлатишга йўл қўяди: айғоқчи-жосус, ангишвона-ўймоқ, ароқхўр-ичкиликбоз, барг-япроқ, бўйингардон, бахмал-духоба, ёв-ғаним, зарар-зиён, ворис-меросхўр, бўса-ўпич кабилар. Шунингдек, гадо-гадой, подшо-подшоҳ, юнг-жун, тоҳир-тойир, шойи-шоҳи каби маълум товуш ўзгаришидаги сўзлар ҳам борки, уларнинг ҳар иккисини ишлатиш ҳам мумкин. Жумладан, асал ва бол сўзларининг маъноси тамомила бир-бирига тенг эмас. Ҳеч бўлмаганда, маълум услубга хосланганлиги, маънони бироз кенгроқ, кучлироқ ифодалашига кўра фарқ қиладилар (бол сўзи поэтик услубга хосланган, маънони кучли ифодалайди). Буларнинг ҳаммасини ўз ўрнида, мақсадга мувофиқ танлаб ишлатиш мумкин. Қуйидаги сўз шакллари ҳам шундайдир: салобатли-серсалобат; савлатли-савлатманд-басавлат-серсавлат-савлатдор-савлатчан; бебахт-бахтсиз, ўринсиз-беўринноўрин, ғоят-ғоятда, тириклай-тириклайин, тез-тезда, агар-магар-агарда, сўнг-сўнгра, сўзла-сўйла, кўргазмоқ-кўрсатмоқ, хабарламоқ-хабар қилмоқ кабилар. Буларнинг ҳаммаси тилнинг бойлиги ва улардан ўринли фойдаланиш ҳар бир кишининг, албатта, маҳорат талаб қилади.

Нутқ эгасидан, булардан ташқари, адиб-адип (кийим адипи), ёриқ-ёруғ, оталик-оталиқ, алпоз, (вазият)-алфоз (ибора) каби товушдош (пароним) сўзларни фарқлаб қўллаш; тарихий ва янги сўзлар, шакллардан ҳам мақсадга мувофиқ равишда, ўринли қўллаш талаб этилади: емоқ-емак, емакхона-ошхона, отчопар-ипподром кабилар. Бу унинг маҳоратига боғлиқ бўлиб, ўринли ишлатилса, нутқга ранг-баранглик бағишлайди.

Атамаларни, сўзларни (ўзлашган ёки умуман бошқа тилларга оид атама ва сўзларни) ёзишда ҳам маълум қонунқоидаларга асосланиш лозим: Ўзбек тилида юмшатиш белгиси (Ь) маънони фарқлаш вазифасини бажармайди. Шунга кўра, бу белгидан воз кечиш мумкин. Бироқ айриш белгиси-

дан (Ъ) воз кечиб бўлмайди. Бу белги **суръат-сурат, шеър-шер** каби жуда кўп сўзларда ўзига хос вазифа бажаради. Демак, юмшатиш белгисига эга бўлган ўзлашган сўзларни бу белгисиз ёзиш мумкин ва буни аллақачон қоидалаштириш лозим. Шунингдек, ўзлашган: **роман, октябр, совхоз** каби сўзлардаги **Олашиб** кетган товушларни **Улаштиришга** ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Ўзбек тилидаги таркиби, ё, ю, я, е қоришмалари бор бўлган сўзларда уларни **йо, йу, йа, йэ** тарзида ажратиб (икки ҳарф билан) ёзган маъқул: **йутуқ, йомон, йарим, йэр** каби. Бироқ бошқа тиллардан ҳамда, рус тили ва у орқали ўтган сўзлардаги **я, ю, е, ё** ҳарфларини шу ҳолида қолдириш ва қоидалаштириш кифоя: **юбилей, меъёр, ярмарка, сфрейтор** каби. Буларнинг ўзбекча муқобиллари топилганда, ўз-ўзидан бу ҳарфларга ҳам эҳтиёж қолмайди.

Умуман олганда, имло қоидаларини мукаммаллаштириш, атамалар тизмасини мукаммаллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда, имло қоидаларини мукаммаллаштириш, атамалар тизмасини мукаммаллаштиришда катта аҳамият касб этади.

Умуман имлони мукаммал ишлаш эса, нутқ маданияти учун ҳам, тил маданияти учун ҳам ғоят муҳимдир. Шунинг учун мактаб ўқитувчилари, Олий мактаб ходимлари, махсус олимлар бу борадаги ишни жадаллаштиришлари лозим. Бунинг учун, энг аввало, яна қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб этилади: 1. Имлони тўла ислоҳ қилиш, бунда ёзув ўзгариши шарт эмас). Қайси ёзув танланмасин (араб, лотин ёки ўрис ёзуви), у жиддий ислоҳ қилиниши, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилиши;

2. Халқ тилидаги (жонли сўзлашувдаги) жуда кўп асл сўзлар, иборалар адабий тилга олиб кирилиши ва тарғиб қилиниши: **яшавор, қоқиндиқ, ишқилиб, азбаройи, ўлай агар, барака топкир, дадаси, акаси, худо ҳаққи** кабилар;

3. Шевалар чуқур ва кенг ўрганилиши, ундаги адабий тилда учрамайдиган сўзлар, сўз ясовчи воситалар, иборалар адабий тилга олиб кирилиши, тарғиб қилиниши;

4. Ҳар бир соҳа бўйича мавжуд атамалар, луғатлар қайта кўриб чиқилиши ва мукаммаллаштирилиши;

5. Мактабларда ва ҳамма билимгоҳларда луғат устида ишлашга алоҳида эътибор берилиши; бадиий асарларни тил нуқтаи назаридан таҳлил қилиш йўлга қўйилиши, бунинг учун алоҳида дарслар ҳам ташкил этилиши;

6. «Нутқ маданияти ва услубият асослари» курсининг ҳамма олий мактабларнинг ўзбек гуруҳларида нутқ одоби билан, шунингдек, нотиклик санъати билан қўшган ҳолда асосий фан сифатида ўтилишига эришиш лозимдир.

Бу ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан: саводхонликнинг юксак даражада бўлишига; тилимизнинг, шу жумладан, нутқимизнинг янада бойишига, ўқитиш-таълим ишларининг яхшиланишига, матбуот, радио эшиттиришлар, телекўрсатувлар тилининг таъсирчанлигини оширишга, омманинг, айниқса, зиёлиларнинг, ниҳоят, халқимизнинг, миллатимизнинг нутқ маданиятини, умуммаданий савиясини юқори даражага кўтаришга ёрдам беради.

НУТҚ МАДАНИЯТИ, СТИЛИСТИКА, УСЛУБИЯТ

Мавжуд илмий адабиётларда нутқ маданияти, стилистика (услубият) асосан биргаликда талқин қилинади. Баъзи ҳолларда бу икки тушунча бир-бири билан қориштирилади ёки улар орасидаги фарқ лўнда, аниқ ажратиб берилмайди. Юқорида **нутқ маданияти** тушунчасига тўла аниқлик киритилди ва унинг моҳияти очиб берилди.

Ҳозирги кунда стилистика-услубият деб қаралаётган ҳодисалар ҳақида ҳам турли-туман изоҳлар мавжуд. Энг аввало ана шу **стилистика** ва **услубият** атамаларининг моҳиятини аниқлаб олиш зарур. Чунки барча адабиётларда услуб, услубият атамалари **стиль**, **стилистика** атамаларининг айнан таржимаси, айнан ўзи сифатида талқин этиляпти. Ана шунинг натижасида нутқ маданияти, стилистика ва услубият гўё бир ҳодисадек тасаввур қилинади. Тўғри, бу ҳодисалар бир-бири билан жуда чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тақоза этади, тўлдиради, бири иккинчиси билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Бироқ улар турли хил текшириш объектига эга бўлган, турлича талқин қилиниши лозим бўлган ҳодисалар ҳамдир.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида **стилистика** сўзи қуйидагича изоҳланади: 1. **Стиль**, адабий тил услуби ҳақидаги фан. 2. Адабиёт назариясининг бадий асар тили ва унинг ифода воситалари ҳақидаги бўлими (адабий асарнинг тил хусусиятлари ва ифода воситалари).

Стиль сўзи қуйидагича изоҳланган: 1. Санъаткор ижодининг ёки маълум давр санъати ва адабиётининг гоъвий мазмун ва бадий формаларида ўзига хос хусусият ва белгилари мажмуи, услуб. Адабиётда романтик услуб.

2. Бирор ёзувчи, адабий асар ёки жанрнинг тил бойлиги.

дан, унинг ифода воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос хусусиятлари ва усул-услублари: ёзувчининг стили, публицистик стиль. Синтаксис ва адабий тил нормаларига мос гап қурилиши. Силлиқ стиль. Гализ стиль. Стиль камчиликлари.

3. Бирор иш-ҳаракат услуби. Раҳбарлик стили (77-бет).

Кўриниб турибдики, изоҳлар жуда чалкаш, бир ёқлама ва ҳодисанинг моҳиятига мос эмас. **Стилистика** биринчи маъносда алоҳида **фанни**, соҳани билдиради. Маъқул. Бироқ у нимага ўрганади? Бу нарса изоҳланмайди. Иккинчи маъносда бадний асар тили ва унинг ифода воситалари ҳақидаги бўлими (адабий асарнинг тил хусусиятлари ва ифода воситалари). Бу талқинлардан маълум бўладики, **стилистика** гўё асосан бадний асар тили билан шуғулланади: унинг тил хусусиятлари ва ифода воситаларини ўрганади.

Стиль сўзининг изоҳида ҳам бари бир иккита ҳодиса аралаштирилган: бири вазифавий стиль, иккинчиси, индивидуал стиль. Хуллас, **стилистика** атамаси ҳам, **стиль** атамаси ҳам ёки йкки ёки 3 хил маъноларда ишлатилган ва изоҳланган.

Тил услуби (стили) ҳамда нутқ услуби (стили) кабилар ҳамда вазифавий услуб (стил) бир-биридан фарқланган эмас. Бу нарсалар бирорта адабиётда аниқ фарқлаб берилмайди.

Аслида услубнинг ўзи нутқий ҳодиса бўлиб, ҳар бир вазифавий услуб адабий тилдаги бирликларнинг (гап қолиплари-моделлари ҳам киради) ўз ички имкониятларини نامойиш қилиш шакллариidir. Бошқача айтганда, **стилистика** тил бирликларининг инсон муносабатини ифодалаш имкониятлари бўлиб, ҳар бир тил бирлигида бу имкониятлар мавжуддир), услуб ана шу имкониятлардан фойдаланишга бўлган муносабатдир. Бу муносабат ана шу тил бирликларини танлашда ўз ифодасини топади. Умумий танлаш ва хусусий-индивидуал танлаш мавжуд. Умумий танлаш таркибида (ҳар бир вазифавий услубда, нутқнинг умумий, маълум бир яхлитликка эга бўлган кўринишида) яна ички танлаш, ички кўриниш мавжуд: масалан, бадний услуб (вазифавий услуб) ўз ички занжирига эга бўлган нутқ кўриниши бўлса, унинг таркибида поэтик нутқ, драматик нутқ, насрий нутқ (булар поэтик услуб, драматик услуб; тарзида ҳам талқин қилинади) каби кўринишлари бор. Булар ичида яна Кичик нутқ кўринишлари ҳам бўлиши мумкин. Публицистик услубнинг ҳам турли-туман кўринишлари бордир. Бошқа услублар ҳам шундай. Бундан ташқари ҳар бир нутқ эгасининг

тил бирликлари имкониятларидан фойдаланишга ўзига хос муносабатлари борки, бу муносабатлар, масалан, бир неча ижодкор ҳаммаси ҳикоя ёзса, ана шу ҳикояларнинг ҳар бирида-аниқ нутқ шаклларида ўз ифодасини топади.

Энди **услуг** сўзининг изоҳига эътибор берайлик: 1. Ёзувчининг бирор асар ёки адабиёт жанрининг тил воситаларидан фойдаланишдаги ўзига хос йўли, усули; стиль. Бадий адабиёт услуби, газета услуби, Ойбек услуби...

2. Ишлаш, бошқаришдаги ўзига хос йўл, усул (281-бет).

Бу сўзнинг изоҳи ҳам мавҳум ва чалкаш берилган. Биричи жихатдан ёзувчининг ўзига хос услуби назарда тутилса, иккинчи жихатдан услублараро тармоқланиш, тил бирликларининг уйғунлашуви кўзда тутилган. Шунингдек, бунда ҳам асосан бадий нутқ кўзда тутилган. Ана шунинг оқибати **стилистика** атамаси билан **услугият** атамаси, **стиль** атамаси билан **услуг** атамаси бир тушунча сифатида баҳоланиб юборилган. Ҳозирги кунда **услугият** ва **услуг** атамалари **стилистика** ва **стиль** атамаларининг ўзбекчаси сифатида қабул қилиняпти. Аслида эса бу тушунчалар бир-биридан фарқ қилиши лозимдир.

Стиль сўзи аслида гречка сўздан олинган бўлиб ёзиш учун ишлатиладиган учи ўткирлаштирилган таёқча билдирганлиги маълум. Қадимги римликлар, грецияликлар стилга кишиларни ишонтириш санъати сифатида қараган бўлсалар, ҳиндлар уш нутқни безаш воситаси деб қараганлар. **Стиль** сўзининг асл моҳияти ҳозирги кунда ҳам ана шундай изоҳлардан унчалик узоқлашгани йўқ. Фақат кейинги даврлардаги талқинларда вазифавий стилга (аслида **услуг** ўшундай) алоҳида эътибор бериб юборилган: **услуг** (**стиль**) нутқнинг жамият ижтимоий фаолиятининг маълум томони билан боғланган ўзига хос лугати ва бошқа хусусиятларга эга бўлган кўриниши бўлиб, нутқнинг худди шундай бошқа турларидан ўз ички хусусиятлари билан тафовут қилиб туради. Ана шу тафовутлар у ёки бу нутқ кўриниши учун асос бўлади. Бу нутқ кўринишларининг ҳар бири ички яхлитликка, алоқадорликка эга бўлиб, бу яхлитлик ва алоқадорлик тил бирликларининг ўзаро муносабатлари таъминлайди. Масалан, драматик нутқда (бу алоҳида ички яхлитликка эга тўлиқсиз гап билан тўлиқсиз гап муносабати кўзга ташланган) поэтик нутқда инверсия билан инверсия муносабатда бўлиши мумкин. Ёки поэтик нутқда оқ сўзи билан олтин сўз муносабати кузатилади. Сўзлашув услубида **гўрга**, болас **қайтиб келипти** сўзлари муносабатга кириша олади: **гўрга-с**

боласи қайтиб келипти (Фаргона шевасида); икки кам ва қирқ
сўзлари муносабатга киришади: **икки кам қирққа кирдим.**
Бошқа кўпгина тилшунослар ва адабиётчиларнинг бу бора-
дан талқинлари ҳам шунга яқин бўлиб, асосан, вазифавий
услубиятлар-нутқ кўринишларига эътибор қаратилади. Кўр-
иники, бундай талқинларда **феъл стилистикаси, грамматик
стилистика, от стилистикаси, қўшма гап стилистикаси, содда
гап стилистикаси, олмош стилистикаси, -лар аффикси стили-
стикаси** каби ҳолатлар аралаштирилмаслиги маъқулдир. Шу-
нинг учун ҳам, аввало, **стилистика ва стиль (услуб)** атама-
ларининг туб моҳиятини фарқлаб олиш зарур.

Стилистика — бу соҳанинг тилшунослик соҳасининг номи
бўлиб, тил бирликларининг имкониятларини ўрганади. Тил-
шунослик тил бирликларини нарса, ҳодиса, ҳаракат, белги,
миқдори каби тушунчалар ва улар орасидаги муносабатни
ифодалаш нуқтаи назаридан ўрганса, тилшуносликнинг ало-
ҳида бир ажралмас қисми бўлган стилистика тил бирлик-
ларини нарса, ҳодиса, ҳаракат, белги, миқдор кабиларга
инсон муносабатини ифодалай олиш имкониятлари жиҳати-
дан ўрганади. Яъни тил бирликлари бир томондан нарса-ҳо-
дисаларни ифодалаб, улар орасидаги ўзаро муносабатни
билдирса, иккинчи томондан, инсоннинг ана шу нарса-ҳоди-
саларга муносабатини ифодалайди. Масалан, юз, бет, баша-
ра, турқ, афт, чеҳра, ораз, висол, жамол, истара каби сўзлар
(луғавий бирликлар) маълум бир тушунчани, **ювмоқ, сўзла-
моқ, артмоқ** каби сўзлар ҳаракат тушунчасини ифодаласа,
велишик, эгалик қўшимчалари, кўмакчилар битишув, бош-
қарув, мослашув кабилар улар орасидаги муносабатни ифо-
далайди. Бироқ юз, бет, башара, турқ, афт, чеҳра, ораз каби
сўзларнинг ҳар бирида яна ана шулар воситасида ифода-
ланган тушунчаларга инсон муносабати ҳам ифодалангани.
Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳар бир сўзнинг, грамматик
шаклнинг, гапларнинг ўзига хос имкониятлари бор. Жумла-
дан, -лар аффикси китоблар (**к и т о б** сўзи шаклига нисба-
тан) сўзида кўпликни ифодаласа, **д а д м л а р** сўзида ҳур-
матни, **Тошкентларга олиб бордим** гапида Тошкент ва унинг
атрофи (бошқа маънолари ҳам бор) маъносини, **Белларим-
даги камарларимгача ечиб олишди** гапида кучайтириш ёки
таъкид маъносини. **Бошларимни оғритиб юбординг** гапида
ҳам шунга ўхшаш маънони, **шунчалар куттирасизми** гапида
ана бошқа маънони ифодалаб келади. Унинг **Келсинлар, соч-
лари тўлғандилар, бизлар** каби қўлланишлардаги маънолари
ана бошқачадир. **Опа-м-лар — опа-лар-им** сўзларидаги қўл-

ланиши ҳам бир-биридан фарқ қилади. Буларнинг ҳаммаси **-лар** аффиксининг нарса-ҳодисаларга инсон муносабатини ифодалашдаги ички, яширин имкониятларидир.

Феъллардаги шахс-сон, замон кўрсаткичлари у ёки б **шахсни**, у ёки бу замонни ифодалайди. Шу билан бирг **уларда** ана шу шахс ва замонга инсон муносабатини ҳам ифодалай олиш имкониятлари мавжуд.

Масалан, нутқда **ёзамиз сўзи ёзинглар**, **кирсинлар сўзи киринг**, **ростини айтганда бирикмаси ростини айтсам маъно сини**, **гапираверасан**, **гапираверасан такрори гапираверамиз гапираверамиз такрори** англатган маънони ифодалайди. **Бор майман**, **бормай-қўймайман** (албатта бораман), **кетди-кетди қолди**, **ёзди-ёзиб ташлади** каби қўлланишларнинг ҳар бирид **тил бирликлари ўзига хос имкониятларини** намоён қилган ва инсоннинг нарса-ҳодиса, ҳаракат, белги кабиларга муноса батини ифодалаган.

Тўғри, **юз**, **бет**, **башара**, **ораз** каби сўзлар от туркумига киради, предмет тушунчасини ифодалайди, турдош отлар, ай римлари аниқ, айримлари эса мавҳум тушунчаларни ифода лайди; **келишик**, **эғалик**, **кўплик қўшимчаларини қабул қи лади** ва ҳоказо. Шу билан бирга, **башара**, **турқ**, **афт сўзла рида** инсоннинг салбий муносабати, **ораз**, **чеҳра**, **кабиларда** эса ижобий муносабати ифодаланган. **Укамга олдим-укам учун олдим; Сен тинч бўлганинг учун, қўшнинг ҳам тинч; Сен тинч бўлсанг, қўшнинг ҳам тинч: Сен тинч бўлсанг, қўшнинг ҳам тинч бўлади: Сен тинч-қўшнинг тинч гаплари қўшма гап нинг турли кўринишларига тааллуқли бўлсалар** ва асосан бир мазмунни-фикрни ифодаласалар ҳам, буларнинг ҳар би рида шу фикрга инсоннинг муносабати ҳам ўз ифодасини топган. Уларнинг ана шу инсон муносабатини ифодалаш имкониятлари ҳам турличадир. **Қўшма гап стилистикаси** ана шу имкониятларни ўрганади. Олмош ёки феъл стилистикаси ана шу туркумларга оид сўзларнинг имкониятларини ўрга нади. **Стилиситика бор—боринг—борингиз сўзларидаги ҳар бир тил бирлигининг** (бу ўринда **-инг**, **-ингиз қўшимчалари нинг**) имкониятларини очиб беради. Инсон эса нутқ жараёни да ўз муносабатига, мақсадига, билим даражаси, мадания ти, савиясига кўра улардан бирини танлаб ишлатади.

Мана шу ўринда **стилистика** атамаси билан **услугият** атамаси орасидаги асл моҳият очилади, уларнинг фарқи ой динлашади. **Китоб** ва **китобча**, **йигит** ва **йигитча** сўзларида нарса билан бирга, инсоннинг уларга бўлган объектив ёки субъектив муносабати ҳам ифодаланган бўлса, бу сўзлардан

қай бирини қўллаш, танлаб ишлатиш нутқ эгасининг ихти-
ридадир.

Услуб атамаси нутқ тузиш ва нутқ тузилишига нисбатан қўлланилиши лозим. **Стилистика** атамаси эса тил воситаларининг инсон муносабатини ифодалаш имкониятларини ўрганишга нисбатан қўлланилади. Демак, тил бирликларининг ҳар бирида ўз имкониятлари бор (буни ўрганиш ҳам бошқа). Бироқ улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки тил бирликлари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, нутқнинг у ёки бу услубида қўлланишга хослашади: **Баҳор келди** — насрий нутққа хосланган, **Келди баҳор** поэтик нутққа хосланган; **макка, маккажўхори жонли сўзлашув** нутқига, илмий нутққа хосланган, **дала маликаси** матбуот услуби ёки бадий услубга хослангандир (нефть, нафта, ипак; қора олтин, оқ олтин, кумуш тола кабилар ҳам шундай). Шунга кўра, нутқ эгаси (нутқнинг ҳамма кўринишлари кўзда тутилади: жонли сўзлашув, расмий нутқ, поэтик нутқ; оғзаки нутқ, ёзма нутқ...), аввало, ўз нутқига услубига эга бўлади; иккинчидан эса, тил бирликларининг у ёки бу нутққа хосланганлигини назарда тутаяди: **у маслаҳатчи** ва **маслаҳатгўй** сўзларидан қай бирини, қайси нутқ учун танлашни ўзи белгилайди ва бунда улардан биринчисининг жонли сўзлашув нутқи учун хосланганлигини ва иккинчисининг бадий нутққа хосланганлигини; **юз** ва **бет** сўзларининг бетараф муносабатни ифодалаш ва шунга кўра сўзлашув ёки илмий услубларга хосланганлигини, **ораз, жамол** сўзларининг эса шжобий муносабатни ифодалаш ва шунга кўра асосан бадий услубга (айниқса, унинг поэтик кўринишга) хосланганлигини назарда тутаяди. Ана шу сўзларда нутқнинг у ёки бу кўринишларида қатнашиш, танлашга яроқлилиқ имкониятлари бордир.

Демак, **стилистика** тилшуносликнинг алоҳида соҳаси сифатида, ундан фарқли равишда тил бирликларининг улар ифодалаган тушунчаларга инсон муносабатини ифодалаш имкониятларини ўрганса, услубият алоҳида соҳа сифатида ана шу тил бирликлари имкониятларидан фойдаланишга бўлган муносабатни ўрганади. Бу имкониятлардан ким, қайси нутқда, қандай фойдаланганини ўрганади. Ана шунга кўра, масалан, бадий услубда тил бирликларидан, улар имкониятларидан фойдаланишга умумий муносабат ҳам бошқача бўлади, хусусий муносабат ҳам бошқача турли-туман бўлади.

Абдулла Қаҳҳор насрий бадий асар ёзади. Бу бадий

асар (нутқ) бир томондан бошқа услублардаги асарларда (нутқлардан) фарқ қилса, иккинчи томондан, Ойбек ёки Абдулла Қодирий насрий асаридан (нутқидан) ҳам фарқ қилади. Шунингдек, олмошларнинг имкониятлари маълум, аммо ундан бадий адабиётда, илмий ёки расмий нутқ кўринишларида фойдаланиш фарқ қилади. Шу каби, ҳар бир нутқ эгасининг фойдаланиши ҳам фарқ қилади.

Услуб нутқ кўриниши, шу билан бирга, нутқ эгасининг тил бирликлари имкониятларидан ўзига хос тарзда фойдаланиш манерасидир. Биринчи ҳолатда вазифавий услублар кўзда тутилади. Улар илмий, расмий, матбуот, сўзлашув, бадий услуб кўринишларида намоён бўлади ва ҳар бирининг ўзига хос тил хусусиятлари — бирликлар, имкониятларининг танланиши мавжуд. Яъни илмий услубнинг ўзига хос луғавий, грамматик ва бошқа хусусиятлари, расмий ва бошқа услубларнинг ҳам ана шундай ўзига хос томонлари, танланишлари бор. Бадий услубда бундай имкониятлардан фойдаланиш яна ўзига хос яъни жуда кенгдир. Иккинчи ҳолатда, ҳар бир нутқ эгасининг тил бирликлари имкониятларидан фойдаланишга бўлган муносабати кўзга ташланади. Жумладан қора ва оқ сўзларининг бир имкониятларининг маълум бир маъносига кўра ўзаро зидлана олишидир. Бу сўзлар ҳамма услубларда ҳам қўлланиши мумкин. Бироқ бадий услубда улар айрим танланган маъносига кўра зидланиб тасвирий восита вазифасини (антитеза—тазод) бажаради. Биров бундан фойдаланади, биров эса фойдаланмайди, фойдалана олмайди.

Услубият нутқ кўринишларида тил бирликлари имкониятларининг намоён бўлиши, танланиши, тил бирликлари имкониятларидан фойдаланишга бўлган муносабатини ўрганивчи соҳадир. Шунинг учун **стилистика, услуб, услубият** атамаларини фарқлаб қўллаш маъқулдир. Чунки **феъл стилистикаси, олмош стилистикаси, -лар аффикси стилистикаси, қўшма гап стилистикаси** атамалари ўрнида **феъл услубияти, олмош услубияти** каби атамаларни қўллаб бўлмайди. **Стилистика** сўзининг маъноси анча кенг бўлганлиги туфайли бу сўзни услубият атамаси ўрнида ҳам ишлатиш мумкин бўлгани ҳолда, **услубият** сўзини ҳамма ҳолатларда, айниқса, улар фарқланган ҳодисаларнинг аниқ атамаси сифатида қўлланган ҳолатларда **стилистика** сўзи ўрнида қўллаб бўлмайди. **Стиль** сўзи билан услуб сўзларининг асосий маънолари эса ҳозирги кунда бир-бирига тенгдир. **Ёзувчининг индивидуал** (ўзига хос) **услуби, (ёки стили); бадий услуб** (ёки

бадий стиль) каби.

Аmmo қўшма гап стилистикаси ўрнида қўшма гап услуби тарзида қўллаш хатодир.

Ҳозирги кунда ҳар бир ижодкорнинг, нотiqнинг, нутқининг ўзига хос услубини ўрганиш ҳам, ҳар бир нутқинининг (фақат бадий услуб эмас) ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳам жуда муҳимдир. Масалан, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, А. Қодирий каби ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос бадий нутқ тузиш услубини ўрганиш бир йўналиш бўлса, бадий, расмий ёки бошқа услубларда тил бирликлари имкониятларининг танланиши, хосланиши кабиларни ўрганиш иккинчи йўналишдир.

Абдулла Қаҳҳор, Ойбек ёки Абдулла Қодирий каби ҳамма адибларнинг фразеологизмлар, гап турлари, тиниш белгилари, сўзлар, мақоллар, синонимлар, қўшимчалар... кабилардан ўзига хос тарзда фойдаланиш усуллари бордир. Масалан, А. Қодирий **-лар, -ингиз, -дир** каби аффиксларни ўзига хос қўлласа, А. Қаҳҳор **-ил, -ин**, ёки бошқа бирликларни ўзига хос қўллайди: **Нега йиғланади, йиғланмасин!** каби.

Ёки: «Кампиримга йўлдош, етим гўдакларимга бош бўлади бу қизим шаклида Ойбек қўлласа, **Бу қизимни** олдинга утказилгани ҳолда бошқа ёзувчи қўллайди; **Бунча гулни** нима қиламан, деб бири қўлласа, **Нима қиламан бунча гулни** шаклида бошқа адиб қўллайди. Ҳар иккала нутқ кўриниши ҳам насрийдир. Бундай турли-туман шакллари танлаб қўллаш ҳар бир ёзувчи, ижодкор учун хосдир. Шунингдек, ҳар бир тил бирлигини ўз имкониятига мос равишда нутқнинг у ёки бу кўринишда қатнаша олиши ҳам борки, ана шу имконияти билан у маълум бир услубга хосланиб қолади. Жумладан, мураккаб кўринишдаги қўшма гаплар бадий, илмий ва публицистик услубга хос бўлса, шу гаплар ифодалаган мазмунни ифодаловчи боғловчисиз қўшма гаплар мақолларга, жонли сўзлашув услубига хосланган бўлиши ҳам мумкин; **-япти** аффикси жонли сўзлашув услубига, **-моқда** аффикси китобий услубга хослангандир.

Хуллас, тил бирликларининг у ёки бу услубларга хосланиб қолиши ҳам, уларнинг нутқ кўринишларида қўлланишлари ҳам улардан фойдаланишга муносабатнинг натижаси, ифодасидир.

Қуйида бешта услубнинг (вазифавий услубнинг) ўзига хос хусусиятларини, уларда тил бирликлари имкониятларидан фойдаланишга бўлган муносабатнинг намоён бўлишини кўриб чиқамиз.

СЎЗЛАШУВ УСЛУБИ

Илмий адабиётларда сўзлашув услуби одатда икки турга ажратилади: адабий сўзлашув услуби; оддий сўзлашув услуби (А. Шомақсудов ва бошқалар, «Ўзбек тили стилистикаси», Т., «Ўқитувчи», 1983, 14-бет). Бундай турларга ажратилиш кўпчилик тилшунослар томонидан тан олингандек туюлса ҳам, аслида ўзини оқламайди. М. Мукаррамовнинг бу ҳақдаги қуйидаги фикрлари ўринлидир: «Адабий тил (нутқ) одатда сўзлашув нутқи, диалектал нутққа қарама-қарши қўйилади. Адабий нутқ эса ўз навбатида бадий, илмий, публицистик, расмий ҳужжат нутқ турларига бўлинади»; «Тилшуносликда булардан ташқари яна адабий сўзлашув нутқи ёки адабий оғзаки нутқ формаси борлиги ҳам кўрсатилади. Аммо уни ёзма нутққа айлантирсак, у ёзма адабий нутқдан фарқ қилмайди, яъни ўзининг лексик ва грамматик белгилари билан ёзма адабий нутқдан ажралиб турмайди. Аксинча, ёзма адабий нутқнинг конкрет нутқ кўринишларидан бирига оид бўлади...» («Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари», Т., 1990, 22-бет).

Адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услубига ажратилган адабиётларда асосан оддий сўзлашув услубига хос бўлган хусусиятлар саналади, изоҳлаб берилади. Адабий сўзлашув услубига оид фикрларда эса асосан оғзаки нутқ ва ёзма нутқ ўртасидаги фарқлар, ўзига хосликлар санаб ўтилади.

Сўзлашув услубини адабий сўзлашув услуби ва оддий сўзлашув услуби тарзида иккига ажратиш мақсадга мувофиқ эмас. Сўзлашув услуби ҳақиқатан ҳам, адабий нутққа қарама-қарши турувчи нутқ кўринишидир. Жонли сўзлашув нутқи, албатта, ёзма адабий нутққа яқинлаштирилган, аслида ёзма адабий нутқнинг оғзаки кўриниши бўлган нутқдан фарқ қилади. Шунга қўра, уни жонли сўзлашув нутқи тарзида номлаш тўғри бўлади: жонли сўзлашув нутқи; унинг зиди эса адабий нутқ. Бу ўринда жонли нутқ адабий нутққа нисбий тарзда зид қўйилади. Яъни жонли сўзлашув нутқининг ҳам ўзига хос луғавий, грамматик ва бошқа белгилари бўлади, адабий нутқ кўринишларининг ҳар бири ҳам ўзига хос луғавий, грамматик ва бошқа белгиларга эга бўлади. Бироқ улар ўртасида маълум бир қалин девор, тўсиқ йўқ. Ҳар иккала зид нутқ кўринишларида ҳам асосан умумхалқ тилидаги, ўзбек тилидаги тил бирликларидан фойдаланилади, улар ўз имкониятларини ана шу нутқ кўринишларида намоён қилади, Характерлиси шундаки, ҳар бир нутқ кў-

ринчишида луғавий, семантик, грамматик ва бошқа жиҳатлардан ўзига хос тарзда группаланиш, танланиш мавжуддир. Бошқача айтганда, ҳар бир алоҳида нутқ кўриниши бошқасидан фарқ қилиб туради. Жонли сўзлашув нутқи бир томондан, адабий нутқнинг кўринишларидан фарқ қилса, иккинчи томондан, ҳар бир шахснинг ҳам ўзига хос жонли сўзлашув нутқи бўлиб, улар ҳам ўзаро фарқланади.

Адабий нутқ кўринишлари бир томондан жонли сўзлашув нутқидан фарқ қилади. Шунингдек, унинг ички, алоҳида кўринишлари ҳам бир-биридан фарқланиб туради.

Ниҳоят учинчидан эса, ҳар бир шахснинг нутқи ҳам бир-биридан фарқланади.

Жонли сўзлашув нутқи асосан умумхалқ тилига асосланган ҳолда шаклланган бўлса, адабий нутқ кўринишлари эса асосан адабий тилга асосланган ҳолда шаклланган; олдингисидан оғзакилик характерли бўлса, кейингисидан ёзмалик характерлидир.

Демак, нутқнинг жонли сўзлашув кўриниши ва адабий меъёрларга асосланган кўринишлари мавжуддир. Адабий меъёрларга асосланган нутқ кўринишларига илмий, бадиий, расмий ҳужжат нутқлари ва публицистик нутқлар киради.

Жонли сўзлашув нутқининг адабий нутқ кўринишларидан фарқ қиладиган асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

1. Жонли сўзлашувда адабий нутқ шаклларида фарқли ўлароқ, шеваларга хос тил бирликлари жуда кенг ўрин олади. Бу хусусият жонли нутқда анча яшовчандир. Шевага хос луғавий, грамматик ва бошқа бирликлар кўп қўлланади. Ҳар бир шева вакили жонли сўзлашувда ўз шевасида гапиришга одатланиб қолган бўлади.

2. Жонли-сўзлашувда одатда кундалик муомалада, мулоқотда кўп иштирок этадиган, ўзаро турмуш икир-чикирлари ҳақидаги муносабатларни таъминлайдиган, кундалик алоқа-аралашув учун хизмат қиладиган тил бирликлари кўп учрайди: қарғишлар, ҳол-аҳвол сўрашларда, ўзаро самимий алоқаларда, уй-рўзғор, қўни-қўшничилик, қариндош-уруғчилик алоқаларида, кундалик суҳбатларда учрайдиган бирликлардан кўп фойдаланилади: майли, майлига, хўп, кириб турунг, чиқиб турунг, сўраб қўйинг, саломат бўлинг, худога шукур, минг шукур, қойил, бўпти, боровринг, оповси, дадаси, кеп турунг, яхши кўришайлик, омон бўлинг, баракалла, яшаворинг ўргилай, айналай, ишқилиб, бўптида, ишлаб турибмиз, салом айтинг, гўргаей, яхшиямки, қурғур, зафар, қо-

тирамиз, қотириб ташладик, қўяверинг кабилар кўп уч райди.

— У нима дегани экан?

— Оббо, мунча суюлдингиз? Шунақа гапларга сизнинг ҳам суюлдингиз йўқ. Наридингиз!..

— Шундақа гапларни очик гаплашадими-а?

— Бо, худо, паранжини ташлаб кўчада юришга юзи чидагандан кейин уяти борми! Қуриб кетгурлар, бирам шармандаки... Тавба қилдим... Тагин ҳам зилзила бўлиб ҳамани ер ютмас экан-да! Тавба қилдим-ей...

(А. Қаҳҳор)

* *
*

Келинг, Ҳожи бобо. Кўринмайсиз, келмайсиз...

— Баракалло, ўғлим, баракалло,— деди Ҳожи курсига эҳтиёт билан ўтираётиб,— Умрингиз узоқ бўлсин. Кўпданкўп хурсанд бўлдим... Уғил деган шундоқ бўлсин, отасини рози қилсин. Кўп хурсанд бўлдим. Хўп... Бу гилам... бу гиламни неча пулга олдингиз?

— Эсимда йўқ. Анча бўлди олганимизга.

— Утган ҳафта бозорга бир гилам чиқди, гиламмисан гилам эди-да. Бир минг уч юзга савдо қилиб, Қодиралининг ўғлига олиб бердим. Гилам таниган одам икки мингга индамасдан олади. (А. Қаҳҳор).

Бу матнларда гап бўлақларининг ўрин алмашинуви, гап бўлақларини тушириб қолдириш, оҳанг, такрор, ўзига хос луғавий бирликлар (Оббо, бо, худо, тавба қилдим-ей, баракалло, гиламмисан гилам, бирам шармандаки кабилар) дан фойдаланиш намуналарини кўриш мумкин.

Қуйидаги нутқ кўринишларига ҳам эътибор қилинг:

* *
*

Ҳали юрт сўраб ётганларинг шулар, дегин дейди.

Қовоғини қара, қовоғини. Вой, ўша оберган шаҳрининг шолворингга солиб берай... Бу нима ўзи? Мелисами? Муртимни кўтариб турай, ўтиб кетсин.

Қуриб кетсин-ей қийшарангламай, афти қўрсиней,, обор ўшақа, кўзимдан йўқот...

Чой-чақасини ундан-бундан қилиб, тараласини тортиб юрган Тошпўлатинг етти ярим сўлкавойни тагин қайси гўсхўрдан олсин, а, ё бобоғимни сотиб берайми? Ёки сайратмамними? Этигим бўлса-ку, ўн беш кундан бери гаровда,

чопонни бўлса ўткан куни ўзингнинг олдингда уч сўлкавой-
га сотдим. Ўргилдиме! Қўй энди. Худо ҳақи, галавам ай-
нади.

* *
*

Буни қарангки, иккам ўттиз йилдан баққа мана шу бе-
хосият остонаи номуборакда мингдан ортиқ хотин... Биздақа
пешонаси тўмтоқ, шўрпешона қурумсоққа бирортаси ҳам...
термапти-е! Вой сени бекорчиликда яратган худойимдан ўр-
тилай... Бу дейман, бизнинг пешонамизга хотин битишга
келганда ё қалами қудратнинг сиёҳи адо бўлиб қолган, ё...
Худойимнинг қулоғи билан биздақа камбағалларнинг ора-
нига жаброил деган бесўнақай қанотларини тўсиб олганда...
Бўлмасам, наҳот бир кам қирқ йилдан бери хотин сўрашни
қилавериб овзимиз халта бўб кетти-ю, бир алвастигаям уч-
рамасак-а! Ўргулиб қўйдим». («Майсаранинг иши»).

* *
*

Умед билан келлим, бозордан қуруқ қайтмай дейман,
бунга 50 тилло берай; келинг, ҳай денг энди.

(С. Айний)

* *
*

«Йилдан йилга замонани ер ютвотти, эгачи! Эркак-ку,
эркак, ёшларни ҳам худо тенг теппасидан уриб, товонидан
чиқарвотти, мен сизга қоқиндиқ!.. Сизга ёлғон, худога чин,
жоним ўргилсин, бир замон теразадан мўраласам, ... бир
уй хотин, эркак аралаш! Жоним «ҳиққ» этди-ю, ҳалқумумга
келди турди»...

Келтирилган матнларнинг ҳаммаси ҳам жонли сўзлашув
нутқига хос бўлиб, уларда юқорида айтганимиздек, шева-
чилик ҳам, бошқа хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топган:
Жумладан, дегин дейди, қовоғини қара, қовоғини, Вой, ўша
оберган шахрингни, мелисами, муртимни кўтариб турай,
қуриб кетсин-ей, бу нимаси, жон-поним чиқиб кетди, ўлақол-
син қийшарангламай, обор ўшақа... сўлкавой, бобоғим, гўс-
хўр, ўргулдим-е, қўй энди, чой-чақа, тараласини, иккам ўт-
тиз, буни қарангки, баққа, шўрпешона, қурумсоқ, бесўнақай,
бир кам қирқ, сизга ёлғон худога чин каби жуда кўп бир-
ликлар асосан шу нутқ кўриниши учун хосдир. Бундай нутқ

бадий услубда асосан айрим персонажлар нутқи сифатидагина учрайди ва ўзига хос вазифа бажаради.

3. Бошқа тилларга оид, кундалиқ турмуш билан боғлиқ бўлган луғавий бирликлар жонли сўзлашувда кўп учрайди ва аксарият ҳолларда у орқали иккинчи тилга ўзлашади: остановка, точка, только, привет, даже, спасибо, ладно, дом... кабилар. Кўринадики, жонли сўзлашув нутқида бузилиш ҳам кучли бўлади. Нутқ тозалигига путур етади, унга эътибор кам бўлади. Биринчи ўринга алоқа-аралашув, муомала чиқарилади.

4. Жонли сўзлашув нутқида самимийлик, халқчиллик, соддалик, эркинлик анча кучли бўлади.

Ана шунга кўра кўп шакллар (грамматик кўрсаткичлар), сўзлар адабий тил меъёрларидан фарқланган ҳолда қўлланади: бориб эдик — боравердик, бу ёққа — бақа, олиб кел — опке, кетаверамиз — кетоверамиз, қўйиб юбор — қўйвор кабилар. Булардан ташқари, шу нутқ турида нон-пон, чой-пой, овқат-повқат, сув-пув тарзидаги такрорлар ва умуман такрор кўринишлари жуда кенг қўлланади. Шунга ўхшаш, нутқ жараёнида сўзларни, гапларни, қисқартирган ҳолда қўллаш ҳам характерли бўлади: Муҳаммад — Мамат, Дилфуза — Дилфуз; Ҳа!, Йўқ!, Албатта! **Бугун бизникида тўй бўлади эмас, Бугун тўй.**

Бундай ҳолатлар одатий тус олган бўлиб, сабаби жонли сўзлашувда алоқа-аралашув юзма-юз бўлади. Шунга кўра, кўп нарса вазиятнинг ўзидан тушунилаверади.

Вазият суҳбатдошлар учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бу ҳолатда суҳбатдошларнинг имо-ишоралари, ҳаракатлари, овознинг кучайиш-пасайишлари, тўхтатиш, сукутлар, хуллас, ҳар бир ҳолат муҳим ўрин тутаети. Бу асосан жонли сўзлашув учун характерли хусусиятдир: қўл, оёқ, бош, елка, кўз кабиларнинг турли ҳаракатлари нутқнинг, ҳақиқатан ҳам, жонли бўлишини таъминлайди, вақтни тежайди, таъсирчанликни оширади, тушунишни осонлаштиради.

Шунинг учун ҳам, жонли сўзлашув жараёнида асосан тўлиқсиз гаплардан кенг фойдаланилади:— Отамга айтасизми?— Нимани!— Ҳа, айтгандай!— Йўқ, **ҳожати йўқ!**— Отанг билмагани маъқул.— Билдира қолсам-чи! Жавоб бермайди, ановиям қолип кетаети.— Майли, нима қилдиқ? Кетаверамизми?— Бўлди, жўнадик!— Пул-мул овоганмисан?— Етади, етмаса сен борсан-ку!

— Хўв, менга ишонма! Ўзимни эплайман, холос!

— Яхши, топарман, етиб борасак, бўлгани.

* *
*

- Ҳа, сигир йўқолдимми?
- Йўқ... сигир эмас, ҳўкиз, ола ҳўкиз эди.
- Ҳўкизми?.. Ҳўкиз экан-да! Ҳмм... Ола ҳўкиз? Тавба!..
- **Бори — йўғам шу ҳўкиз эди...**
- Йўқолмасдан илгари бормиди? Қандақа ҳўкиз эди?
- Ола ҳўкиз...
- Яхши ҳўкизмиди ё ёмон ҳўкизмиди?
- Қўш маҳали...

(Абдулла Қаҳҳор)

Жонли сўзлашув нутқи ўзига хос яна кўп хусусиятлари билан нутқнинг бошқа кўринишларидан тубдан фарқ қилади. Чунончи сўз таркибидаги товушларнинг ўриш алмашинуви (турпоқ — тупроқ, супра — сурпа, тўғри — тўрғи, ўргат — ўграт...), тушиб қолиши (бу ёққа — бақа, олиб кел — опке, ушла — уша, оқартирмоқ — оқармоқ, ўтказиб юбор — ўтказивор, қайсичоғ — қачон...), товуш орттирилиши (соат — соҳат, раис — райис, оила — ойила, станса — истанса, банк — банка, танк — танка, пункт — пункит...), товушларнинг алмашинуви (ока — ака, довуш — товуш, уй — ўй, мен — ман, бўқоқ — буқоқ, морза — марза, мозор — мазор — мозар, ўғлим — улим, чой — чай, туман — туман, дала — дола — тала...). Булар жонли сўзлашувга хос фонетик хусусиятлар.

Жонли сўзлашувда тасвирий сўзлар, салбий ва ижобий муносабатни ифодаловчи воситалар, сўзларни қисқартириб ишлатишлар кўп учрайди: килограмм — кило, мингилламоқ, лиқилламоқ, лапангламоқ, ликонгламоқ, қилпилламоқ, мижигламоқ, онангни учқўрғондан кўрсатаман, овозингни ўчир, кўзингга қараб юр, боши-боши қилма, жиғимга тегма, қўзичоқча, мишиқи, бўталоғим, бувак, жужуқ, қизтолоқ, ҳафтафаҳм, каллаварам, баччағар, дардисар, девдай, жиндай, тупконнинг тувида, очиқ мозорда, курак турмайдиган, бошимга ураманми, бошимни қотирма, бошим айланди, қотириб ташлаймиз, жўрттага, юрагим ёрилиб кетди, тағин, бўлак (бошқа сўзи ўрнида), елкамнинг чуқури кўрсин, минг лаънат, минг шуқр кабилар.

Хуллас, жонли сўзлашув нутқи адабий нутқ кўринишларидан (айниқса, унинг ёзма нутқ шаклларида) ўзига хос бўлган кўпгина хусусиятлари билан тубдан фарқ қилиб туради.

Ана шу ўзига хос хусусиятлари билан бу услуб киши-

лар орасидаги зарурий, кундалик ҳаётий эркин муносабатларни — алоқа-аралашувни ифодалаш зарурати натижаси сифатида юзага келади ва уйғунлашади.

Эркин алоқа-аралашув муносабатлари асосан ана шу нутқ кўринишлари асосида амалга оширилади ва шу муносабатларнинг ҳам, тилнинг ҳам табиийлигини сақлаб туради.

АДАБИЙ НУТҚ КўРИНИШЛАРИ: ИЛМИЙ УСЛУБ

Илмий услубда адабий меъёрларга тўлиқ амал қилинади (қуйироқда кенгроқ изоҳ берилади).

Илмий нутқда (услубда) борлиқ ҳақида, борлиқдаги нарса-ҳодисалар ҳақида, табиат ва жамиятдаги муносабатлар ҳақида аниқ фикр баён қилинади: улар таърифланади, изоҳланади. Фан, техника ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, ўзига хос вазифа ҳам бажаради. Илмий нутқ асосан илмий ишлар нутқи бўлиб, унинг аниқ кўринишлари илмий мақола, илмий рисола, диссертациялар, монографиялар, илмий маърузалар шаклида намоён бўлади.

Унинг ўзига хос белгилари яна қуйидагилардан иборатдир: 1. Бу нутқ кўринишида илмий атамалар жуда кенг қўлланади. Бунда фаннинг турли соҳаларига оид атамалар учрайди. Атамалар эса асосан шу фан соҳасига оид асосий маъносида қўлланади,

Кон деган сўздан — ер пўстида етарли миқдорда фойдали қазилмаларнинг бир жойга тўпланиши тушунилади. Бу сўз ёлғиз бир маънони билдиради, яъни қўрғошин кони, мис кони, тилла кони, туз кони, мум кони ва бошқалар. Геологияга оид илмий тадқиқотларда **узилма чизиғи, литология, бўйлама эрозия, энгашиш чизиғи, тиралиш баландлиги, ёпишмалар, йиғинди жинслар, Натрийли тошлар, ағдарилма горлар, кўмирланиш, очиқ тош, кўл рудаси, бир сифатли жинслар** каби ўзига хос атамалар; математикага оид илмий ишларда **тангенс, котангенс, синус, косинус, илдиз, квадрат қўшув, олув, кўпайтирув, бўлув, устҳалқа, усттўпلام, қиймат, ўсувчи, кучаювчи, тенглама, коэффициент, ён эгрилик, бурчак, уюрма чизиқ, узун тўлқин, қўйи лимит** каби ўзига хос атамалар; тарих бўйича қилинган тадқиқотларда, қишлоқ жамоаси, қулдорлик, қулчилик, эра, аср, синфий кураш, давлат думаси, диктатор, дума, ёлланма меҳнат ер эгалиги, ер рентаси, ҳоқон, хурофот, хутор, ҳоқим, қўшин, чопар, феодализм, капитализм, формация каби ўзига хос атамалар;

тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларда морфология, синтаксис, грамматика, фонема, морфема, синоним, антоним, омоним, қўшимча-аффикс, сўз бирикмаси, эга, кесим, тўлдирувчи, изоҳловчи, аниқловчи, ҳол, феъл нисбатлари, сифат даражалари, келаси замон, ўтган замон каби, ўзига хос, кўплаб атамалар иштирок этади.

Атамаларнинг кўп ишлатилиши илмий нутқнинг энг асосий ўзига хос белгиси саналади. Шунга кўра, ҳар бир атама илмий услубда ўзининг бош-номловчи маъносида қўлланади. Уларни кўчма маъноларда қўллаш мумкин бўлмайди.

Қўйидаги матнларга эътибор беринг:

«Демак, қўшма гап билан сўз бирикмаси конструктив жиҳатдан, яъни бир неча компонентдан ўзаро синтактик алоқа усули ва уларнинг ҳажмий таснифи жиҳатидан бири-бирига ўхшайди.

Шундай қилиб, синтаксис, грамматика фанининг бир қисми сифатида, тилнинг синтактик бирликларини ўрганади. Тилнинг синтактик бирликлари учта: сўз бирикмаси, гап ва қўшма гап.

Пропозитив структуранинг асосий узвлари предикат ва унинг аргументлари саналади. Бу узвларнинг ҳар қайсиси ўзларига хос хусусиятларга ҳам эгадир.

Предикат семемасининг характерли хусусияти маълум миқдордаги аргумент семемалар билан боғланиш имкониятига эга бўлишдир» (А. Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, Т., «Фан», 1992, 53-бет).

* *

*

«Келтирилган синоним конструкцияларнинг олдинги икки жуфти ҳар икки томондан — ҳам грамматик маъноси, ҳам конструкцияларнинг умум мазмуни томонидан бири-бирига тенг. Бироқ кейинги икки жуфт бирикмаларда тафовут бор. Яъни уларнинг аввалгилари «қарама-қарши тобеланиш» асосида, кейингилари эса «бошқарув» муносабати асосида боғланган» (Б. Тўйчибоев. Ҳозирги ўзбек тилида синтактик синонимика, Т., «Фан», 1988, 13-бет).

Фаннинг бошқа соҳаларига оид илмий тадқиқотлар нутқи ҳам ўзига хос атамаларга эга бўлади.

2. Илмий нутқда мантиқий боғлиқлик, далиллаш, изчиллик, аниқлик, хулосалаш ёки қондани исботлаш асосий ўринда туради. Шунга кўра, гапларда сўзларни ташлаб кетиш, уларни боғловчи воситаларсиз боғлаш ҳам ўзига хос бўлади.

Умуман олганда, илмий нутқнинг синтактик қўрилиши ўзига хос бўлади: гаплар ўртасида бириктирувчи, зидловчи, айирувчи боғловчилардан, кенг қўлланилади. Фикрлар изчиллигини сақлаш учун **демак, ҳуллас, шундай қилиб, маълумки, яъни, бинобарин, фикримизча, кўринадики, масалан, жумладан** каби луғавий воситалар, уюшиқ бўлаklar, қавсга олинган киритмалар, **изоҳлар** ва шуларга хос тиниш белгилари ишлатилади: **икки нуқта, нуқтали вергул, қавс, нуқта энг кўп** ишлатилади. Ундов ва сўроқ белгилари, тиниш белгиларининг қўш қўлланишлари, кўп нуқта кабилар кам ишлатилади ёки умуман қўлланилмайди (юқоридаги матнларга эътибор беринг).

Бундан ташқари, гапларда ортиқча тасвирийликка эътибор берилмайди, фикрлар иложи борича қисқа, лўнда ва мантиқли ифодаланиши лозим. Шунинг учун ҳам, гаплар тилнинг бадий тасвир воситаларидан ҳоли бўлади. Унда образли фразеологик бирикмалар эмас, балки ўзига хос турғун бирикмалар ишлатилади: **исботлаб бермоқ, ўринли ишлатилмоқ, шундай бўлишига қарамай, унинг фикрича, хулоса қилиб шунга айтиш мумкинки, айтилганлардан келиб чиқадики** кабилар.

3. Илмий услубда тадқиқот характериға боғлиқ равишда рақамлардан фойдаланиш ҳам характерлидир. Улар таснифларда, исботлаш, далиллашларда жуда кенг қўлланади:

Масалан, **-чи** аффикси қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1) негиздан англашилган нарсани ясовчи шахс маъносини ифодалайди:...

2) негиздан англашилган нарсани юргизувчи шахс маъносини ифодалайди:...

3) негиздан англашилган нарсани сотувчи шахс маъносини ифодалайди...

Сўроқ гаплар, сўзловчининг қандай жавоб кутишиға қараб ҳам турлича тузилади:

1. Сўроқ гапларда сўзловчи жавобнинг қандай бўлишини олдиндан тасаввур қилолмайди.

2. Сўроқ гапларда жавобнинг ижобий бўлишиға шубҳа билдирилади.

Олмошлар маъносига кўра 7 турли бўлади:

1. Кишилик олмошлари;

2. Кўрсатиш олмошлари;

3. Ўзлик олмоши... каби.

4. Илмий услубда кўпроқ феълнинг мажҳул ва аниқлик нисбати шакллари қўлланилади. Бу нутқда аффиксларнинг

алмашилиб қўлланишлари: кетдикми-кетамизми, ўтирсинлар-ўтиринг, бориб эдимми-борган эдимми кабилар. Буларнинг кўринишлари турлича бўлиб (синонимларини келтириш, бошқа мақсадларда ўринларини алмаштириш, вариантларини қўллаш кабилар), илмий услубда бунга йўл қўйилмайди. Умуман аффиксларнинг кучайтирув, таъкид, бўрттириш, эмоционаллик ифодаловчи кўринишлари деярли ишлатилмайди. Жумладан, -лар аффикси бадий услубда ёки жонли сўзлашувда бошларимга, шунчалар, Тошкентларгача, белларимгача, дадамлар, ўтирсинлар, келдиларми, кўзлар сузилдилар тарзидаги кўпгина сўзлар таркибида ҳар хил вазифаларни бажариб, ҳар хил маъноларни ифодалаб келгани ҳолда, илмий услубда асосан кўпликни ифодалаш учун қўлланилади.

5. Илмий услубда баҳо шакллари, синонимлар, ижобий ёки салбий муносабатни ифодаловчи сўзлар, тасвирий сўзлар (ундов, тақлид) ишлатилмайди: бу нутқда фақат юз ёки бет атамаси ишлатилади. Ораз, чехра, висол, жамол, турқ, офт, башара каби ўша сўзларнинг синонимлари қўлланмайди. Жонли сўзлашувга хос бўлган муомала-муносабатни ифодаловчи (сўкиш, ҳол-аҳвол сўраш, бошқа муносабатлар) сўзлар ҳам умуман ишлатилмайди.

Хуллас, илмий нутқ адабий нутқ кўринишининг алоҳида бир шакли бўлиб, бунда индивидуаллик ҳам сезилмас даражага боради. Унинг ўзига хос хусусиятлари ана шуни таъқозо қилади. Фақат илмий-оммабоп нутқ шаклларида маълум индивидуаллик яққолроқ сезилиши мумкин. Яъни илмий нутқда ҳам маълум даражада қолибга солинганлик кузатилади. Илмий услуб тилшунос М. Мукаррамов тўғри таъкидлаганидек, мураккаб типдаги қўшма гапларнинг кўп ишлатилиши билан, айниқса, характерлидир. Шундай қилиб, илмий услуб инсоннинг уни ўраб турган борлиқ билан муносабатини, шунингдек, жамият, ижтимоий ҳодисалар билан муносабатини ифодалайди. Бу нутқ шакллари ана шу эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда, ана шу муносабатларни таъминлаш мақсадида юзага келади.

РАСМИЙ УСЛУБ

Расмий нутқнинг икки хил кўриниши мавжуддир:

1. Оғзаки тарздаги расмий маърузалар (докладлар) нутқи;

2. Расмий иш қоғозлари нутқи (асосан ёзма нутқ).

Оғзаки тарздаги расмий маърузалар нутқи, биринчидан, бадий, илмий, жонли сўзлашув ва публицистик нутқлар-

дан фарқ қилса, иккинчи томондан, расмий иш қоғозлари нутқидан (ёзма нутқдан) ҳам фарқ қилади.

Маъмурий идоралар ходимларининг маълум бир мақсаддаги чиқишлари, суҳбатлари, кишилар билан муомалалари оғзаки тарздаги расмий нутқнинг шаклланиши учун асос бўлган: «— Ҳртоқ Рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, онлавий бурчимизни намуналик тарзда бажариб келаётганимизга бир йил бўлган кунда сизни бевосита табрик этишга!..

— Лекин бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганимизга ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин...

Бу рюмкани мана шунинг учун кўтаришдан бурун ўз муҳаббатимни яна бир марта амалий суратда изҳор қилгани рухсат беришингизни талаб қиламан» («Нутқ», Абдулла Қаҳҳор).

Бу нутқ жонли сўзлашув (норасмий) нутққа айлантирилса, қуйидагича бўлиши мумкин: «Ойиси, туппа-тузук яшаб келаётганимизгаям бир йил бўп қопти. Шундай кунда сизни табриклашга рухсат этинг!... Тўғри, камчиликлар, нохушликларам бўлди-ю, лекин, барибир, худога шукур, ёмон яшамадик. Муҳаббатимни шу пиёладагини кўтариш билан билдиришимга рухсат беринг!!!

* * *

«Фарғоналик ҳамқишлоқ, ҳамшаҳар дўстлар!

Ҳосил тўйи, меҳнат шодиёнаси, ғалаба тантанаси қутлуг бўлсин! Пахтакорнинг хурсандчилиги бутун халқ хурсандчилиги дейиш мумкин, чунки жонажон республикамизда пахта ишига тўғридан-тўғри ёки бирон восита билан бўлса ҳам қўл урмайдиган одам кам топилишига имоним комил.

Пахта, шоирлар, айтмоқчи, гуруримиз, суруримиз, демак, пахтакорнинг ҳар бир ғалабаси ҳар бир уйга, ҳар бир кўн-гилга олам-жаҳон шодлик олиб киради...

Бу йилги қўшалок ғалаба, ҳеч шубҳасиз, партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга муттасил қилган ғамхўрлиги, бу йўлда жорий этган бир талай тадбирлари натижасида қўлга киритилди» (А. Қаҳҳор. Табрик)

«Раис: «КПССнинг март пленумидан илҳомланган колхозимизнинг колхозчилари чигит экиш планини шараф билан бажардилар ва ўзларининг имкониятларини ҳисобга олиб

қўшимча мажбурият олмоқдалар» (А. Қаҳҳор. «Радио ходимлари билан суҳбат»дан).

Ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бундай нутқ кўринишларини ҳар бир қадамда қаттиқ танқид қилган. Унинг «Нутқ» ҳикояси бу борадаги бадий умумлашмадир. Унинг «бадий очерк тўғрисида» айтган гапларида шундай фикрлари учрайди:

Асарингизда масалан: «Товуқ томдан учиб тушди», деган жумла учраса, «мўътабар фикр эгаси» бурнини жийриб: «Бу очерк» дейди; агар: «Товуқ томнинг лабидан сакраб, қанотларини қоқа-қоқа ҳаволарни тўлқинлатиб тушди», деб ёзилган бўлса, чехраси очилиб: «Бу лирик ҳикоя», дейди.

Д. Э. Розенталнинг қўйидаги фикри ҳам диққатга сазовордир: «Бу нутқ стили ўзига хос лексик қатламга ва синтактик қурилишга эга бўлиши билан консерватив характер касб этади» (Практическая стилистика русского языка. М., 1974, 37-бет).

Бу фикр расмий нутқнинг ҳамма кўринишлари учун тегишлидир.

Шу нуқтаи назардан юқорида келтирилган матнларга эътибор берсак, Ўртоқ рафиқам, ижозат берасиз, шараф билан давом этдириб, оилавий бурчимизни, намунали тарзда, бир йил бўлган кунда, бевосита табрик этишга, бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганимизга, ҳеч қандай шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаш мумкин, кўтаришдан бурун, амалий суратда... каби қўлланишлар асосан баландпарвозлик, расмиятчилик учунгина ишлатилганлигини кўрамиз. Бу эса нутқни самимийлик, соддалик, халқчилликдан, умуман руҳдан маҳрум қилади. Бу нутқ тури учун ўйноқчилик, ҳазил-мутойиба, қочирақлар характерли бўлмайди. Уларда расмий унвон, даража, амал билдирувчи жаноби олийлари, жаноб президент, ҳазрати олийлари, юқори мартабали меҳмон, Ҳурматли вазиримиз, ҳурматли директоримиз, қози-калонимиз, ўртоқ Боқижон Аҳмедович каби ўзига хос иборалар ишлатилади.

Расмий иш қоғозлари нутқи эса маъмурий ва ҳуқуқий ишларда амал қиладиган нутқ кўринишларидан бўлиб, унинг турли алоҳида-алоҳида шакллари мавжуддир: ҳуқуқий қонун моддалари, дипломатик мурожаатномалар, ҳукумат идораларининг турли хилдаги қарорлари, улардан кўчирмалар, йўриқлар, буйруқлар, фармонлар, топшириқлар, шартномалар, ариза, справка, акт, билдиришнома, ишончнома, маълумотнома, тилхат, таклифнома, расмий эълон ва хабар-

лар шулар жумласидандир. Бундай иш қоғозларининг намуналари ҳаммага маълум. Шунингдек, Н. Маҳмудов, А. Мадвалиев, Н. Маҳкамов ва М. Аминовлар томонидан тузилган «Ўзбек тилида иш юритиш» (муншаот) китобида бундай намуналар тўла берилган. Бу китобда иш қоғозлари матнлари имконият даражасида ўзбекчалаштириб берилган; номлари ҳам ўзбекчалаштирилган (характеристика-тавсиянома, рекомендация-тавсиянома, доверенность-ишончнома, инструкция-ўриқнома, заказ-буюртма кабилар).

Кейинги даврларда иш қоғозлари номлари ҳам, унинг матнлари ҳам асосан рус тилида бўлар, ўзбекча матнларда ҳам кўп ҳолда русча атамалар ишлатилар эди: «Ревизор распискани печати бўлмагани сабабли қабул қилиши, регистрациядан ўтказиши, ведомостга тиркаб қўйиб, шу билан сизга процентдаги реквизитни тўлашга ҳаққи йўқ».

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан иш қоғозлари ўзбек тилида ёзиладиган бўлди ва юқорида айтилганидек, деярли ҳамасининг номлари ўзбекчалаштирилди. Имкони йўқ ўринлардагина русча (рус тили орқали ўзлашган) номлар қолдирилди: телеграмма, телефонграмма; фактура, стаж, патент, архив кабилар.

Айрим иш қоғозларидан намуналар:

Тошкент шаҳри Собир Раҳимов туманидаги
149-мактаб директори ўртоқ С. Аҳмедовга
10-синф ўқувчиси Тошпўлат Эгамовдан.

Ариза

Наманган вилоятидан Тошкент шаҳрига доимий яшаш учун кўчиб келганлигимиз туфайли оилавий шароитимиз ҳали тўла изга тушган эмас. Ота-онам менинг бир неча кунлик ёрдамимга муҳтож. Шунинг ҳисобга олиб, мени 1 ҳафта давомида барча дарслардан озод қилишингизни сўрайман.

1933.01.10 (имзо)

Т. Эгамов

Ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ намунаси
Тошкент давлат университети 01-14

Буйруқ

15.02.93. № 101

Кадрлар шахсий таркибига оид

ишга қабул қилиш хусусида (ҳақида)

Аҳмедов Карим Эгамович 1993.15.01 дан 4800 сўмлик маош билан ўзбек филологияси факультети таркибидаги илмий гуруҳнинг катта лаборанти лавозимига қабул қилин-

син (тайинлансин).

Асос: К. Э. Аҳмедов аризаси, деканнинг розилик рухсатномаси.

Университет ректори (имзо) Ш. О. Алимов

Имзо:

Кадрлар бўлими.

Тилхат

Мен, Тошкент давлат университетининг катта ўқитувчиси Салима Ваҳобовна Қаримова университет кассири Дилором Аҳмедовадан 4-курс талабалари учун тегишли бўлган 10916 (ўн минг тўққиз юз ўн олти сўм) стипендия пулини уларга байрам кунлари тарқатиб бериш учун олдим.

1993.02.03.

(имзо)

С. В. Қаримова.

Бундай намуналар юқориди тилга олинган расмий иш қоғозлари бўйича яратилган «Ўзбек тилида иш юритиш» китобида бор бўлиб, бу китобда ҳар бир иш қоғозининг турли кўринишларига намуналар алоҳида-алоҳида берилган.

Расмий иш қоғозлари услубининг ўзига хос тил хусусиятлари. Расмий иш қоғозлари услуби адабий нутқ услубларидан ва жонли сўзлашув услубидан ўзига хос луғавий ва грамматик хусусиятларига кўра фарқ қилади. Бундан ташқари бундай ҳужжатларда айрим тиниш белгилари, рақамларнинг ишлатилиши ҳам ўзига хосдир. Чунончи, саналар кўп ҳолларда 10.01.92 й. шаклида, пул миқдорлари 1560 (бир минг беш юз олтимиш) тарзида, буйруқ рақамлари 14—23 ёки 12/3 шаклида қўлланади. Йил сўзи одатда қисқартирилиб й. шаклида, ойларни ифодаловчи сўзлар ўрнида эса 01., 02 (масалан, 10 август эмас, 10.08 шаклида) каби сонлар кенг қўлланилади; кўпгина сўзлардан сўнг одатда, расмийга кўра икки нуқта қўйилади. Масалан, асос:, имзолар:, буюраман:, илова:, даъвогар:, жавобгар:, колхоз раиси: кабилар.

Кўпчилик иш қоғозлари бир хил шаклга эга бўлганлиги учун улар маълум ана шу шаклларда кўпайтирилиб (бланклар тарзида) қўйилади ва улардаги жуда кўп ўринларда ишлатилган: муҳр, имзо сўзлари бир хил қўлланаверади.

Расмий иш қоғозлари луғавий таркиби ўзига хосдир:

Унда элчи, элчихона, томонлар, мухтор вакил, фавқулодда ва мухтор элчи, ишонч ёрлиги, нота, ретификация, акт, гувоҳнома, қарор, қидириш, баёнот, визит, шартнома, мажлис, кун тартиби, ишчи гуруҳи, сўзга чиқувчилар, эшитилди, ахборот берилди, тугатилди, ташкил қилинди, тайинланди,

бўшатилади, рухсат этилади, сўрайман, илтимос қиламан, қатнашдилар, раис, котиб, қарор қилинди, тасдиқлайман, тавсия этилади, бекор қилинди, тузилди, қабул қилиб олдим, топширдим, кетганлигим сабабли, туфайли, мазкур, шу сабабли, ҳисобга олиб, мувофиқ, йўлланма, буюртма ҳақида каби жуда кўп луғавий бирликлар билан бирга, юқорида айтилганлар (кўрсатилганлар, таъкидланганлар, номлари ўқилганлар), қўйида имзо чекувчилар, қабул қилиб олувчи, маълум қилувчи, ҳисоб берувчи каби махсус расмий иборалар ҳам кўп ишлатилади. Иш қоғозлари ҳужжатлари номларининг ўзи ҳам алоҳида луғавий хусусиятдир. Чунки улар ўзига хос ясалиш хусусиятларига эгадир: билдиришнома, тавсифнома, маълумотнома, йўриқнома, далолатнома, тавсиянома (-нома ясовчиси-аффиксоиди билан ясалган). Атамаларнинг аксарият қисми ана шу восита орқали ясалганлиги кузатилади. Номларнинг яна бир қисми таркибида хат сўзи иштирок этгандир: даъво хат, илова хат, илтимос хат, сўров хат, тасдиқ хат, тилхат, тушунтириш хати кабилар. Баъзи атамаларнинг ясалишида -ма аффикси иштирок этганлиги кузатилади: буюртма, кўчирма, кўрсатма кабилар: -чи аффикси воситасида ясалган шахс отларининг айримлари асосан шу нутқ кўринишида ишлатилади: ижарачи, ҳисобчи, назоратчи, ижрочи, ёрдамчи, тафтишчи, иқтисодчи кабилар. Хуллас, иш қоғозлари матнида қўлланувчи махсус сўзларнинг ўзи ҳам анчагина бўлиб, уларнинг аксарияти ясама сўзлардир. Бундай сўзларни ясашда иштирок этган ясовчи аффиксларнинг миқдори ҳам анча чеклангандир.

Расмий иш қоғозлари луғат таркибидаги қўшма ёки бирикма ҳолидаги атамаларнинг тузилишлари ҳам маълум даражада ўзига хос бўлиб, уларнинг иккинчи қисмида варағи, қоғоз, хат, дафтар, шартнома каби сўзлар кўпроқ ишлатилади.

Кишилар номлари баъзи ҳолларда бошқа ном билан атаб қўйилади: ижрочи, назоратчи, бажарувчи, уйни ижарага олувчи, гувоҳ, даъвогар, жавобгар, айбланувчи, оқловчи, қораловчи, имзо, чекувчи, сўроқ қилинувчи, хизматчи, ўғил қилиб олувчи кабилар. Бунда одатда айрим шахсларнинг номлари атайин ҳадеб таъкидлайвермаслик, баъзан эса яшириш, баъзан яна ортиқча такрордан қочиш кўзда тутилади. Бунинг акси сифатида корхоналар, ташкилотлар номлари ўрнида олмошларни ишлатиш жуда кам учрайди. Бундан мақсад ноаниқликка, чалкашликка йўл қўймасликдир.

Бу услубда феъл шакллариининг ишлатилиши ҳам ўзига хосдир. Жумладан, ҳаракат номи шакллари, мажхул нисбат,

шарт майли, буйруқ майли шакллари, айниқса, кўп қўлланади: олдини олиш, иш юритиш, ҳукм чиқариш, олиб бориш, вақтни тежаш, сўроқ қилиш кабилар. Кузатувлар шуни кўрсатадики, атамаларнинг кўпчилиги таркибида ҳам -в(-ув) ва -ш(-иш) аффикслари мавжуддир. Ҳаракат номининг -моқ шакли билан ҳосил қилинган кўриниши учрамайди: сўров (варақаси), ёзув, тўлов, билдирув (хати), бошқарув, чақирув (қоғози) кабилар; кўрилади, топширилади, бажарилади, юборилади, қабул қилинади, тан олинади, сўраб борилади, чиқарилади; тасдиқлансин, бўшатилинсин, юборилсин, сўралсин, тайинлансин, кўриб чиқилсин кабиларда ҳам феълнинг махсус шакллари қўллангандир.

Расмий иш қоғозларининг айрим турларида уюшиқ бўлакли гаплар, шарт эргаш гапли қўшма гаплар кўп қўлланади.

Умуман олганда, расмий нутқ учун мураккаблашган содда гаплар ва турли хил қўшма гаплар характерлидир: ҳар бир автомобиль бўйича юк автомашиналари ишлари кўрсаткичи кунма-кун тартибда юк автомобиллари ишларининг ҳисоб-китоби қайдномасида ёзиб борилади, шу асосда диспетчер ҳар бир ой учун автомобиллар ишлари ҳисоб-китобининг қўшма қайдномасини тузади.

Қуйидаги парчага ҳам эътибор қилинг:

Ана шундай ишга кўчиришга табиий офатнинг, ишлаб чиқаришдаги авариянинг олдини олиш ёки шундай ҳолларни тугатиш ёхуд уларнинг оқибатига дарҳол барҳам бериш учун; бахтсиз ҳодисаларнинг, иш тўхтаб қолишининг, давлат ёки жамоат мулки нобуд бўлиши ёки бузилишининг олдини олиш учун ва бошқа фавқулодда ҳолларда, шунингдек, йўқ ишчи ёки хизматчининг ўрнида ишлатиш учун зарур бўлганда йўл қўйилади. («Ўзбек тили стилистикаси», 21-бет).

Демак, расмий иш қоғозлари турли-туман бўлганлиги туфайли ҳар бирининг ўзига хос тузилиши, хусусиятлари ҳам бор. Бироқ улардаги асосий ҳолатлар муштарак кўринишларга эга бўлади. Шундай қилиб, расмий услуб бир томондан инсонлар ўртасидаги расмий муносабатларни ифодаласа, иккинчи томондан, ташкилотлар, идоралар орасидаги, улар хизматчилари орасидаги муносабатларни ифодалайди. Расмий нутқ ана шу муносабатларни ифодалаш мақсадида, шу асосда шаклланади ва турлича кўринишларга эга бўлади.

ПУБЛИЦИСТИК УСЛУБ (МАТБУОТ НУТҚИ)

Публицистик услуб жамият фаол аъзосининг ижтимоий-сиёсий ҳаётга бўлган муносабатини ифодалайди.

Ҳар қандай жамиятнинг у ёки бу фаол аъзоси ўзи яшаб турган жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-маданий ҳаётига бефарқ қарамайди, уларга ўз муносабатини билдиради. Бу муносабат тил воситалари, уларнинг имкониятлари асосида ўз ифодасини топади. Ана шундай муносабатни ифодалашни таъминлаш учун хизмат қиладиган нутқ кўринишлари публицистик нутқ бўлади.

Бу услубда ҳам тил бирликлари ўз имкониятларини ўзига хос тарзда намоён қиладилар. Ана шу имкониятлари билан шу услубга хосланиб қоладилар.

Публицистика сўзи латинча бўлиб, — ижтимоий ёки халқ, ижтимоий халқчил деган маъноларни билдирган. Публицистик услуб кўринишлари ижтимоий тараққиётнинг энг қадимги даврларидаёқ пайдо бўла бошлаганлигини, бу кўринишлар қадимги нотиқлар нутқлари шаклларида намоён бўлганлигини олимлар таъкидлаганлар. Кейинги тараққиёт оғзаки нутқларнинггина талабга тўла жавоб беролмаслигини кўрсатди. Халқ оммасини сиёсий ва ташкилий жиҳатдан уюштирувчилик, ҳаракатлантириш қудратига эга бўлган алоҳида ёзма нутққа эҳтиёж туғилди.

Туб маънодаги ўзбек матбуот услубининг ўзбек адабий нутқ услублари тизмасида асосан «Туркистон вилоятининг газети» чиқа бошлагандан сўнг шаклланганлиги кўпчиликка маълумдир. Унинг шаклланишида Фурқат, Исҳоқхон (Иброт), Сатторхон, Ҳакимхон ва бошқа кўпгина маҳаллий зиёлиларнинг хизмати катта бўлган. Кейинчалик эса турли («Иштирокиюн», «Қизил Байроқ», «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон») газеталарининг чиқа бошлагани бу жараённи тезлаштирди. Бу даврда (асосан инқилобдан сўнг) Ҳ. Ҳ. Ниёзий, А. Авлоний, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий, С. Айний, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, улар билан бирга ва улардан сўнг Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, А. Қаҳҳор, Зиё Саид, Назир Сафаров ва ҳозирги кунда ҳам қалам тебратаётган кўпгина адиблар, зиёлилар, адабиётчилар, журналистлар бу борада катта ишлар қилдилар.

Матбуот нутқи одатда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, адабий-танқидий мавзулардаги оммавий нашрларда, ижтимоий-сиёсий журналларда, барча газеталарда, нотиқларнинг нутқларида, радио ва телевидения чиқишларида намоён бўлади. Бошқача айтганда, ана шуларнинг нутқи матбуот нутқи сифатида тан олинади. Газета нутқи матбуот нутқининг ҳозирги кундаги энг асосий кўринишидир. Чунки газета нутқида оммага муносабат қилиш,

ундаш, қизиқтириш, рағбатлантириш, уюштириш — умуман олганда, таъсир этиш етакчи ўринда туради. Омманинг фаоллигини оширишда у ниҳоятда тезкордир. Бунга сабаб унинг оммавийлиги, тез етиб бориши, тушунарлилиги, аниқлўндалиги, ҳаёт билан ҳамнафаслигидир (ҳозиржавоблигидир).

Бундан ташқари, газета ижтимоий ҳаётнинг турли-туман соҳаларини тўла қамраб олади. Иккинчидан эса, унинг саҳифаларида хабардан тортиб (мақола, репортаж, корреспонденция, очерк, фельетон, памфлет, бош мақола, эълон...) бадний асарлардаң парчаларгача бериладики, бу омманинг барча табақаларига таъсир этишни, барчасига тегишлиликни, тушунарлиликни таъминлайди.

Матбуот нутқи ана шундай вазифани бажарар экан, унинг ҳам ўзига хос тил хусусиятлари мавжуддир.

Қуйида айрим матнлардан намуналар келтирамиз:
Эски шаҳарни сақлай оламизми?

... Шукурким, ўзлигимизни англай бошлашимиз шаҳарсозлик соҳасида ҳам маълум ўзгаришлар ясаб, бу ҳудудга эътибор берилди бошлади. Сўнгги 3—4 йил ичида ҳукуматимизнинг эски шаҳарни сақлаб қолиш бўйича қарорлари, «маҳалла» дастури қабул қилинди.

Урта Осиё шаҳарсозлик ва меъморчилик назарияси илмий-тадқиқот олийгоҳи меъморлари томонидан эски шаҳарни сақлаб қолиш ва тиклаш дастури, унинг шимоли-ғарб қисмини ва Қоратош, Шаҳристон, Олмазёр, Уқчи маҳаллаларини қайта тиклаш лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бу лойиҳаларга кўра эски шаҳарнинг тарихий кўчалари, маҳалла марказлари, тарихий қийматга эга ва яхши сақланган тураржойлар сақланиб қолинади...

Тошкентнинг эски шаҳар қисмини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш муаммоси комплекс масала бўлиб, буни ечиш учун, бизнинг фикримизча, шаҳар ҳукумати қошида турли хил ташкилотлар, мутахассислар, идоралар ишини мувофиқлаштирадиган марказ тузиш, кенг жамоатчиликни бу ишга жалб этиб, тиклаш ишлари қандай кетаётгани тўғрисида матбуотда ахборот бериб бориш керак...

Бу матида уюшиқ бўлакли гаплар кўп қўлланган, мураккаблашган қўшма гап шакли, -ш (-иш) аффиксли ҳаракат номи шаклидан фойдаланилган. Бу матида яна бошқа хусусиятлар ҳам ўз ифодасини топган. Чунончи, шукурким, шаҳарсозлик, ҳудуд, меъморчилик назарияси, дастури, ўзлигимизни англай бошлашимиз, шаҳар, ҳукумати, комплекс каби

сўз ва ибораларнинг қўлланиши ҳам матбуот нутқи учун ҳам хосдир.

* *

*

ЯПОНИЯ ФИРМА ДУКОНИ

Самарқанддаги кўхна Регистон мажмуаси қаршисида яқин орада Японияда ишлаб чиқарилган буюмлар билан савдо қилувчи дўкон очилади. Сиёб район кенгаши раёсатининг «Сони» фирмаси вакиллари билан тузган шартномасида ана шу тадбир ҳам кўзда тутилган. Дўконни кўркем қилиб қуриш учун фирма ўн уч минг Америка доллари ажратди.

Дўкон ишга тушгач, бу ердан «Сони» фирмасида ишлаб чиқарилаётган видеомагнитофон, видеокамера, радио, аудио-техника ва бошқа электр жиҳозларини сотиб олиш мумкин (бу матн хабар характерида бўлса ҳам, унда маълум соҳага оид махсус атамалар ҳам кенг қўллангандир).

(«Халқ сўзи» 1992, 14 февраль)

ТАНИШИНГ, НОМЗОДЛАР!

«Дилрабо» болалар халқ дастаси — миллий муסיқа маданиятини тарғиб қилганлиги ва уни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлиги ҳамда вилоят ёшларининг маданий дам олишини уюштиришда фаол иштирок этганлиги учун.

Ўзбекистон ЛКЕИ Сирдарё вилояти кўмитаси тавсия этган (Бу матнда ўзига хос сўзлар, атамалар ишлатилган. Шу билан бирга, бундай сарлавҳа ва матн шу нутқ кўриниши учун жуда характерлидир).

Матбуот нутқи бир томондан, адабий нутқ услубларининг ҳаммаси билан муштарак томонларга эга эканлиги, уларнинг кўп хусусиятларини ҳам ўзида акс эттириши билан ажралиб туради: матбуотда илмий мунозаралар, тақризлар, илмий-оммабоп мақолалар; бадий асарларнинг турли намуналари (ғазаллар, дostonлар, шеърлар, ҳикоялар ёки эсселар, ҳажвиялар...), тарихга оид хабарлар, бошқа турли хил нарсаларнинг берилавериши унинг нутқини ҳам кенг қамровли қилиб қўяди. Шунинг учун унинг саҳифаларидаги нутқ кўринишлари илмий, расмий ва бадий нутқ кўринишлари билан муштаракликка эга бўлади. Ўзбек адабий тилининг хабар бериш, таъсир этиш каби турли вазифаларни ҳам тўла бажариш имкониятига эга эканлигини намойиш этади. Иккинчи томондан, матбуот нутқи адабий тил меъёрларига намунали тарзда амал қилади, ҳатто бу меъёрларнинг сай-

қалланишига, пухта ишланишига таъсир ҳам кўрсатади. Фақат умумий тарзда ўзбек адабий тилинигина эмас, унинг барча нутқ кўринишлари, меъёрларини ҳам тарғиб қилади, умумхалқ бойлиги бўлиб қолишини таъминлайди. Адабий тилнинг умумхалқ тилининг сайқаллашувидан, ишланишидан шаклланишини, ўзбек миллати учун муштарак эканлигини, даврийлик ва барқарорлик, динамиклик (ўзгарувчанлик) ва замонавийлик, намунавийлик ва халқчиллик каби кўпгина хусусиятларга эга эканлигини тарғиб қилади, намойиш этади.

Унинг саҳифаларидан дала маликаси, зангори кема капитани, зангори кема суворийлари, қора олтин, оқолтин, кумуш тола, толмас билаклар, пўлат этаклар, зангори олов, зангори экран, пўлат паҳлавонлар (бульдозерлар), обихаёт посбонлари (мироблар, сувчилар), руҳимиз инженерлари, қолхоз заршунослари, оқ олтин ижодкорлари, мўл ҳосил посбонлари, жорий йилда, маънавий алоқалар кўприги, ижодий мулоқот, барака уруғи, нуркорлар (электриклар), меҳнат аҳли, ташаббус самараси, дала соҳибкорлари, ғайрификрлар, қизил империя, табиат муҳофазаси, устивор йўналиш, моддий неъмат, ватанимизнинг таржимаи ҳоли, самара бермоқ, гўзаллик ихтирочилари, қизлар гулдастаси, сермиллат, шаҳарсозлар, метросозлар, диллараро кўприкларни мустақамлаш, порлоқ истиқбол, нафосатга ошуфта қалб, афғор, аммо, байрам дастурхони, ҳаёт синови, пахта яккаҳокимлиги, қайта қуришнинг музаффар шамоли, ўзлигини англамоқ, маданий хизмат, иқтисодий етишмовчилик, ошкоралик нури ўтмишдош экин, оралиқ экин, «иккинчи уй» (дала шийпони), яратувчилик ишқи, дала заҳматқашлари, боқибегамлик каби минглаб, сўзлар, иборалар ҳаётга йўлланма олди ва адабий тилимизнинг бойлигига айланди. Бундан ташқари, кўпгина янги ясалмаларнинг оммалашувида, анъанавийлашувида, тан олинимида матбуот катта аҳамиятга эгадир. Ана шу метросозлар, шаҳарсозлар каби атамаларнинг, бошқа русча-байналмилал атамалар ўрнида ҳозирги кунда қўлланаётган арабча, ўзбекча ҳамда янги (ўзбек тилида) ясалётган сўзларни оммалаштиришда ҳам асосан матбуот нутқи омил бўляпти. Маълумки, матбуот нутқи тилининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Бу эса унинг ўз вазифасини бажаришини таъминлайди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан кишиларни ўз вақтида хабардор қила олади, кишилар онгига таъсир эта олади.

Матнлардан ҳам кўриниб турбдики, матбуот нутқида кўпгина грамматик воситалар (қўшимчалар) алмаштирилган

ҳолда ҳам қўллана олади (равишдош, сифатдош, майл шакллари), шунингдек, баъзан шеваларга хос шакллар ҳам ишлатилади (-ётир, ажак...). Газета нутқида гапнинг риторик сўроқ гаплар, бир бош бўлакли, ундов, риторик мурожаат атов гап турлари жуда кенг қўлланади.

Жонли сўзлашув нутқида хос кўпгина сўзлар, ибора ёки бирикмалар, қўшимчалар юқорида кўрганимиздек, тасвирийликни оширувчи, кишилар руҳиятига тез таъсир этадиган сўзлар билан алмаштириб берилади: қизлар тўдаси дейилмайди, қизлар гулдастаси дейилади; мамлакатимиз, юртимиз тарихи дейиш ўрнига ватанимиз таржимаи ҳоли пахта териш машинаси ўрнига пўлат этаклар қўлланади. Ҳозирги замон феъл шаклини ҳосил қилувчи -япти ўрнида ҳам асосан -моқда шаклини қўллаш кучлидир (кўтаринкилик, китобийлик бор).

Матбуот саҳифаларида хабар, маъруза, турли бошқа чиқишлар, табрикномалар, қарорлар, эълонлар, буйруқ, фармон, қонун кабилар берилар экан, ўз-ўзидан матбуот нутқи бир жиҳатдан расмий иш қоғозлари нутқини ҳам ўзида акс эттиради: расмий ҳужжатларга хос атамалар кенг қўлланади: очиқ овоз, ёпиқ овоз, ҳал қилувчи овоз, маслаҳат овози, овоз бермоқ, овозга қўймоқ...; қўл қўймоқ, имзо чекмоқ кабилар. Расмий ҳужжатлар, қонун лойиҳалари ва бошқаларга хос **Ўзбекистон Вазирлар маҳкамаси, Ўзбекистон Олий Кенгаши Риёсати, Информацион билдириш, Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ҳукумати, ҳукумат раҳбарлари** каби махсус атамалар, умуман олганда, давлатлар, идоралар, ташкилотлар, мансаб ёки унвонларни билдирувчи атамалар жуда кенг қўлланиладики, бу ҳам матбуот нутқининг ўзига хос томонларидан биридир. Булардан ташқари, матбуот нутқида ўзига хос турғун иборалар ҳам кенг қўлланади: **самарали фойдаланиш, илғор анъаналарга содиқлик, қонли тўқнашув, иқтисодий тежамкорлик** кабилар. Шунингдек, баҳо муносабатини ифodalовчи муносиб, оғишмай, фидокорона, улкан, буюк, устивор, доҳиёна, дўстона, қувончли, ватандош, қаҳрамонона, мардона, юмуш, мавқе, ғайрат-шижоат, осойишталик, марра, ягона оила, шарафли, жозибали, ром қилмоқ, бол, шўхчан, ғолиблар, сермазмун, намоянда, гулдаста, зукко, шифокор беллашмоқ, зиёкор, ҳомийлик, жасорат, мустаҳкам, ҳаёт синови, истиқбол уфқлари; ижодкор ёшлар, муҳташам, улуғвор, зафар қучмоқ, букилмас, толмас, баркамол, кўҳна каби сўзлар, бирикмалар ва уларга зид ўлароқ, қотиллик, текинхўрлик, жиноятчилик, текин томоқ, талон-тарож, эскили

сарқитлари, ишёқмаслик, дангасалик, дардисарлик, ялқовлик, бачканалик, сиполик, муттаҳамлик, ҳақсизлик, ношукурлик каби салбий муносабатларни ифодаловчи сўзлар ҳам кўп қўлланади.

Матбуот нутқида, айниқса янги ясалмалар, калькалар, ноанъанавий ясалишлар кўп қўлланади: беш йиллик, ўн йиллик, ҳафталик, сандиночи, ижарачи, сунъий тола, сунъий йўлдош, суғориш каналлари, ер ўлчагич, фахрийлар уюшмаси, банк варақаси, қўшма тадбиркорлик, мухтор район, импортбон, кенг қамровли, табиатни муҳофаза қилиш, ҳорижий шерик, шартномавий, тракторсозлар, уйсозлар кабилар.

Матбуот нутқида -лик аффикси воситасида ясалган мавҳум тушунчалар, -чилик аффикси воситасида ясалган соҳалар номлари ҳам жуда кенг қўлланади: пахтачилик сабзавотчилик, чорвачилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, муросасозлик, маҳаллийчилик, инсонийлик, оғмачилик, фаоллик, журъатсизлик кабилар.

Матбуот нутқи синтаксиси ҳам ўзига хосдир:

Унда тўлиқсиз гапларнинг алоҳида кўринишлари, бир бош бўлакли гапларнинг алоҳида турлари кўп қўлланилади: Сарлавҳаларнинг тузилиши ҳам ўзига хос тарзда ана шундай гаплардан бўлади: **Хитой мўъжизаси; Венгрияга жўнатилди; Ҳайрия учун 3.4 миллион сўм: Урган, қўлла, кенг ёй! Тинчлигимиз — меҳнатдан; Бобур уй-музейида; Янги шароитда; Ягона оила фарзандларимиз; Юбилейга атаб; Секретарнинг иш кунлари; Оролни қутқариш-умумхалқ иши; Байрамингиз қутлуғ бўлсин, опа-сингиллар! каби.**

Шунингдек, матбуот нутқида уюшиқ бўлакли гаплар, ажратилган бўлакли гаплар, ундов, сўроқ ва шахси умумлашган гаплар кенг қўлланади. Юқоридаги матнларга эътибор беринг.

Хуллас, матбуот нутқи ўз вазифасининг кенг қамровлилигидан келиб чиққан ҳолда, имкониятларининг ниҳоятда кенглиги, адабий тилнинг барча имкониятларидан фойдалана олиши, бошқа барча нутқ кўринишларини ўзида мужассам этганлиги, тезкорлиги, ҳозиржавоблиги ва адабий тил тараққиётига жиддий таъсир кўрсата олишлиги каби кўп хусусиятлари билан ажралиб туради.

БАДИИЙ УСЛУБ (НУТҚ)

Бадий услуб ҳам жуда кенг қамровлидир, чунки бадий нутқнинг ўзи учун характерли бўлган барча воситалардан ташқари яна бошқа нутқ кўринишлари учун хос бўлган воси-

таларни ҳам қамраб олади. Бироқ шунн ҳам айтиш керакки, публицистик услуб қанчалик кенг қамровли бўлмасин, унда тилнинг бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш нисбатан чекланган бўлади. Асосан матбуот саҳифаларида эълон қилинган бадий асарлардагина бундай воситалардан фойдаланганлик кузатилади. Демак, публицистик услубда, том маънодаги матбуот нутқида тилнинг бадий тасвир воситалари чекланган доирада, шартли равишда ишлатилади. Аксинча, бадий асарларда, умуман, бадий нутқда асосан тилнинг бадий тасвир воситалари ишлатилган бўлиб, бошқа услубларга хос хусусиятлар маълум мақсад билан, чекланган миқдорда, шартли ишлатилади. Масалан, асар қаҳрамонлари гапиртирилганда, улар жонли сўзлашув нутқидан фойдаланадилар, шеваларида сўзлайдилар. Маълум ҳужжатлар, бошқа иш қоғозлари, мактублар, ёзишмалар ҳам шартли равишда маълум мақсад билан келтирилади. Айрим бадий асарларда ҳатто, жиддий илмий-тадқиқотлардан парчалар келтирилиши ҳам мумкин.

Бадий услубда луғавий бирликлар, грамматик кўрсаткичлар, гап турларини қўллаш чекланмагандир. Жумладан, унинг жанр хусусиятлари билан боғлиқ равишда тарихий (эскирган) сўзлар, архаик сўзлар ва шакллар, ҳатто ўзлашмаган бегона сўзларни ҳам қўллаш мумкин («Домовая книга бош саҳифасин» — Ғ. Гулом). Бундан ташқари бадий нутқда адабий тил меъёрларидан чекинишлар ҳам юз беради. Ана шулар кўрсатадики, бадий тил тушунчаси адабий тил тушунчасидан кенг, ундан четга чиқиш хусусиятига эга. Бадий нутқ ҳам адабий нутқнинг таркибий қисмига кирса ҳам, унинг бир кўриниши бўлса ҳам, унинг меъёрларидан маълум мақсадларга кўра чекиниши билан жиддий фарқ қилади.

Тўғри, бадий тасвир воситалари бошқа услубларда ҳам ишлатилади. Бироқ бадий услубда улар асосий омил ҳисобланади. Худди шунингдек, луғавий бирликларнинг ишлатилиши бошқа услубларда ҳам чекланмаган. Аммо фарқ шундаки, бадий услубда одатда китобий сўзлар, тасвирийликни таъминловчи сўзлар кўпроқ ишлатилади, Айниқса, бадий услуб кўринишларидан бири бўлган поэтик нутқда кўтаринкиликни таъминловчи сўзлар, оҳангни таъминлайдиган грамматик шакллар кенг қўлланилади.

Маълумки, бадий нутқнинг учта алоҳида-алоҳида кўринишлари мавжуд: насрий нутқ, поэтик нутқ ва драматик нутқ. Булар ичида поэтик нутқ тилнинг бадий тасвир во-

ситаларидан фойдаланишнинг энг юксак намунаси ҳисобланади:

Дейман: саҳар шафақдан
Учқунми, лоласанму,
Шодлик майига тўлган
Гулгун пиёласанму?
Дейди: қизиқ саволинг,
Қайда ажаб, хаёлинг,
Еллар кўриб бу ҳолинг
Кулмоқда: боласанму?

(Эркин Воҳидов)

Бу шеърдаги шафақ, май, гулгун, қайда сўзлари тўла маънода поэтик нутқ учун хосланиб қолгандир.

Парчадаги лоласанму, пиёласанму, боласанму сўзларидаги -му сўроқ юкламаси ҳам ҳозирги адабий меъёрдаги -ми ўрнида қўлланган ва бадийлик учун хизмат қилган (поэтикликни таъминлаган, оҳангдорлик, ҳазил-мутойибани кучайтирган, самимийликни ифодалаш учун ҳам қўлланган...

Тун билан йиғлайди булбул
Гунча ҳажри доғида.
Кўз ёши шабнам бўлиб
Қолмиш унинг япроғида
Севги саҳросида қолмиш
Неча Мажнундан губор,
Неча Фарҳод гарди ётгай
Бистуннинг тоғида
Гунчадек чеҳрамга Эркин
Жон фидо этгай санам,
Қатра қонидин гул унсин
То муҳаббат боғида.

(Э. Воҳидов)

Бу байтларда ишлатилган булбул, гунча, ҳажр, доғида, шабнам, япроғида, севги саҳроси, неча, губор, гард, бистун, чеҳра, жон фидо, санам, қатра, гул унсин, муҳаббат боғи сўз ва сўз бирикмалари асосан поэтик нутқ учун хослангандир. Парчадаги қолмиш, ётгай, этгай, қонидин сўзларида -миш, -гай ва -дин шакллари, маълумки, тарихий шакллар бўлиб, поэтик нутққа хосланган ва ҳозирги кунда ҳам бадийликни таъминлаш учун хизмат қилади.

Эркин Воҳидовнинг «Масал борким...», «Бошиндадур» шеърларини кўриб чиққанимизда, уларда учраган қуйидаги сўз ва бирикмалар, қўшимчалар асосан поэтик нутққа хосланиб қолганлиги билан ажралиб туради: **васл, моҳ, жунун,**

шоҳ, ўкинч, ошуби, падар, не ажаб, чун, ўгли онинг, ёшинда дур, ул, наймисол, анинг, нечун, ёқосин, чок этиб, неки, эрди, огоҳ, асири ишқ, чоҳ, париваш, паришонҳол, кўнгил мулки, аҳлга, юз ҳайрат, эмди, уммид, дебон, ўглин, ардоқлаб, суйиб, ҳамон кабилар. Бошқа шаърларида чашма, ўтру, кўзгу, зоҳир ўлгай, хуршид жамол, ёғдусида, сарчашма, ишқ офтоби, афлон, наргис, кўксим, мумкин, сунбулинг, субҳи байга, шоми савдо, торож, шуълаафшон, шабистон, уммон, жодуларингга, зулф, нўшханд, мужгон, чароғ, сийна, ораз каби минглаб ана шундай тарихий, поэтик нутққа хосланиб қолган сўзларни учратамизки, улар бошқа нутқ кўринишларида учрамайди. Бадий нутқнинг ҳам, асосан поэтик шакли учун хосдир.

Аффиксларнинг тарихий шакллари: **-ур, -дин, -гай, -миш, -му, -дур, -мен** (паришонмен), **-ғай, -ғи** (ҳайронлиғи) кабилар ҳам шу нутқ кўринишига хосдир. Булардан ташқари сўзларни турли товуш ўзгаришларида қўллашнинг тасвирий восита вазифасини бажариши ана шу шеърий нутқда учрайди.

Доимо дедим, бўлма

Ошно паришонлик (ошно)

Ошикор этар доим (ошкор)

Дилрабо паришонлик...

(Э. Воҳидов)

Шеъриятда лекин сўзи **лек**, билан сўзи **-ила, -ла** шаклларида, у, бу, шу, ўша олмошлари ўшал, ул, бул, шул каби тарихий шаклларида, **бўл** сўзи қисқариб ўл шаклида, **-моқ** аффикси **-мак** (ўкинмак) тарзида ҳам қўлланилаверади. Бундай қўлланишлар жуда кўп ва ранг-барангдир. Уларни ҳар бир шоир ижодидан кўплаб келтириш мумкин. Бадий услубнинг насрий кўринишида ҳам бадий тасвир воситалари ниҳоятда кенг қўлланилади. Бу нутқ кўринишида, айниқса, фразеологик иборалар, мақоллар, ўхшатишнинг ўзига хос (яширинмаган) кўринишлари кўп қўлланади.

Ўхшатишнинг асослари ўз ифодасини топганлари, айниқса, ўхшатиш қўшимчалари ва кўмакчилари (-дек, -дай; ўхшаш, худди, гўё, мисли, сингари, каби, янглиғ, бамисоли) иштирок этганлари насрий нутқда кўп учрайди.

Умуман олганда, бадий нутқда ҳар бир сўз ҳам одатда фикрни таъсирчан, образли қилиб ифодалашга хизмат қилиши шарт. Шунинг учун ҳам метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобелилик, эпитет, ўхшатиш, кесатиш (ирония), муболаға, кичрайтириш, жонлантириш; антитеза,

историк сўроқ, боғловчисизлик ва кўп боғловчилилик, эллипсис, такрор (бадий такрор) каби тилнинг тасвирий воситаларидан жуда унумли фойдаланилади.

Қуйидаги парчаларга эътибор беринг:

«Отабек Марғилон келганининг иккинчи куни пойафзал бозорида бўлган эди. Аср номозининг вақти ўтиб борганликдан у шундаги дўкондорларнинг бирисидан таҳорат олиш учун сув сўради. Кўчадаги сув ариқининг тегидан саёз оқар, шунинг учун ундан фойдаланиш қулай эмас эди. Дўкондор унга сувнинг қулай ўрнини кўрсатди: «Мана, шу бурчакдаги дарбозадан ичкарига кирсангиз, ариқнинг юза жойини топиб таҳорат олурсиз!»— деди. Отабек дўкондорнинг кўрсатишича қутидорнинг ташқарисига кирди. Шу вақт тасодифан нима юмиш биландир меҳмонхонадан чиқиб келувчи фариштага кўзи тушди. Кумуш ҳам ариқ ёқасига келиб тўхтаган чингилни йигитга беихтиёр қараб қолди. Ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий, иккиси ҳам бир-бирисидан бирмунча вақт кўз ололмадилар. Охирда Кумуш нимадандир чўчигандек бўлди, енгилгина бир ҳаракат билан ўзини ичкари йўлак томонга бурди. Бу бурилишдан унинг орқа-ўнгини тутиб ётган қирқ кокиллари тўлқинландилар. Кумуш ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитга яна бир қараб қўйди ва қарашда унга енгилгина бир табассум ҳам ҳадя қилди... Кумуш ичкарига кириб кўздан ғойиб бўлди, лекин Отабек яна бир неча дақиқа ерга михлангандек қотиб турди... Охирда кўзини катта очиб ўтган дақиқада учрашгани ҳаёлий гўзални истаб ҳаёллади. Бироқ, ҳақиқат бошқача эди. Таҳорат олмоқ учун ариқ бўйига ўтирди, аммо кўзи ҳаёл яширинган йўлакда эди. Таҳоратланиб бўлди, яна кўзини ўша тарафдан ўзолмади. Артиниб олгандан кейин яна оёқ устида тўхтаб қолди. Яширинган гўзал иккинчи қайта кўринмади, эҳтимолки, Отабекни ипсиз боғлаб, ўзи қайси бурчакдан бўлса ҳам асирини томоша қилар эди.

Кўп кутди, аср номозини қазо қилиб, куч билан қутидор уйдан чиқди ва шу дақиқадан бошлаб унда муҳаббат можароси туғилган эдиким, бу ёғи ўқувчимизга маълумдир. Кумушбинининг юқорида «Сиз ўшами?» деб сўраши шунга биноан бўлиб, аммо унга масаланинг англашилмай қолиши ва чин бахтини билъакс кутиб олиниши қизиқ эди. Шундай қилиб икки ёшнинг биринчи ҳам соф муҳаббатлари қовушиш билан натижаланди». (А. Қодирий «Ўтган кунлар» 62—63 бетлар).

* * *

«Туробжон эшикдан ҳовлиқиб кирар экан, қалами янги гининг энги зулфинга илиниб тирсаккача йиртилди. Унинг шашти қайтди. Жўхори туяётган хотини унинг қўлидаги тугунчани кўриб, келисопни келининг устига қўя чопди. Қола лапанглаб ағанади, чала туйилган жўхори ерга тўкилди.

Туробжон тугунчани орқасига бекитиб, тегишди:

— Акажон, дегин!

— Акажон! **Жо-он** ака!

— Нима берасан?

— Умримнинг ярмини бераман!..

Туробжон тугунчани берди. Хотини шу ернинг ўзида, эшик олдида ўтириб тугунчани очди-да, бирдан бўшашиб кетди ва секин бошини кўтариб эрига қаради. Ўз қилмишига гердайиб турган Туробжон унинг кўзини жиққа ёш кўриб?

— Нима эканини билдингми?— деди.— Асаларининг уяси! Турган-битгани асал! Мана, мана, сиқсанг асал оқади. Буниси оқ мум, ҳаром эмас-шимса ҳам бўлади, чайнаса ҳам бўлади.

Хотин энгини тишлаб бир нуқтага қараганича қолди.

— Ё, қудратингдан, ишонмайди-я!— деди Туробжон келтирган матоини титкилаб.— Мана, чайнаб кўр! Кўргин, бўлмаса иннайкейин дегин...

Туробжон қизарди. У бир замон бетоб ўртоғини йўқлаб элтган тарвузини, бемаза чиққан бўлса керак, сигирнинг охурида кўриб шундай хижолат бўлган эди.

Ҳовли юзида айланиб юрган оқсоқ мушук тўкилган жўхорини искаб кўрди, маъқул бўлмади шекилли, Туробжонга қараб шикоятмуз «мау» деди.

— Тур, жўхорингга қара! Уни кўр, мушук тегди.

Хотин тураётиб баралла йиғлаб юборди.

— Бу ер ютқур қандай бало экан!.. Одамлардай гулу тага, тузга, кесакка бошқоронғи бўлсам-чи!..

(А. Қаҳҳор «Анор»).

Ҳар иккала ёзувчининг асарларидан бундай парчаларни кўплаб келтириш мумкин. Иккала парча ҳам насрий нутққа тегишли бўлса-да, бир-биридан фарқ қилади. Олдинги матнда тасвир жуда кенг, кейинги матнда эса жуда сиқик берилган. Иккинчидан, биринчи матннинг тили жуда ширадор, ёқимли, нозик, маълум даражада маданиятга эга бўлган кишилар ҳати-ҳаракатларини ифодалайди.

Отабек билан Қумуш бир-бирига бирор оғиз гап айтмайдилар. Улар ўртасидаги бор ҳолат, ўзгаришлар, кечинмалар, кайфиятлар — ҳамма-ҳаммаси тасвир орқали очилади. Ҳар

бир сўз, ҳар бир ибора, ҳар бир қўшимча, ҳар бир гап ўзига хос тарзда вазифа бажарган. Бу вазифа у ёки бу тушунчани, у ёки бу ҳаракатни ёки белгини ифодалашдангина иборат эмас, балки ҳар бир ҳолатга, тушунча, ҳаракатга ёзувчининг муносабатини ифодалаган: Меҳмонхонадан чиқиб келувчи **фариштага кўзи тушди**. Бу ўринда меҳмонхона сўзи ишлатилган. Унинг ўрнида уйдан, ичкари ҳовлидан сўзларини ҳам ишлатиш мумкин эди. Бироқ ёзувчи бундай қилмади. Чунки меҳмонхона Марғилонда, умуман Фарғона водийсида ташқарида, ташқари ҳовлининг алоҳида бир томонида бўлади. Бу ўринда Кумушнинг ўша ташқари ҳовлига бирор юмуш билан чиққанлиги, ҳақиқатан тасодиф юз берганлигига ишонтириш каби ҳолатлар ўз ифодасини топган. **Қутидорнинг ташқарисига кирди** гапида ҳам ўзига хос қўллаш бор: Аслида Қутидорнинг ташқарисига эмас, **Қутидор ҳовлисининг** ташқари қисмига кирди шаклида бўлиши керак эди. Аммо ёзувчи буни қисқартириб **ҳовли, қисм** сўзларини ташлаб кетган ва уларнинг вазифасини ҳам **қутидорнинг ташқариси** бирикмасига юклаган. Бу билан ҳам қисқаликка, ҳам жозибдорликка, таъсирчанликка эришган. Абдулла Қодирий гўзал **бир қиз** иборасини ишлатса ҳам ўқувчи хафа бўлмас эди. Бироқ бу тақдирда, у қиз бошқа гўзал қизларга ўхшаб қолар, шулардан биттаси, ҳаётда учрайдигани бўлиб чиқар эди. Ёзувчи тасвирлаётган қиз эса у гўзал қизларга тенг эмас, улардан сал-пал юқори даражада ҳам эмас. У гўзалгина ҳам эмас. У Оллоҳ алоҳида яратган, Оллоҳ дийдоридан баҳраманд бўлган, унга етишган, фақат унгагина хизмат қилиши мумкин бўлган, осмон учун мўлжалланган, бу дунё учун хос бўлмаган ва бу оламда учрамайдиган алоҳида қиздир. Албатта бу таърифларнинг ҳаммаси ҳам камлик қиляпти. Тасвирлаш учун сўзлар, гаплар ожизлик қиляпти. Бироқ ўзбек тилида ана шу чала таърифларни ҳам тўлдириб туриб ифодалайдиган сўз бор. Бу сўз **фаришта** сўзидир. А. Қодирий ана шу **фаришта** сўзини қўллаш билан бу моҳи пайкарнинг (чала таъриф) бутун хусусиятини тўла таърифлаб берди. Демак, Кумуш бу гўзал оламнинг энг гўзал қизларидан ҳам анча юқори даражададир. У — абадий дунё гўзали. Оллоҳ мурувватига лойиқ бўлган гўзалдир.

Сўзни бу даражада танлаб қўллаш, унга жиддий вазифа юклаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Айрим ёзувчиларда фариштага ўхшатиш учрайди (фаришта мисол, фариштадек... кабилар), бироқ улардаги таъриф, ўз-ўзидан, старли эмаслиги билинади. Яъни ўхшайди-ю, ўзи эмас-да,

чиқиб келгувчи фариштага кўзи тушди жумласида эса, ўхшатиш шу даражада қиёмига етганки, нарса ўхшатилаётган нарсага тенг, унинг ўзидир. Демак, бунда фақат ўхшовчи ифодаланган, холос. Бу санъат эса истиорадир. (Ўхшовчи ўхшатилишни ҳам ўз ичига олгандир. (А. Рустамов, А. Навойнинг бадий маҳорати, Т., 1979, 70-бет).

Бадий нутқ эса ана шулар асосида юзага келади.

Матнда **чингилин сўзининг, беихтиёр қараб қолди, ихтиёрий эмас, ғайри ихтиёрий, бир-бирисидан** (аслида бир-биридан деса ҳам бўлади), **нимадандир чўчигандек** (бу ўринда одамдан, йигитдан эмас, аслида оқибатдан, бировнинг кўзи тушишидан.), **енгилгина, орқа-ўнгини, тутиб ётган, қирқ кокиллари, тўлқинландилар** каби сўзлар ва бирикмаларнинг ҳар бири тушунчаларни ифодалаш билан бирга, бошқа маъноларни, энг асосийси эса сўзловчининг ана шу нарсалар ҳодисалар, ҳолатларга муносабатини ифодалаган. Чунончи **қирқ кокиллари тўлқинландилар** жумласига эътибор берайлик. Биринчидан, **қирқ кокиллари** сочининг кўплигига, майини, узунлигига, ярашганлиги ва уни Кумушнинг алоҳида парвариш қилишига ишорани ҳам билдирса, иккинчидан, **тўлқинландилар** сўзи ана шу сочининг ҳам Отабек кўнглига гулгула солганлиги, ўзига тортганлиги, Отабекнинг ундан завқланганлиги, маҳлиё бўлганлиги ҳамда унга ниҳоятда ҳурмат билан, ажойиб бир, қизларга хос, уларнинг гўзаллигини тўқис қилиб турувчи нарса сифатида қараётганлигини кўрсатибди. Айниқса, **тўлқинланди, сўзига** -лар аффиксининг қўшилиб айтилиши (маълумки, -лар аффиксининг жонсиз предметларнинг ҳаракатини ифодалашда қўлланиши ғайри табиийдир) маълум мақсад билан боғлиқдир: Отабекнинг ҳурмати, эҳтиросини ифодалашга хизмат қилган бўлиши мумкин дир.

Ичкарига қараб чопар экан, йўл устидан ариқ бўйида қотиб турган йигитга яна бир қараб қўйди ва бу қарашда унга енгилгина табассум ҳадя қилди... Бу жумлада жуда катта мазмун ўз ифодасини топган: Аввало, Кумуш қизиқсиниб қолди, кўнглини узолмаяпти, йигит унга ёққан, у ҳам Кумушнинг юрагига гулгула солиб бўлган. Ноиложликдан уйга кириб кетмоқчи. Бироқ, бари бир, қалб амри бунга йўл қўймапти. Ана шу ёшдаги қизларга хос «юрақдан урдириш»ни охирига етказмоқчи, бу меҳмонга бирор совғаҳадя этмоқчи, ноумид чиқариб юбормоқчи эмас. Шунинг учун, кейинроқда **ипсиз боғлаб** ибораси қўлланган ва бу ибора ўз маъносидан узоқлашган ҳолда ижобий маънода қўллангандир.

Матндаги хаёл яширинган йўлак, хаёлланди, куч билан оёқ устида, асирини томоша қилар эди, -яширинган гўзал, муҳаббат можароси, эдиким, Кумушбиби, шунга биноан бўлиб, билъакс кутиб олиниси, натижаланди, сўз ва сўз бирикмаларига ҳам ана шундай вазифалар юкланганки, буни ўқувчимиз яхшилаб таҳлил қилиши мумкин.

Кейинги матида учраган: «Қалами яктагининг енги зулфинга илиниб тирсақкача йиртилди гапи ҳам чуқур бадий ифодаларга: энг аввало, шундаёқ, Туробжоннинг камбағал эканлиги, бу нарса унинг учун кутилмаган, ёмон бир оқибат бўлганлиги (камбағал одам учун сабабсиз яктақнинг йиртилиши ёмон, шунинг билан бирга, шу ерда, шу ҳолатда йиртилиши ёмонлик, кўнгилсизликнинг аломати, бошланиши бўлиши мумкин), «Хурсанд бўлиб шошилма, бари бир кўнглини ололмайсан, мунча ҳовлиқасан, ўзингни босиб ол, хурсандчиликка осонликча етиб бўлмайди»,— деган гапларга ишора эканлиги билан ажралиб турипти.

А. Қаҳҳор енги йиртилди деб қўя қолса ҳам бўлар эди. Аммо у тирсақкача йиртилди деб аниқлик киритади ва бу билан йиртилишининг оқибати анча қийин, эканини бўрттириб кўрсатади (албатта, камбағал учун). Худди шу жумланинг ўзидан «Туробжон бунга қайғуриши мумкин эди, қайғуради ҳам, бироқ ҳозирги ҳолатда у бунга барибир парво қилмайди. Унинг хаёли хотинини тезроқ, озгина бўлса ҳам хурсанд қилиш билан банд, кўзига ҳеч нарса кўринмайди, бу асосий нарса ҳам эмас...» деган фикрлар қуйилиб келадики, бу фақат А. Қаҳҳор қўлидан келади.

Матндаги келисонни келининг устига қўя чопди. (кели, келисон фарғона қишлоқ шеваларига хос) гапининг мазмуни ундан ҳам чуқурроқ, чунки аёл киши (иш билан банд бўлганда) агар шу нарсага, умуман бирор бир кутган марсасига жуда муҳтож бўлмаса, бутун умиди шу билан боғланиб қолмаган бўлса, қўя чопмайди...

«Туробжон тугунчани орқасига бектиб, тегишди:

— Акажон, дегин!

— Акажон! Жо-он ака!

— Нима берасан?

— Умримнинг ярмини бераман!...»

Ана, бу икки камбағалнинг тилло-кумушлари, ресторани ҳам, бардари ҳам, базмлари ҳам, шоҳона саройлари, ажойиб кийим-кечаклари, машиналари, барча майшатлари, ҳаётда кўрган ёруғ кунлари, бахтлари ҳамма-ҳаммаси ўша. Улар ана шу ҳазил-мутойиба, ана шу самимийлик, соддалик,

беғуборлик, саҳийлик, қаноат, хурсандчилик эгалари. Уларнинг шу вазиятдаги хурсандчиликлари ҳамма нарсадан қиммат... Ярим умрга тенг... Хотини акажон эмас, жоон акажон чунки у тугунда анор бор деб умид қилаяпти) дейишга ҳам тайёр. Ахир, эри кутган нарсадан ҳам кўп нарсани ҳади этишга тайёр. У жуда саҳий. Ахир, эри уни хурсанд қилман деб, шунчалик хурсанд. Хотинининг озгина хурсанд бўлиши унинг учун бир олам бахт...

Ана шундай фикрларнинг ҳаммаси юқоридаги 5 та қисқа жумлада берилган. Бу ҳали етарли эмас. Бу ўринда ана шу сўзларга яна бошқа вазифалар ҳам юкланган бўлиши мумкин. Аммо буни ва яна кейинги жумлаларда баён қилинган фикрларни чуқур таҳлил қилиб бериш учун бир неча ўнлаб бет қоғозларни қора қилиш мумкин. Мана, бадий нутқнинг кучи, қудрати. Мана, унинг таъсир этиш вазифасини бажариши. Ёзувчи буларнинг ҳаммасига ўзбек тилининг бадий тасвир воситаларидан: ҳар бир сўз, унинг маънолари, товушлари, ҳар бир аффикс ва унинг ана шундай хусусиятлари, ҳар бир гап, ибора ва уларнинг тасвирийликни ифодалашдаги ўрнини, имкониятларини билган ҳолда, улардан фойдаланган тақдирдагина эришади. Тил бирликлари имкониятларига бефарқ қараган одам адиб бўлолмайди, санъат асари ярата олмайди.

Демак, бадий нутқнинг ўзига хос асосий хусусияти унда тилнинг бадий тасвир воситаларидан имкони борича тўла фойдаланиш мумкинлигидир. Ёзувчининг инсон маънавий ҳаётига таъсир этишни мақсад қилиб қўйганлигидир. Бу нарса поэтик нутққа ҳам, насрий ва драматик нутқларга ҳам тегишли бўлиб, тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланишда ҳар бир бадий нутқ кўриниши ўзига хос имкониятларга эга. Масалан, ўхшатиш, истиора ҳам поэтик нутқда, ҳам насрий нутқда, ҳам драматик нутқда қўлланади ва ўз вазифасини бажаради. Бироқ поэтик нутқда истиора кўп қўллангани ҳолда, ўхшатишнинг турли шакллари ва яна мисли, гўё янглиғ воситалари билан ифодаланганлари кўпроқ қўлланса, насрий ва драматик нутқда -дек, -дай, ўхшаб, каби, худди, бамисоли каби воситалар орқали ифодаланиши кўп ишлатилади. Шунингдек, тасвирий воситалардан ҳисобланган такрорнинг сўз, сўз бирикмаси, товушлар такрори каби кўринишлари поэтик нутқда кенг қўлланса, гап такрори, кесим такрори каби кўринишлари насрий ва, айниқса, драматик нутқ учун характерлидир.

Мисолларга эътибор беринг:

«Тонг яқин, тонг яқин, оппоқ тонг яқин» (Ғ. Ғулом);

Уйда, оилада, далада, қирда

Оппоқ пахта битган серунум ерда» (Ҳ. Олимжон)

Бунда булбул китоб ўқийди,

Бунда қуртлар ипак тўқийди.

Бунда ари келтиради бол,

Бунда қушлар топади иқбол.

Бунда қорнинг тағларида қиш,

Баҳор учун сўйлайди олқиш.

(Ҳ. Олимжон).

— Уша асалнинг пулига анор ҳам берар эди.

— **Берар эди!**— деди Туробжон заҳарханда қилиб.

— Анор олмай, асал олдим!

— **Албатта берар эди!** Албатта анор олмай, асал олган-

сиз! А. Қаҳҳор. «Анор»).

Ўзгантда... Шаҳ! Ҳимм... Ўзгантда... Йўқ, йўқ, очмас...

Ўзгантда нима қилади?— деди Саидий...

— Нима қилади у, Ўзгантда?

(А. Қаҳҳор. «Сароб»).

Биринчи мисолда такрор таъкидлаш, кучайтириш маъносини ифодалаган. Бу мақсадда шоир **тонг яқин** иборасини ўзгаришсиз икки марта ва янада бўрттириш (таъкидни бўрттириш) учун олдида **оппоқ** сўзини келтириб (эпитетдан фойдаланиб), яна такрорлайди ва мақсадига эришади.

Ҳ. Олимжондан олинган биринчи мисолда ана шундай мақсадда сўз охиридаги **-да** қўшимчаси такрорланади. Кейинги мисолда эса, ҳам оҳанг, ҳам таъкидни қиёмига етказиш мақсадида **бунда** сўзи беш марта такрорланади. Шу билан бирга, бу такрор шеърга ўйноқилик ҳам бахш этгандир.

Насрий матнлардаги кейинги такрорларда ҳам асосан таъкидлаш ўз ифодасини топган бўлиб, **Ўзгантда... Ўзгантда... Ўз...гантда** такрори ўйлаётганлик, таажжуб, ҳайратланиш, шу билан бирга, бепарволикни ҳам ифодалаган. Бироқ қаҳрамон бирдан ўйининг охирига етади, такрорлаб туриб сўнг тушуниб қолади ва бирдан ваҳимага тушади. Ана шу ваҳимага тушганлик эса — **Ўзгантда нима қилади?** гапидаги сўзларнинг ўрнини алмаштириб қўллаб такрорлаш орқали баён қилинади: Нима қилади у, Ўзгантда? (бу ўринда у олмошининг орттирилиши эса таъкидлаш учун хизмат қилгандир).

Иброҳим бей. Ҳа, танидим, танидим, худога шукур, яхшиман. Хон.

... Қачонгача ўлдираман бунларни! Ортуқ ҳеч кимнинг менга ишончи қолмади... Бунларнинг

ташласа, нима бўлур! Йўқ.. йўқ. Бунларнинг ўзи йўлга келиб, менга душманлик қилмоқни,

(Фитрат. «Абулфайзхон»)

Ушбу мисоллар, кўриниб турибдики, драматик нутққа хосдир. Бадий такрор бу нутқ кўринишида ҳам асосан насрий нутқдаги каби, яъни у билан умумийликка эгадир.

Хуллас, бадий нутқда такрордан фойдаланиш жуда кенг қўлланса ҳам, поэтик нутқда унинг турли-туман кўринишларидан фойдаланилса, насрий нутқда айрим кўринишларидангина (сўз ва гап такрорларидан) фойдаланилади. Бадий нутқда такрор асосан таъкид, кучайтириш, таъкидни бўртириш учун хизмат қилади.

Шу ўринда бадий такрор ва грамматик такрор ҳақида икки оғиз сўз: бадий такрор — тасвирий восита ва у юқорида айтганимиздек, таъкид ва кучайтириш маъносини ифодалайди. Асосий маъно эса ўзгартирилмайди: Асосан, воқеа-ҳодисага, фикрга инсон муносабатини ифодалайди. Грамматик такрор эса (гапириб-гапириб чарчади) асосан кўплікни ифодалайди: машина-машина гарвуз туширдик; йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди каби. Қиёсланг: йиғлаб ухлаб қолди — йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолди каби. Шуни айтиш керакки, бу ҳолатда ҳам, иккинчи даражали ҳолатда бўлса-да, инсон муносабати ҳам ифодаланган бўлади.

Грамматик такрорда такрорланувчи сўзлар орасига чизиқча қўйилса, бадий такрорда вергул ёки бошқа тиниш белгилари ишлатилади: яхши, яхши, гапиринг, гапиринг дедим, гапирасизми? Ҳе, гапир! каби.

Бадий нутқда бир вақтнинг ўзида бир неча санъатлардан, бир неча тасвирий воситалардан ҳам бир йўла фойдаланиш мумкин:

Оразин ёпғоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.

(А. Навоий).

Ушбу икки мисрани диққат билан кузатадиган бўлсак: а) юз қуёшга, кўз ёшлари юлдузларга, юзнинг ёпилиши қуёш ботишига, юлдузларнинг осмоннинг ҳамма жойларида пайдо бўлиши кўз косасининг ҳамма жойида (жиққа ёшга тўлган ҳолатга) ёш кўринган ҳолатга ўхшатилаганини (оддий кузатув, зоҳирий ўхшатиш) кўрамыз. Қисқаси, шоир ўхшатиш санъатидан яхши фойдаланган; б) шоир қопловчи инверсиядан ва ички инверсиядан ўринли фойдаланган: биринчи мисрада иккита содда гап бўлиб, улар эргаш гапли қўшма гапни

ташкил этган. Биринчиси эргаш гап (пайт эргаш гап), иккинчиси, бош гапдир (кўзимдин сочилулур ҳар лаҳза ёш); Иккинчи мисрада ҳам шикита содда гап бўлиб, улар ҳам эргаш гапли қўшма гапни шакллантирган: биринчиси бош гап, иккинчиси эргаш гапдир.

Шоир биринчи қўшма гапда олдин эргаш гапни ва сўнгра бош гапни келтирган бўлса, иккинчи қўшма гапда аввал бош гапни (пайдо бўлулур юлдуз), сўнгра эргаш гапни келтирган. Бошқача айтганда, эргаш гапли қўшма гаплардаги содда гапларнинг ўрнини алмаштириб қўллаган ва қопловчи инверсияни вужудга келтирган. Шу билан бирга, биринчи мисрада эргаш гап таркибидаги кесимни ўз ўрнида қолдириб, бош гапдаги кесимни эгадан (ёш) олдин келтирган; кейинги мисрада эса ҳам эргаш гапдаги, ҳам бош гапдаги эга-кесимлар ўрнини алмаштирган ва ички инверсияни юзага келтирган; в) биринчи мисрадаги эргаш гап ва бош гаплар жойлашувини иккинчи мисрадаги бош ва эргаш гап жойлашувига зид тарзда олган ва бу билан антитеза (тазод) санъатини юзага келтирган (тўғрироғи, тазоднинг ана шу кўринишидан яхши фойдаланган): г) шоир муболаға ва жонлантириш санъатларидан (тасвирий воситаларида) ҳам ўринли фойдаланган. Албатта, бу мисраларда бадий тасвир воситаларининг бошқа кўринишларидан ҳам фойдаланилганлиги кўриниб турибди. Бироқ, асосан юқорида кўрсатилганлар етакчи аҳамият касб этган ва бадийликни ана шулар таъминлагандир.

Шундай қилиб, тилнинг тасвирий воситаларидан фойдаланиш нутқ кўринишлари доирасида фарқ қилади.

Илмий ва расмий ҳужжатлар нутқида бу воситалардан деярли фойдаланилмайди; жонли сўзлашуу ва матбуот нутқида ҳам улардан бемалол фойдаланиш мумкин (Матбуот услубида қўлланиши ҳам анча чегараланган бўлади). Бадий нутқида эса булардан фойдаланмаслик ҳечам мумкин эмас. Бу воситаларсиз бадий нутқнинг ўзи йўқ нарсадир.

Адабиётшунос Иззат Султоновнинг қуйидаги фикри ҳам бунга яққол тасдиқлаб турибди:

«Адабий асарнинг мазмуни, ундаги ғоянинг олижаноблиги, тасвир этилган одамлар ва ҳодисаларнинг гўзаллиги ёки хунуклиги — ҳаммаси ўқувчига асарнинг тили орқали етади. Шу сабабли тил соҳасидаги маҳорат ёзувчи қобилиятининг энг ёрқин аломатидир».

(«Адабиёт назарияси», 197-бет).

Қўшимча равишда қуйидаги адабиётларни кўриб чиқиш-

ни ҳам тавсия этамиз:

1. Р. Қўнғуров. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. Тош., «Фан», 1977 й.

2. Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев. Нутқ маданияти ва услубият асослари, Тош., «Ўқитувчи», 1992 й.

3. А. Шомақсудов, И. Расулов, Р. Қўнғуров, Ҳ. Рустамов. Ўзбек тили стилистикаси, Тош., «Ўқитувчи», 1983 й.

4. А. Рустамов. Навоийнинг бадий маҳорати, Тош., Ф. Ғулом нашриёти, 1979 й.

5. П. Қодиров. Халқ тили ва реалистик проза, Тош., Ф. Ғулом нашриёти, 1973 йил ва бошқалар.

ГРАММАТИК СТИЛИСТИКА ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ.

Стилистиканинг тилда тутган ўрни беқиёс бўлиб, бу ҳақда жумладан, машҳур тилшунос олим Р. А. Будагов ўзининг «Адабий тил ва стиллар» (М., 1967 й.) китобида «Стилистика ҳар бир ривожланган тилнинг жонидир»,— дейди. Бу фикрни давом эттириб А. В. Степанов ўзининг «Стилистика асослари» (М., 1976 й.) китобида «Филология фанининг энг юқори чўққиси стилистикадир»,— деган эди.

Тўғри, бу фикрда бироз муболаға бор. Бироқ, ҳақиқатан ҳам, стилистика меъёрларни шакллантириш машҳур тилшунос олим Г. О. Винокур таъкидлаганидек, нутқ маданиятининг ўз олдиға қўйган асосий мақсади ва унинг энг юқори поғонасидир. Чунки стилистик меъёрларни яхши билмасдан, уларни мукамал эгалламасдан туриб, нутқ маданиятига, маданий нутққа эришиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам, Е. С. Истрина «Рус адабий тилининг нормаси ва нутқ маданияти» (М.—Л., 1984 й.) китобида бу ҳақда: «Грамматик меъёрларни яхши билиш, умуман, нутқда фикрни энг юқори савияда баён этиш имкониятини вужудга келтиради»,— дейди.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар бир сўзни ўйлаб, танлаб, уларнинг ҳар бир маъносига, маъно қирраларига яхши эътибор қилиб, ўринли ишлатиш ҳақида жуда кўплаб халқ мақоллари, ҳикматлари мавжуд. Бу ҳақда қадимги давр файласуфи Аристотелнинг «Поэтика» ва ўзбек классик шоири Алишер Навоийнинг «Маҳбул-ул-қулуб» асарларида ҳам қимматли фикрлар айтилган.

Тилда ҳар бир сўзни, грамматик формани, ҳар бир синтактик қурилмани ўз ўрнида, яъни шу сўз, шу грамматик шакл ёки синтактик қурилма (гап) ишлатилаётган вазиятни

(тингловчи савияси, уларнинг ҳолати кабилар) ҳисобга олган ҳолда тўғри қўллаш, уларнинг шу вазиятга энг мос тушадиганини танлаб, нутқ жараёнида улардан унумли фойдаланиш, энг ихчам ва фикрни лўнда ифодалайдиганини, энг содда ва ҳаммага тушунарлисини ишлатиш нутқнинг равонлигини, тушунарлилигини, аниқлигини таъминлайди, уни ғализликлардан холос этади. Сўзларни, грамматик шаклларни бепарқ қўллаш, вазиятга мос тушмайдиган гапларни беихтиёр, назоратсиз айтиб юбориш, бўлар-бўлмасга у ёки бу сўздан ёки грамматик шакллардан фойдаланавериш, умуман, уларни ортиқча қўллаш, ўринли-ўринсиз такрорлайвериш нутқни бачкана қилади, фикрни хиралаштиради, унинг таъсирчанлигига путур етказади. Шунинг учун ҳам, Л. Н. Толстой: «Агар мен шоҳ бўлганимда, сўзларни ортиқча ишлатган, ўринсиз қўллаган шоир ёзувчиларни умуман ёзишдан маҳрум қилар эдим», — деяр экан, тамомила ҳақлидир.

Маълумки, услубият-фикрни ифодалаш йўллари, тил воситаларини — материалларини тўғри танлай билиш ҳақидаги таълимот-услублар илми бўлиб, тилнинг вазифаларига мос равишда бир неча кўринишларга эга: сўзлашув услуби, китобий услуб, илмий-оммабоп услуб, расмий, публицистик ва бадий услуб кабилар.

Худди шу нарсани услубиятнинг таркибий қисмига кирувчи грамматик стилистика учун ҳам айтиш мумкин.

Грамматиканинг морфология ва синтаксис номлари остида икки қисмга ажратилиши ҳолати грамматик стилистикада ҳам сақланади ва у морфологик стилистика, синтактик стилистика типда икки кўринишда бўлади.

Грамматик стилистика у ёки бу грамматик элементнинг имкониятларини унинг маълум бир нутқ услуби билан уйғунлашиб қолишини, қўшимча маъно қирраларини, шунингдек, шу грамматик элементларнинг қўлланишдаги тасвирлай олиш (ифодалай олиш) имкониятларини, худди шундай маънони ифодаловчи бошқа, уларга параллел бўлган грамматик воситалар билан муносабатини (фарқ қилувчи ва умумий томонларини) ўрганади. Гап, масалан, А. Қаҳҳорнинг маълум бир грамматик шаклни кўп ёки оз ишлатганида эмас, балки унинг ана шу шаклга қандай услубий вазифа юклаганида, матнда ундан нима мақсадда ва қандай фойдаланганидадир.

Грамматика сўзнинг, шакл ёки синтактик қурилманинг луғавий ва грамматик маъноларини ўрганса, грамматик стилистика уларнинг қўшимча-экспрессив маъноларини, вазии-

фавий хусусиятларини ўрганади.

Тўғри, грамматика билан шуғулланувчиларнинг ҳам, стилистика билан шуғулланувчиларнинг ҳам текшириш объектлари аслида битта, бироқ ҳар иккаласи уни ҳар хил томондан текширади, уларни ҳар хил жиҳатдан баҳолайди. Грамматика билан стилистика биргаликда фақат грамматик шаклларнинг нимани ифодалашинигина эмас, балки қандай ифодаланишини ҳам ўрганади.

Грамматик стилистиканинг бир қисми бўлган морфологик стилистика ҳар бир грамматик шаклнинг, сўз ясовчи воситалар ва ҳар хил бошқа шаклларнинг стилистик хусусиятларини ўрганади. Ўзбек тилшунослигида, айниқса, Р. Қўнғуровнинг қатор ишлари, жумладан унинг «Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари» (Т., «Фан» нашриёти, 1980.), «Стилистика имени существительного в узбекском языке» (Т., 1983 й.) китоблари, М. Содиқованинг «Феъл стилистикаси» китоби (Т., 1975 й.) катта аҳамиятга эгадир. «Ўзбек тили стилистикаси» (Т., 1983 й.) китобининг вужудга келиши ҳам бу борадаги катта ютуқдир.

Ўзбек тилида аффикслар доирасидаги маънодошлик (синонимия) ҳодисаси ҳам кенг тарқалган: **шу сабабли**||**шу сабабдан**; студентлардан бири||студентларнинг бири; отга минди||отни минди; олиб келишни буюрди||Олиб келишга буюрди; савлатли||савлатдор||басавлат||савлатманд||серсавлат; давлатли||давлатдор||сердавлат||бадавлат||давлатманд; ғайратли||серғайрат||**ғайратчан** каби.

Хуллас, ўзбек тили эргаш морфемаларининг семантик-стилистик хусусиятларини ўрганиш кейинги пайтларда анча жонланди, морфологик стилистикага эътибор кучайди.

Ўзбек тилида сўз ясовчи ва грамматик маъно ифодаловчи жуда кўп аффикслар ўз вариантларига эга ёки бир-бири билан ўзаро синонимик муносабатда бўлади. Масалан, жўналиш келишиги кўрсаткичи **-га** ҳозирги тилимизда **-жа**, **-қа** вариантларида учраса, эски ўзбек тилида **-ға** (борарға, қилурға, сўрарға) типда учрайди. Феълларда орттирма даража ифодаловчи **-гиз кўрсаткичи -киз, -ғиз, -қиз; -каз, -газ, -ғаз** ва, ҳатто, баъзан **-кар** (ўткар, еткар) вариантларида учрайди. Бундан ташқари, бир келишик қўшимчаси ўрнида иккинчи келишик қўшимчаси қўлланади ва икки хил синтактик қурилма ҳосил қилади. Бу ҳодиса, ҳозирда морфологик стилистиканинг текшириш объекти сифатида қаралмоқда. Ҳар ҳолда, ўзбек тилида **шу сабабли**||**шу сабабдан**; **студентлардан бири**||студентларнинг бири типдаги қўлланишларда

гўё -ли аффикси билан -дан аффикси ёки -дан аффикси билан -нинг аффикси синоним сифатида қўлланаётган бўлса ҳам, бошқача айтганда, гап гўё -дан, -ли ва -нинг аффиксларининг стилистик хусусиятлари ҳақида бораётган бўлса ҳам, аслида бундай ҳолатлар синтактик стилистиканинг текшириш объекти бўлиши керак. Чунки улар фақат шундай синтактик қурилмалар, шундай қуршовлардагина шу ҳолатда ишлатилади: бу ўринда бирикмалар яхлит ҳолида бир-бири билан муносабатларда бўлади. Қуйидаги ҳолатларда ҳам шу ҳодисани кузатиш мумкин: **Пул бериб дафтар, қалам олиб** келишга буюрди (келишни буюрди); **Барча керакли адабиётларни кўриб чиқишга** [чиқишни тавсия қиламан; **Салимнинг қулоғини**] [қулоғидан **чўзиб ўзига қаратди** каби. Баъзан бундай қурилмаларда синтактик шакл ўрнида аналитик шаклни ишлатиш ҳоллари ҳам учрайди: **Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга ур; Пичоқ билан ўзингни ур... Ўз қарашларини гапирди**] [ўз қарашлари ҳақида гапирди; **Ҳар ким ўз дардини гапирди**] [ҳар ким ўз дарди тўғрисида гапирди каби.

Маълумки, бундай қурилмаларнинг ҳар бири стилистик жиҳатдан бир-бирдан фарқ қилади ва синтактик стилистика буларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда имкониятларини талқин қилиб бериши, ҳар бирининг қайси нутқ услубига хосланганлигини ажратиб бериши лозим. Жумладан, синтактик шакл иштирок этган ҳолатлар жонли сўзлашув нутқи учун хосланган бўлиб, аналитик шакл иштирок этган ҳолатлар публицистик расмий нутқ услубларига хослангандир.

Тилимизда баъзан айрим грамматик шакл плеонастик (қўш) қўлланади. Бундай қўллаш нутқда ортиқчаликни вужудга келтириши, нутқ равонлигига путур етказиши, фикрни хиралаштириши, бачканалаштириши мумкин: **тойчоқчагинам, кичкинагина, солиниб бўлинди, ичилиб қўйилди, то мактабгача, Шаҳрисабз шаҳри, Янгиқишлоқ қишлоғи, бир калима сўз, ўн йиллар ўтди. 6 та ўғил-қизларим бор, ҳар бир далилларни, қора тоғ тоғи каби** қўлланишларда грамматик шакллар ёки айрим сўзларнинг ўринсиз, мақсадсиз қўлланиши натижасида ана шундай ҳол юз берганини кузатамиз: **кичкинагина** типигади қўллашларда **-гина, солиниб бўлинди** қўлланишидаги **-ин, ичилиб қўйилди** типигади қўлланишларда олдинги сўздаги **-ил, то мактабгача** қўлланишида то элементи (бунда баъзан кучайтириш ифодаланиш мумкин, ана шундай вақтда **то** элементининг ишлатилиши ўзини оқлайди), кейинги бирикмаларда **тоғи, шаҳри, қишлоғи, калима сўзлари, ўн йиллар ўтди, олтита ўғил-қизларим бор, ҳар бир далил-**

ларни бирикмаларида -лар аффикси ортиқча ишлатилган ва нутқда ғализлик туғдирган.

Ҳар бир далилларни бирикмасида **ҳар бир** белгилаш олмошининг ишлатилиши **-лар** аффиксининг қўлланишига йўл қўймайди ва аксинча. Чунки **ҳар бир** олмоши миқдорни чегаралаб, умумдан ажратишни, яккаликни билдиради, яъни кўпдан бирни ажратади, **-лар** аффикси эса кўплик кўрсаткичи. Шунинг учун **ҳар бир** олмоши ишлатилган ўринда **-лар** аффикси ва **-лар** ишлатилган ўринда **ҳар бир** олмошини ишлатиш ўзини оқламайди.

Бироқ, шуни ҳам айтиш керакки, грамматик шакл ёки бошқа воситаларни плеонастик қўллаш ҳамма вақт ҳам нутқда ортиқчалик туғдиравермайди. Баъзан, жуда ўринли, тушунган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзда тутиб шундай қилинса, нутқни равон қилади, фикрни аниқ, лўнда, бор нозикликлари билан ифодалашга ёрдам беради, нутқ таъсирчанлигини оширади, маънони кучайтиради, бўрттиради: Улуғ айём кунлари, шунда йил туз-намак бўлдик, беш панжасини оғзига тикиди; айтганини қилмай қўймайди; биз ўзимиз айтиб қўямиз типигаги қўлланишларда ана шу ҳолни кузатамиз, Тўғри, намак, калима, айём, панж сўзлари форс-тожик тилларида сўз, кун, туз, беш сўзларига тўғри келади. Бироқ ўзбек тилида улар, биринчидан, бошқа маънода қўлланиши мумкин бўлса, иккинчидан, кучайтирувчи восита вазифасини бажарувчи сифатида ишлатилиши мумкин. Жумладан, **улуғ айём кунлари** бирикмасида **айём** сўзи кун маъносида қўлланган эмас, у маълум бир санани ифодалаган, беш панжасини бирикмасида **панжа** сўзи бармоқ маъносида, **бир калима сўз** бирикмасида **калима** сўзи **сўз** сўзининг аниқловчиси бўлиб келган ва ақлли, фикрли, лўнда сўзлари маъносида қўлланган: тез-намак қўлланишида эса ўзбек тилида, оғзаки нутқда кўп учрайдиган нон-пон, чой-пой типигаги ҳолатни кузатамиз. Бундан ташқари, бу қўлланишда **туз-намак**нинг ибора ҳолига келиб қолгани кўзга ташланади ва у бирга турдик, бирга бўлдик бирикмалари ифодалаган маънони англатади. Худди шу бирикмада улардан биттасини қўллаш ҳеч мумкин эмас.

Охириги мисолда эса инкор формасининг (-ма) иккала сўзда ҳам иштирок этиши тасдиқ маъносини анча кучайтириб, бўрттириб баён қилишни таъминлаган. Демак, икки инкорнинг қўлланиши тасдиқни ифодалашга маълум бўлгани ҳолда, бундай қўллашнинг ўша тасдиқ маъносини бўрттириб ифодалашини стилистик жиҳатдан чуқур асослаш ҳам керак

экан.

Қиёсланг: айтганини қилади; айтганини албатта қилади; айтганини қилмай қўймайди. Охирги жумлада бўрттириш олдинги ҳолатлардагига нисбатан анча кучли. Иккинчидан, бундай қўллаш оғзаки нутқ учун характерли ва у, ҳатто характер яратиш хусусиятига ҳам эга. Шахснинг қайсарлик характериға эга эканлиги худди шу қўлланишда яққол кўзга ташланади. Олдинги ҳолатларда шахснинг айтган гапининг уддасидан чиқувчи шахс эканлигигина кузатилса, кейинги ҳолатда унинг қайсарлиги намоён бўлади. Демак, қўллашдаги мақсаднинг кўламига эътибор берган ҳолдагина у ёки бу плеонастик қўллашнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини белгилаш мумкин.

Қуйидаги мисолға ҳам эътибор қилайлик: Бирлари мўлтонинамо хийлағар, бирларидир гавсифату, гавда хар (Муқимий). Бу мисолдаги **бирлари** сўзи таркибидаги -лар аффикси гўё ортиқчадек. Чунки бир сонидан кейин кўпликни билдирувчи -лар кўрсаткичи, одатда ишлатилмайди. Бироқ шоир бу ўринда ундан стилистик мақсадда жуда ўринли фойдаланган (-лар аффиксини кинояни ифодалаш учун, унга янги вазифа юклаб ишлатган). Шунингдек, нутқимизда (асосан оғзаки нутқда) **келинглар** ўрнида **келингизлар**, **ҳорманглар** ўрнида **ҳормангизлар** типиде қўллашлар учрайди. Бундай ўринларда ҳам -лар ва -из кўрсаткичларини плеонастик тарзда қўллаш ўзини оқлайди. Чунки бунда ҳурмат маъноси бироз бўрттириб берилган, сўзловчининг субъектив муносабати, ҳолати, ҳатто хурсандлиги, самимийлиги, ҳеч бўлмаганда, ўзини шундай қилиб кўрсатмоқчи бўлганлиги ёки, қолаверса, ўзини ширинсухан қилиб кўрсатмоқчилиги ифодаланган бўлади. Бундай қўллашнинг энг яхши намуналарини А. Қодирий ва Чўлпон ижодидан кўплаб келтириш мумкин: Қушбеги кўтарилиниб олди ва кўзлари бир оз каттароқ очилди,— Келишдилар, тақсир, кирсинларми? Ўғил ўстириш бу турда бўлмас: у тиласин-тиламасин шартта-шартта тиланингизча қилингизда, қараб тура берингиз, Отабек уни ортиқча бир эътибор билан эшитар эди, сархушчасига:

— Сўзлай берингиз!— деди. Уйингиз орқасида қилган адабсизликларим, хунхўрликларим учун мени кечирингиз... («Ўтган кунлар»).

Келтирилган мисолларда ишлатилган **қилингиз**-да сўзлай берингиз, кечирингиз сўзларидаги -из кўрсаткичига аслида эҳтиёж йўқдек. Чунки ҳурмат маъноси кечиринг, сўзланг, қилинг сўзларидаги -инг аффикси воситасида ифода-

ланган. Ёзувчи эса ўша ҳурматни янада бўрттириш учун бу форма кетидан яна -из кўрсаткичини қўллаган ва ўз кўнглини ўз муносабатини янада аниқроқ ифодалаган. Олдинги мисолдаги кўтарилиниброқ олди қўлланишини кўтарилиб олди ёки кўтарилиброқ олди типида ҳам қўллаш мумкин эди. Бироқ ҳаракатнинг ўзига хослиги (астойдиллик ёки эринганлик билан бажариш) ёзувчи кўнглидагидек ифодаланмай қолиши мумкин эди. Кўтарилиниб типида қўллаш орқали, яъни, ҳам мажҳул даража шаклини, ҳам ўзлик даража шаклини ёнма-ён қўллаб, ана шу ҳаракатни аниқ ифодалаган, ўз мақсадига эришган.

Ўзбек тилида, умуман олганда, -лар аффикси турли-туман маъноларни ифодалаб келади. **Бошларим оғриди. Самарқандларга олиб бордим, Шунчалар куттирасизми?** тарзидаги қўлланишларда ҳам буни кузатиш мумкин.

Грамматик стилистикада айрим грамматик шаклларнинг ўрнини алмаштириб қўллашнинг ўзига хос томонлари борлиги кенг ўрганилиши керак. Адабий меъёрга ҳар бир кўрсаткичнинг ўзак-негизларга қўшилишидаги ўрни қатъий белгиланган. Аммо маълум бир стилистик мақсадни кўзда тутган ҳолда уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин: Қалбимни сен кўзимданми англадинг (Ойбек); Осмондаги булутларнинг хўмрайишиданми қўрқдингиз (Ойбек); борингларборларинг, кетинглар-кетларинг; борганми эди — борган эдими, айтиб эдимми — айтибми эдим; даданг уйдаларми — даданг уйдадилар; айтмабмидим-айтмаб эдимми (оғзаки нутқда).

Келтирилган мисолларга диққат қилсак, биринчи икки гапда -ми юкламаси аслида, адабий меъёрга кўра, англадинг ва қўрқдингиз сўзларига қўшилиб келиши керак эди: англадингми, қўрқдингизми типида. Аммо ёзувчи бу шаклни олдинги сўзга қўшади ва бу билан ўзига хос экспрессивлик ҳосил қилади, таъсирчанлигини оширади, нутққа поэтиклик ато этади. Кейинги мисолларда -инг ва -лар аффиксларининг ўрнини алмаштириш ҳурмат ёки ҳурматсизлик маъноларини ифодалашга хизмат қилган бўлса, борганми эди — борган эдими типидаги қўлланишларда яна маънони кучайтириш, нутққа экспрессивлик ато этиш, таъкидлаш, жонлилик, жўнлик, тасвирийлик ўз ифодасини топган. Чунки борганми эди типида қўллаш асосан оғзаки нутққа хос бўлиб, оғзаки нутқ жонли сўзлашув нутқи ёзувчи П. Қодиров тўғри таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам, нутққа жон бағишлайди (П. Қодиров, «Халқ тили ва реалистик проза», Т., 1973 й.).

Кўриниб турибдики, ҳозирги ўзбек тилшунослигида грамматик шакллар стилистикасини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Грамматик шакллارни ўз ўрнида тўғри ва мақсадга мувофиқ қўллаш, улардан ўринли фойдаланиш нутқимизнинг таъсир кучини оширади, уни ҳар хил ғализликлардан халос этади. Бу жиҳатдан профессор С. И. Ибрагимовнинг қуйидаги фикри ибратлидир: «Нутқ маданияти сўзловчидан аффиксларни тўғри ишлата билиш меъёрига қатъий амал қилишни талаб қилади. Уларни ноўрин қўллашдан сақланиш керак («Нутқ маданиятига оид масалалар», Т., 1973 й.).

Нутқда бир хилликдан қочиш, таъсирчанликни таъминлаш, нутққа экспрессив-стилистик бўёқ бериш, ҳар бир услубнинг ўзига хослигига эътибор бериш ва уни таъминлаш, грамматик синонимлардан тўғри фойдаланишга ўргатиш ҳам стилистиканинг диққат марказида бўлсагина амалга ошади.

Хуллас: 1. «Ўзбек тилшунослигида умуман грамматик стилистика масалалари бўйича кейинги пайтларда анчагина кўзга кўринарли ишлар қилинаётганлиги, бу соҳада кўпгина тилшунос олимларнинг жиддий ишлаётганлиги кузатилади. 2. Грамматик шакллар стилистикаси-морфологик стилистика борасида қилинаётган ишлар ҳали талаб даражасида эмас. Чунки қилинаётган ишлар бармоқ билан санарли ва Р. Қўнгуоровнинг «Субъектив баҳо формаларининг семантик-стилистик хусусиятлари» номли жиддий монографик ишини мустасно қилганда, грамматик шаклларнинг семантик-стилистик хусусиятларини ўрганиш анча бўш ва суст аҳволдир (кўпгина ишларда йўл-йўлакай тўхталиб ўтиш билан чекланилган). Шунга кўра, бу соҳада қилиниши керак бўлган масалалар ўз тадқиқотчисини кутиб турганлиги кўзга ташланади.

3. Ўзбек тилида учрайдиган шу сабабли — шу сабабдан типидagi ёки кўриб чиқишга — кўриб чиқишни буюрди, типидagi синтаксис билан морфология оралигидаги грамматик стилистика кўринишларини чегаралаш ва уларнинг стилистик хусусиятларини чуқур ўрганиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси эканлиги кузатилади.

4. Тилимизда ишлатилаётган грамматик шакллар плеоназми ҳодисаси, умуман плеоназм, бир жиҳатдан олганда, Н. Маҳкамов тўғри таъкидлаганидек («Аффиксальный и лексико-аффиксальный плеоназм в узбекском языке, АКД, Т., 1983 г.), нутқда ортиқчаликни туғдирса ҳам, агар маълум бир мақсад билан, тўғри фойдаланилса, ортиқчалик умуман

сезилмайди, аксинча, бундай қўллаш нутқ таъсирчанлигини оширади, нутқ аниқлиги, ифодалилигини таъминлайди, у тасвирий восита вазифасини бажаради. Плеоназм ҳодисасини ана шу нуқтаи назарда туриб чуқур ўрганилса, нутқ маданияти учун кўп нарса бериши мумкинлиги аён бўлади.

5. Айрим грамматик шаклларни адабий меъёрда белгиланганидан (одатдагидан) бошқачароқ қўллаш, маълум бир нутқ стилининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб қўллаш нутқнинг бузилишига олиб келмай, балки нутқнинг рангбаранглигини таъминлайди, экспрессивлигини оширади, ушундан жон ато қилади, ва, ҳатто, характер яратиш учун ҳам хизмат қилади. Аммо бундай бошқачароқ қўллаш у ёки бу услубнинг ўзига хос стилистик меъёрлари тақозо этган даражада бўлсагина ўзини оқлайди. Масалан, **қора, ора, мени** сўзларини фақат шеърятдагина қаро, аро, манго типида қўллаш, -ур, -мак каби шаклларни ҳам фақат шеърятдагина, поэтик стилдагина ишлатиш ана шундай натижа бериши мумкин.

АДАБИЙ ТИЛ МЕЪЁРЛАРИ

Тил меъерини тушуниш бўйича турли-туман фикрлар мажбурдир. Бироқ лўнда қилиб айтганда, тил меъери деганда, тил бирликларининг кўпчиликка маъқул бўлган кўринишларини тавсия этиш, қонунлаштириш тушунилади. Бошқача айтилганда, тил меъёрлари тилдаги умум томонидан қабул қилинган ва мустаҳкамланган қўлланишлар йиғиндисидир.

Келтирилган изоҳдан маълум бўладики; а) тилнинг ифода воситалари танланади; б) умум томонидан қабул қилинади ва мустаҳкамланади; в) қондалаштирилади, лугат грамматикаларда тавсия этилади; г) шу тил вакилларининг ҳаммаси учун мажбурий ҳисобланади.

1. Ифода воситаларининг танлиниши, мустаҳкамлиниши

Ҳозирги ўзбек адабий тили учун 6 та унли товуш ва 25 та ундош товуш меъёр сифатида тан олинган. Аслида эса унли товушлар ҳам, ундош товушлар ҳам кўпроқдир. Масалан, биз унли деб белгилаган **У** ва **У** фонемалари икки товушга ажралади: **нонни** иккига бўл; **Бугун** ёмғир бўлди, Ёки **Қора** ундан **нон** ёпманглар; **у**нингги **ў**чир (овозингги **ў**чир маъносида) гапларидаги **У** ва **У** фонемаларининг ҳар бири икки хил товушдан иборатдир. Шунингдек, вагон, вақт каби сўзлардаги в фонемаси лаб-тиш ундоши бўлса, **ов, у**вада,

¹ Р. Қўнғуров, Э. Бегматов, Ё. Тожиев. Ўзбек нутқи маданияти ва услубият асослари, Т., «Ўқитувчи», 1992 й.

увламоқ, ўқувчи сўзларидаги в фонемаси эса лаб-лаб ундошидир. Бироқ улар учун битта белги(в) танлангандир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Қўринадики, унлилар ҳам, ундошлар ҳам меъёрда кўрсатилгандан кўра кўпроқ бўлса-да, ҳар қалай маълум давр учун 6 та унли ва 25 та ундош меъёр ҳисобланади. Худди шунингдек, 1956-йилга қадар айрим сўзларнинг қуйидагича ёзилганини кузатамиз: дар'ё, дун'ё, ма'лум; блан, ўқучи, ўқитучи, провардида... кабилар.

Бироқ 1956-йилдан сўнг эса халқимиз олдинги иккита сўзнинг, ма'лум каби кўп сўзларнинг эса айириш белгиси билан маълум тарзида ёзилишини танлади.; **блан, провардида** каби сўзларнинг эса билан, **пировардида** шаклида ёзилиши **ўқучи** ва **ўқитучи** каби кўпгина сўзлар эса ўқувчи, ўқитувчи (яъни в ни қўшиб) шаклида ёзиш маъқул топилди.

Айрим аффиксларнинг ҳам турли хил вариантлари мавжуд. Аммо адабий тил учун уларнинг айримларигина танлангандир. Масалан, -дан, -ар, -моқ, -япти, -лик, -тир, -ғиз, -га, -ми, -илла каби аффиксларнинг тарихий -дин, -ур, -мак, -вотти, -утти(япти), -лий, -лув(борайлув), -дир, -дур, -ғиз, -қиз, -киз, -каз, -қаз, -ғаз -газ, -қоз, -ғоз, -қа, -ка, -ға, -ғо, -му, -ирла каби вариантлари бўлиб, улардан энг мақбуллари танлаб олингандир. Маълум давр учун **шоти** (нарвон) занги (узанги) сўзларидан бири адабий тил учун меъёр бўлган бўлса (нарвон), кейинги даврларда ёки, бошқа маъноларига кўра, ўша даврнинг ўзидаёқ **шоти, узанги** сўзлари ҳам меъёр бўлади.

Тарихда **у, бу, шу, ўша** каби олмошларнинг ул, бул, шул, ўшал шакллари меъёр эди. Ёки: **унинг** олмошининг **онинг** анинг (**Онингким йўқ** халқ ғамидин ғами. А. Навоий) шакллари меъёр бўлган.

Гап қолипларининг ҳам ҳар бир давр учун танланган ўз қолиплари мавжуддир. Жумладан, ўзбек тили тарихида кўпроқ содда гап, қўшма гапнинг айрим турлари ёки кўп боғловчил гаплар меъёр бўлган бўлса, кейинги давр учун (ҳозирги кунда) мураккаблашган гаплар характерлидир. Қуйидаги гапга эътибор беринг:

«Ўзбек тилшунослиги фани ҳақида гапирганимизда, Октябрь революциясидан аввал бу фаннинг йўқлигини, мадрасада, эски усул мактабларда она тили ўқитилмай, араб-форс тиллари ўқитилиб ибтидо меқунам ба номи худо деб бошлаб, маъносига етмай китоб ёдланган вақтларни; оғзимиздан чиқадиган ҳарфлар, йўғон товушлар ва ингичка товушлар,

йўғон сўзлар ва ингичка сўзлар каби ибораларни; кеча, энди каби сўзларни пайт олмоши деб, ҳеч маъносидаги сира сўзини ёрдамчи сўз деб тасвирлаган мактаб китобларини, логика билан грамматикани қориштириб, мубтадо, хабар, ҳукм; гап мучалари-гап аъзолари-гап бўлаклари каби аралаш-қуралаш термиларни ноаниқ ишлатиб, келишик, феъл даражалари, эргаш гап каби ҳодисалар ўзбек тилида борми? деганга ўхшаш сўроқлар қўйиб, бу ҳақда матбуот саҳифаларида қизгин тортишувларимизнинг қанчалик улкан эканлигини аниқ англаймиз». (Нутқ маданиятига оид масалалар, «Фан», Тошкент, 1973, 56-бет).

Бундай мураккаблашган гаплар ҳозирги давримиз учун ва яна, асосан, илмий нутқ учун меъёрдир. Бошқа нутқ кўринишлари учун эса бошқа гап қолиплари меъёр бўлади. Масалан, драматик асарлар нутқида (диалогик нутқларда), жонли сўзлашувда одатда тўлиқсиз ва бир бош бўлакли гаплар меъёрдир:

Қария. Ҳо, иним, салом йўқ, алиқ йўқ...

Ғани. Ассалом, отахон, хаёл билан...

Қария. Мунча хитсан... Отанг ўлдими?

Ғани. Акам...

Қария. Акам? Темирми? Оббо, бу миш-мишлар ростми ўхшаб қолди-ку, иним.

Ғани. Ярадор. Қасалхонада. Лекин биз учун ўлган, биз учун...

Қария. Ҳа, бундоқ, де. Шошма! Ўзинг-чи? Ўзинг тирик-мисан ишқилиб?

Ғани. Тирикман, имоним басаломат, киши молига чанг солмайман.

(«Шарқ юлдузи»)

Вотинцев. Ваҳимага солманг!

Башкин. Кўчамиз!

Вотинцев. Қаёққа?!

Башкин. Олмаотага!

(К. Яшин. «Йўлчи юлдуз»)

Эски ўзбек тили учун сенинг учун, алар, андин сўнг, қолурму, яяқ ўлчак, барурға, айтурға каби қўлланишлар хос бўлса (меъёр сифатида танланган бўлса), ҳозирги ўзбек адабий тили учун сен учун ёки сенга, улар, ундан кейин, қоладими, яёв, ўлчов, боришга, айтишга каби шакллар хос (меъёр сифатида танлангандир — А. Ғуломов).

Кўриниб турибдики, меъёр деганда, биринчи навбатда

ифода воситаларининг маълум давр учун, шунингдек, маълум нутқ қўринишлари учун, айниқса, онгли аралашиш натижаси бўлган (Гавренек) адабий тил учун танланишини назарда тутиш лозимдир. Танлаиш умумхалқ томонидан амалга оширилади; ёзувчилар, адиблар, зиёлилар, томонидан тавсия этилади. Жумладан, ўзбек тилида ҳозирги кунда **пиллакаш**, **пиллакор** сўзлари ишлатилгани ҳолда, **пиллачи** сўзи деярли ишлатилмайди. Ўзбек тилига хос **-чи** аффикси воситасида ясалган бу сўз айрим адабиётларда учрайди. Бироқ халқ уни умумистеъмом учун танламади (У жуда кам қўлланилади).

Маълум даврларда **меҳнаткаш** ва **меҳнатчи** сўзларининг тақдири ҳам шу тариқа бўлган. Яъни аввал **меҳнатчи** ишлатилган (**эзилган меҳнатчилар** — **Хамза**), кейинроқ **меҳнаткашлар** сўзи кенг қўллана бошлади (**дала меҳнаткашлари**, **гамхўрлик**, **меҳнаткашлар талаби** — газетадан).

У ёки бу тил воситалари танланар экан, демак, улар умум томонидан тан олинган бўлади. Умум томонидан тан олинган тил бирликлари (товушлар, қўшимчаларнинг вариантлари, сўзлар ва уларнинг вариантлари, гап қолиплари кабилар, сўзлар ва уларнинг вариантлари, гап қолиплари кабилар, фразеологизмлар ва бошқа бирликлар) жонли нутқда кенг қўлланади, ёзма нутқда, умуман, нутқнинг турли кўринишларида кенг тарзда ишлатилади. Бу нарса эса уларнинг тилда мустаҳкамланиши, барқарорлашишлари учун сабаб бўлади (меъёрга айланишини таъминлайди).

Баъзан тилда шундай ҳолатлар юз берадики, (бу албатта, танлаш жараёнида содир бўлади) айрим сўзларнинг тўғри асл шакллари қолиб, уларнинг айрим шева вакиллари ёки айрим шахслар томонидан ишлатилган нотўғри шакллари адабий тил учун танлаб олинади ва секин-аста ана шу нотўғри шакллар меъёр сифатида қолиб, асл-тўғри шакллар меъёр бўлолмай қолади, Жумладан, **ёмғир** (**йомғир**), **киприк**, **ёстиқ**, **пайпоқ** каби кўпгина сўзларни кузатадиган бўлсак, уларнинг асл шакллари **йомғир-йомғимир** (**ёғмир**), **киприк**, **йотси-қ пайқоп** (**қиёсланг: қўлқоп**) кўринишида бўлгандир. Худди шунингдек, тўғри, тўғрамоқ, ўрганмоқ каби сўзларнинг (ҳозирги меъёр) асл шакллари ҳам **тўрғи**, **тўрғамоқ**, **ўгранмоқ** каби кўринишларда бўлганлиги маълумдир. Бироқ танланиб, тан олиниб, мустаҳкамланиб қолганлари, юқоридаги нотўғри кўринишлардир.

Демак, умумхалқ тан олмаса, улар томонидан ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқда қўлланавериши натижасида мустаҳкамланмаса, у меъёр бўла олмайди. Яқин кунларда матбуотда

кенг қўллана бошлаган, аслида нотўғри ясалган олийгоҳ сўзининг тақдири нима бўлиши номаълумдир. Бу атама маънога эга эмас. Чунки форс-тожиқ тилидан ўзлашган ўринжой оти ясовчи -гоҳ аффикси от туркумига оид сўзлардан янги сўзлар (ўрин-жой с.лари) ясаб олади ва бунда ясама сўз маъно англатади: жанг-гоҳ-жанг бўлган жой..., сайлгоҳ-сайл бўлган ёки бўладиган жой. Аммо олийгоҳ сўзидан бундай маънони англаш қийин. Бу ўринда -гоҳ ясовчиси сифатга қўшиб юборилган. Атаманинг ихчамлиги унинг матбуотда кенг қўлланиб кетишига сабаб бўлди. Агар омма ана шу атамани танлаб (билимгоҳ, олий билимгоҳ, университет, институт, олий мактаб, олий ўқув юрти каби атамалар қаторидан), тан олиб, ишлатиб юборса, у янги бир маъно касб этиб (юқорида келтирилган сўзлар англаган тушунчани ифодалаб), меъёр сифатида қўлланиб қолиши ҳам мумкин. Қўплаб сўзлар, атамаларнинг тақдирини ана шу танлаш ҳал этади: тайёра (самолёт, учоқ); тайёрагоҳ (тайёрадаргоҳ, аэропорт, учоқгоҳ); бинт (банд); бутерброд (пахса); вулканизация (вулқонхона), майка (елак), фонетика (савтиёт), шлагбаум (говтўсин), характеристика (сажиянома, тавсифнома таърифнома — ҳозир тавсифнома кенг қўлланиб кетди) каби сўзлардан қайси бирининг танланиши ва мустаҳкамланишига боғлиқдир. Чунки сўзни, атамани тарғиб қилиш мукин, аммо уни қўллашга мажбур қилиб бўлмайди. Шунингдек, сўзни тилдан зўрлик йўли билан чиқариш ҳам ўзини оқламайди.

2. ҚОИДАЛАШТИРИЛГАНЛИК, ЛУФАТ ЁКИ ГРАММАТИКАЛАРДА ҚАЙД ЭТИЛГАНЛИК (ТАВСИЯ ЭТИЛГАНЛИК)

Умумхалқ томонидан танланган, тан олинган ва кўп қўлланиш ҳуқуқини олган тил бирликлари, ўз ҳолича пала-партиш ҳолда мавжуд бўлавермайди, яшайвермайди. Улар тил вакилларининг онгли аралашуви, келишувлари асосида тасдиқланади ва уларнинг амал қилиши имло қоидалари ёки бошқа қоидалар орқали тартибга солинади. Ўзбек тилининг фонетик, талаффуз, грамматик, сўз ясаш, сўз қўллаш каби барча меъёрлари ўзига хос қоидалар асосида белгилаб қўйилади ва бу маълум давр учун умуммажбурийлик касб этади. Ана шунинг натижасида ҳозирги ўзбек тилининг товушлар ва ҳарфлар тизмаси амал қилади. (6 та унли, 26 ундош фонема меъёр сифатида қабул қилинган). Бу нарса талабга жавоб бермай қолса, унлилар ва ундошларнинг тилда мавжуд кўринишлари англаб етилса, ҳамда уларга

хос бошқа белгилар танланса, қоидалар ҳам, меъёрлар ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, маълум бир товуш учун келишилган ҳолда **Н—Г** қўшилуви танланди. Яъни **тонг**, **сўнг**, **боринг** тарзидаги охириги товушни ифодалаш учун шу йўл тўтилди. Агар бу нарса қийинчилик туғдирса, ана шу товушни ифодалаш учун бошқа бир белгини танлаш эҳтиёжи туғилса, бу нарса алмаштирилиши, ўзгартирилиши мумкин: жумладан, кўпчиликнинг фикрича, ҳозирги кунда ана шу **Н—Г** қўшимчаси ўрнида **Н** белгисини танлаш ва қоидалаштириш маъқулдир. Чунки шундай қилинса, **тонг**, **сўнг**, **боринг** сўзларини ҳозирги баъзи «ўзбек»лар каби бузиб талаффуз қилишга чек қўямиз ва, иккинчидан, ўқувчилар орасида кўп учрайдиган бўгин кўчириш хатосини камайтирамиз.

Ўқувчилар баъзан айрим ўқитувчилар ҳам, **сингил**, **кўнгил** каби сўзларни **син-гил**, **кўн-гил** шаклларида бўгинга ажратишадик, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Бу сўзлар **си-нгил** (**Си-нгил**), **кў-нгил** (**кўнгил**) тарзида ёки **синг-лим**, **кўнг-лим** тарзида бўгинларга ажратилиши лозим (кейинги ҳолат қўшимчалар қўшилиши билан боғлиқдир); бундан ташқари, кўпгина ўқувчиларнинг иншо, баёнларида **сўнг-ги** (**сўнгги**) ва **сўнг-и**, **сўнги**) **тонг-ги** (**тонгги**) ва **тонг-и** (**тонги**) каби сўзлар фарқланмаган ҳолда ёзилади. Бундай нарсалар ёнма-ён берилгани ҳолда изоҳлаб берилса, ўқувчи уларнинг фарқини яхши англаб етади. Масалан, **сўнг** негизига бир ҳолатда сифат ясовчи **-ги** аффикси қўшилиб келади: **сўнг-ги**=сўнгги ахборот; иккинчи ҳолатда **сўнг** негизига эгалик аффикси **-и** қўшилиб келади: **сўнг-и**=сўнги=**ишнинг сўнги**. Яна қиёсланг: **тонг-ги**=**тонги**. Кўринадики, ана шу битта товушни ифодалаш учун нотўғри танланган ва қоидалаштириб қўйилган белги бир неча хил хатолар, чалкашликлар учун сабаб бўлиши мумкин, Ҳозирги кунда бу англаб етилди. Демак, танлашни ҳам, қоидани ҳам ўзгартириш лозим. Ўз-ўзидан маълум бўладики, меъёрлар ва улар учун белгиланган қоидалар ҳам ўзгарувчандир.

Маълумки, ҳар бир сўзни тўғри талаффуз қилишнинг ҳам ўз меъёрлари бор. Булар ҳам умумхалқ томонидан тан олинган, танлаш асосида шаклланган меъёрлардир. Масалан, ўзбек тилида сўз охиридаги жарангли ундошлар жарангсизлашган ҳолда талаффуз этилади. Ҳамма шунга ўрганган, шунини тан олган. Ана шунга кўра бу нарса қоидаларда ҳам ўз аксини топади. Яъни: а) «айрим сўзлар ўзбек тилида аслида бир хил талаффуз қилинса ҳам, ёзувда фарқлаб ёзиш керак»,— деб қўйилади (қуйида тўхталамиз); б) айрим сўз-

лар охиридаги жарангли ундошлар талаффузда жарангсизлашса ҳам, ёзувда жарангли ундош орқали ёзилади: мактап-мактаб, китоп-китоб, борип-бориб кабилар; в) айрим сўзлар талаффузда қандай бўлса, шундай, яъни талаффузига мос ҳолда ёзилади: боққа, тоққа каби.

Паронимлар ўзбек тилида анчагина бўлиб, уларнинг айтилиши, талаффузи ва ёзилиши масаласи анча қийинчилик туғдиради. Саводхонликнинг мукамаллашуви ана шу сўзларни яхши билиб олиш билан ҳам боғлиқдир.

Паронимлар (пароним сўзлар) ёзилиши ва маъноси бир-биридан фарқ қилувчи, айтилиши (талаффузи) бир хил сўзлардир. Бу сўзларнинг аксарияти бир-биридан битта товуш (фонемаси) билан фарқ қилади ва маънолари ҳам бутунлай бошқача, бир-бирига алоқасиздир. Демак, улар келиб чиқиши, маъноси ва ёзилишига кўра фарқ қилувчи сўзлар бўлиб, фақат товушдошлиги туфайли бир хил талаффуз қилинувчи сўзлар тарзида баҳоланади. Кўринадики, улар шаклдош сўзлар эмас, товушдош, яъни талаффузи бир хил сўзлардир. Шунга кўрагина уларни омонимлар (шаклдош сўзлар)нинг бир кўриниши (омофон-айтилиши бир хил, ёзилиши бошқа-бошқа бўлган сўзлар=боб-боп каби) сифатида қаралади: асил (ажойиб), асл (таги-зоти), фақир (камбағал), пақир (челак), аҳл (меҳнат аҳли), аҳил (иттифоқ), афзал (аъло, яхши), абзал (асбоб, эгар-жабдуқ), аср (ўзинчи аср), асир (тутқун), амр (буйруқ), амир (бошлиқ), адип (ижодкор), адип (кўрпанинг адипи-буклаб қўйилган ўрни...), суръат (тезлик), сурат (расм), шеър (ижод маҳсули), шер (ҳайвон), хил-хил (ранг-баранг), ҳил-ҳил (роса, тоза-ҳил-ҳил пишмоқ), азм (журъат, қарор қилмоқ) азим (катта, улуг), қисим (сиқим маъносида), қисм (асосий қисм) кабилар. Бундай сўзлар ҳозирги ўзбек тилида анчагина бўлиб, «Ўзбек тилининг паронимлар луғати»да ўз ифодасини топгандир (Т., «Ўқитувчи» нашриёти, 1983 й.). Шунини ҳам айтиш керакки, паронимларни ёзувда фарқлай билмаслик қўпол хатоларнинг келиб чиқиши учун сабаб бўлади.

Жумладан лаҳм ва лаҳим сўзларини фарқламаслик ана шундай қўпол хатога олиб келиши мумкин: «Метросозлар лаҳм қазииш ишларини кенг кўламда бошлаб юбордилар» («Сов. Ўзбекистони»). Бу гапда лаҳим (чуқурлик—ер ости—«Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 430 бет) сўзи ўрнида лаҳм (суяксиз, юмшоқ гўшт, гўшт; ўша луғат, 430 бет) сўзи қўлланган ва бутунлай бошқа фикр келиб чиққан: тушунчалар бошқа-бошқа бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам, паронимлар-

нийг ёзилиши ва маъноси жиҳатларидан бошқа-бошқа сўзлар эканлигини эътибордан чиқармаслик керак. Улар фақат товушдош бўлганликлари туфайли (одатда сўзлардаги бир неча товуш-биттадан бошқаси бир хил бўлади) оғзақи нутқда бир хил талаффуз қилинади. Бу эса ўз навбатида аския санъатида жуда қўл келади, қочириқлар, сўз ўйинлари ҳам баъзан ана шулар орқали ўз ифодасини топиши мумкин: **Амрингизга мунтазирман; Амирингизга мунтазирман** гапларига эътибор беринг: биринчи гапдан «буйруғингизга мунтазирман», деган маъно, иккинчи гапдан «Сизнинг подшоҳингизга мунтазирман» деган маъно англашилади. Ана шу икки алоҳида-алоҳида сўзни бир хил талаффуз қилиш орқали (одатда жўрттага, мақсад билан) сўз ўйини қилинади: буйруғингизга эмас, бошлиғингизга мунтазирман, мен сизни эмас, бошлиғингизни кутяпман... каби қизиқ-қизиқ маънолар ифодаланиши мумкин.

Ёзма нутқда уларни фарқламаслик эса юқорида таъкидланганидек, қўпол хатоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Паронимларни, албатта, вариант сўзлардан, шакллардан ҳам фарқлаш керак. Умуман олганда, товушдош сўзлар, шаклларнинг ҳаммаси паронимлар сифатида баҳоланиб юборилади. Тўғри, фақат бир жиҳатдан, товушдошлиги билан улар бир-бирига ўхшайди. Масалан, **шабада-шабода-шаббода; ишонмоқ-инсонмоқ, овал-аввал, товуш-довуш, андоза-андаза, келавер-келабер, ямон-ёмон** кабилар. Булар ҳам, кўриниб турибдики, бир товуши билан фарқ қилади. Аммо бу фарқ сўзнинг туб маъносини ўзгартирмайди-сўзларнинг бири-биридан туб маъносига кўра фарқлигини таъминламайди. Улардаги товуш ўзгариши, товуш жиҳатдан бошқачалик, одатда, атайлаб бўлади. Баъзилари эса шу сўзнинг адабий тилда ва шевада икки хил айтилиши орқали юзага келади. Яна айримлари эса тарихий шакл билан ҳозирги шаклнинг фарқланиб қолиши натижасида юзага келади: **инсонмоқ**-тарихий шакл (поэтик шакл ҳам), **ишонмоқ**-ҳозирги шакл. Жумладан, шабада сўзи поэзияда **шабода** шаклида (оҳанг ёки бошқа талабларга кўра, шунингдек, маълум бир мақсад билан) қўлланиши, агар кучайтириш зарур бўлиб қолса, ҳатто **шаббодалар** шаклида ҳам қўлланиши мумкин; **келавер-келабер, ямон-ёмон** қўлланишларида ҳам худди шу каби ҳолат кўзда тутилади. Бунда ана шу нарса-ҳодисаларга инсон муносабати ифодаланади. Демак, бундай қўллашларнинг бир қисми (шабада-шаббода..., келабер-келавер) бадий тас-

вир учун ҳам хизмат қилади, бир қисми эса шевачилик билан боғлиқ: **товуш-довуш-довиш; дўппи-тўппи;** дала-тала (андижон шевасида) **оввал-аввал, базор-бозор бозар** кабилар. Буларни паронимла дан фарқлаш лозим: Паронимлар айтилиши ўхшаш бўлиб қолган, аммо ёзилиши ва маъноси жиҳатларидан бир-биридан тубдан фарқ қилиб турувчи сўзлар бўлса, **шабада-шаббода** сўзлари айтилиши фарқланувчи, аммо асосан бир туб маънони—бир тушунчани ифодаловчи, фақат баъзан маъно қирраларига кўра фарқланувчи вариантлардир—бир сўзнинг, турли сабабларга кўра, турли шаклда қўлланишидир. Паронимлар турли-турли сўзлар, туб маъноси, англлатган тушунчасига кўра фарқланувчи сўзлардир.

Вариантлар бир сўзнинг турли шакллардаги кўринишлари ёки бир тушунчани ифодаловчи турли шакллардир. Уларни ҳам синонимлардан, ҳам паронимлардан фарқлаш лозим. Паронимлардан фарқини юқорида кўриб ўтдик. Синонимлар билан вариантлар ўртасидаги фарқ шундаки, синонимларда турли сўзлар айрим маъноларига кўра тенг келиб қолувчи, бошқа маъноларига кўра эса фарқланиб турувчи сўзлар бўлса (бошқа бирликлар ҳам), вариантлар бир сўзнинг турли шаклланиши, шунингдек, бир тушунча ифодалаш учун икки ва ундан ортиқ сўздан фойдаланишидир.

Масалан: **гўзал ва чиройли** синонимлари бошқа-бошқа сўзлар, улар маъно жиҳатдан ҳам, қўлланишига кўра ҳам фарқ қилади, уларнинг келиб чиқиши, ясаишлари ҳам бошқа. Аммо маълум маъноларига кўра тенгдир. **Чиройли** сўзида масалан, 2 та маъно бўлса (1. юз бичими келишган, гўзал, ҳусндор; 2. маънавий жиҳатдан мақбул ёқимли, матлуб-изоҳли луғат, 472-бет), гўзал сўзида, ўзбек тилида асосан битта маъно (хушрўй, гулчеҳра — Изоҳли луғат 201 бет) бор. Шунга кўра: **Бугун жуда чиройли ҳаво бўлди** (оғз. нутқда) дейиш мумкин бўлгани ҳолда (бу ўринда чиройли сўзи иккинчи маъносида қўлланган — ёқимли), **Бугун жуда гўзал ҳаво бўлди** тарзида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлмайди. Кўринадики, синонимларда айрим маъноларнинг тенг келиб қолиши уларни ҳодиса сифатида бирлаштириш, баҳолаш учун асос бўлади. Вариантлар эса бир тушунчаки, асосан, туб маънони ифодалайди. Улар маъносига, тушунча ифодаланишига кўра фарқланмайди, воқеликка инсоннинг муносабатини ифодалашга кўра фарқ қилади. **Аввал-оввал** кўринишлари-бир сўзнинг турли шакли, турлича айтилиши, холос. Фақат **аввал-адабий** кўриниши, **оввал-жонли** сўзлашув ёки шевага хос кўринишидир. **Шабада-адабий** кўриниш, **ша-**

бода, шаббода поэтик кўринишидир. **Келабер-адабий кўри-ниш, келавер-жонли сўзлашувдаги кўриниш, товуш-адабий, довуш-шева, жонли сўзлашув кўринишидир. Шабада, шабо-да, шаббода** сўзлари услублараро хосланишига кўра фарқ қилади. Чунки **а** нинг **о** товушига алмаштирилиши, чўзиқ-лиги, шунингдек, **б** нинг икккилантирилиши тасвирийлик учун хизмат қилгандир. **Келабер** ва **келавер, айтабер** ва **ай-тавер** каби вариантларда ҳам ана шундай хосланиш содир бўлган (бири расмий, китобий нутққа, иккинчиси жонли сўзлашув нутқига хосланган). Лекин бадий тасвир воситаси сифатида ҳам қўлланиши мумкин. Луғавий вариантлар икки хил кўринишда бўлади: 1) бир сўзнинг маълум товуш ўзга-ришлари билан фарқланувчи кўриниши: **товуш-дovuш-довиш; гадо-гадой, подшо-подшоҳ, тоҳир-тойир-тоир, шоҳи-шойи, эҳ-сон-эсон, қашлағич-қашловуч** кабилар; 2) бир тушунчани ифодалаш учун икки тилга онд иккита ёки кўпроқ сўзларнинг ишлатилиши-тенг, бирга қўлланиш (параллелизмлик): автор-муаллиф, жумҳурият-республика, идеология-мафкура, революция-инқилоб, география-жуғрофия, химия-кимё, фалсафа-философия кабилар. Шунини айтиш керакки, кейинги ҳолат ўткинчидир. Ана шу сўзлардан бири тўла танлаб олингунга қадар, ёки улар маъноларига кўра бир-бирларидан фарқла-ниб кетгунларига қадар вариант сифатида (бири иккинчиси-нинг варианты) қўлланаверади. Бироқ танлаб олингандан сўнг ёки маънолари фарқланиб кетса, улар вариантликдан чиқади: **оға-ақа, ока, дам-дим, йой-йоз, тош-таш, суз-сиз** кабиларда ана шундай маъно фарқланиши содир бўла бош-лаган. Худди шунингдек, маълум бир даврда **жумҳурият** сўзи танланди, сўнг эса **республика** сўзи танланди; маълум даврда ҳар иккласи ҳам қўллана бошлади; ҳозирги кунда иккаласидан биттасини танлаш жараёни кетяпти. Бундай вариантларнинг тилда қўлланиши меъёрлаштирилган. Маса-лан, шеърий нутқда кўп ҳолларда **гадо** сўзи ишлатилса, жон-ли сўзлашувда **гадой** сўзи, китобий нутқда, расмий нутқ кабиларда **подшоҳ** шакли ишлатилса, жонли сўзлашувда **подшо** шакли ишлатилади; илмий услубда **шоҳи** (рўмол) сўзи, жонли сўзлашувда **шойи** сўзи ишлатаверилади.

Худди шунингдек, **Муҳаммад, Тошмуҳаммад** каби кўплаб исмларнинг ҳам **Мамат, Тошмамат, Тошмат** каби вариант-лари бор бўлиб, нутқда бу исмларни тўла айтиш ёки ёзиш ҳурматни ифодалаш учун ҳам хизмат қилади. Расмий, кито-бий, илмий услубларда киши номлари тўла ёзилгани ҳолда, жонли сўзлашувда улар ана шундай қисқартирилган вариант-

ларда қўлланиши учун айди. Уларни қисқартиришнинг ҳам ўз меъёрлари бор. Масалан, **Ойхон**, **Тўхтаҳон** каби исмлардаги -хон кўшимчасини олиб ташлаб бўлмайди; Ҳалимаҳон сўзидан эса олиш ҳам мумкин (Ҳалима).

Адабий тил учун **келабер** ва **келавер** сўzlари меъёр бўлгани каби **жумҳурият** ва **республика**, **дорилфунун** ва **университет** сўzlари ҳам меъёрдир. Сўз қўллаш меъёрлари бундай сўzlарни ўрни билан, маълум мақсадда танлаб ишлатаверишни тақоза этади.

Газеталарда **Тошкент метрополитени** бирикмаси ўрнида **Тошкент ер ости қасри**, **Тошкентнинг ер ости қошоқаси** бирикмалари қўлланыптики. бу шу тушунчага турли хил муносабатларни ифодалаш учун хизмат қилган.

Синонимлар ҳам тилнинг катта бойлиги ҳисобланади. Унинг нутқ маданиятидаги ўрни ҳам беқийёсдир. Ўзбек тили синонимларга жуда бой тилдир: умрбод-абдий-мангу: маош, ойлик, мояна; мазали-хуштаъм, тотли, ширин, лаззатли; лойиқ-муносиб, мос, мувофиқ, боп; лоп-муболага; камбағал-қашшоқ, фақир, бечора; кар-гаранг; айёр-устомон-ҳийлагар-маккор, доғули-мўлтони-қилвир-муғомбир-қув...; айб-гуноҳ-жиноят кабилар.

Синонимларнинг ҳаммаси ҳам услубларга, нутқ кўринишларига хосланиш хусусиятига эгадир. Улар нарса-ҳодиса, ҳаракат кабиларга инсоннинг турли муносабатларини ифодалайди. Шунинг учун ҳам, тилнинг тасвирий воситаси ҳисобланади. Жумладан, **тушкунлик** ва **таназзул** сўzlарини олайлик. Бу иккала сўз бир-бирига синонимдир. Бироқ улар маъноларига кўра ҳам, услубий хосланиши, тушунчага инсоннинг муносабатини ифодалашига кўра ҳам фарқ қилади. **Тушкунлик** сўзи икки маъноли: 1. Тобора орқага кетиш, ёмонлаша бориш; 2. Тубанликдаги ҳаёт, кайфият (изоҳли луғат, 237-бет). **Таназзул** сўзи бир маънони ифодалайди: орқага қараб кетиш (регресс) — Изоҳли луғат, 116 бет. **Тушкунлик** сўзи биринчи маъноси билан **таназзул** сўзига синоним бўлиб келади. Иккинчи маъноси билан эса — **хафалик** сўзига синоним бўлиб келиши мумкин. **Тушкунлик** сўзи биринчи маъносида қўлланганда таназзул сўзига синоним бўлиб келар экан, барибир услублараро хосланишига кўра ҳам фарқ қилади. **Таназзул** сўзи китобий нутққа хослиги билан ажралиб туради. У нутққа поэтиклик бахш этади, маънони кучлироқ ифодалайди...

Синоним қаторларга кирувчи барча сўzlар ана шундай жиҳатлари билан фарқланиб туради. Улар нозик маъноларни ифодалашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам, нутқнинг

ранг-баранг бўлишини таъминлайди, уни жозибадор, таъсирчан қилади.

Синонимларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Луғавий синонимлар: а) сўз орасидаги синонимик муносабат:

тутмоқ-ушламоқ;

туташ-пайваста...

- б) фразеологизмлар орасидаги синонимик муносабат: ҳафсаласи пир бўлди-тарвузи қўлтиғидан тушди; кўз қирини ташламоқ-назар солмоқ; мазаси қочди-тоби йўқ; баланд келмоқ-юқоридан келмоқ кабилар;
- в) Сўз ва фразеологизм орасидаги синонимлик: Упкасини қўлтиқлаб чопди-оёғини қўлига олиб чопди-шошди; тарвузи қўлтиғидан тушди-ҳафсаласи пир бўлди-бўшашди кабилар.

2. Аффикслар синонимияси: а) сўз ясовчи аффикслар синонимияси: -лиIIсер...: унумлиIIсерунум, серсувIIсувли шафтоли; -лиIIсерIIдор: унумлиIIсерунумIIунумдор; савлат-лиIIсерсавлатIIсавлатдор; -чиII-каш: меҳнатчиIIмеҳнаткаш; -корII-каш: пиллакорIIпиллакаш кабилар; б) форма ҳосил қилувчи аффикслар синонимияси: ишлай-ишлай чарчади=ишлаб-ишлаб чарчади=кула-кула гапириб берди=кулиб-кулиб гапириб берди; кўрсат-кўргиз, айткиз-айттир кабилар.

3. Синтактик синонимия: Укам учун олдим-Укамга олдим-Укамни деб олдим; Шу сабабли келолмадим=Шу сабабдан келолмадим; Биз билмас эдик баҳоси қанча, дадам пулни қаердан олади (Ойбек)=Биз баҳоси қанчалигини, дадамнинг пулни қаердан олишини билмас эдик кабилар.

Синонимларнинг барча турлари ҳам ўзбек тили учун характерлидир. Сўз синонимлар, айниқса, от, сифат ва феъл туркумларида кўп учрайди; олмош ва сон туркумларида деярли учрамайди; аффикслардаги синонимия ҳодисаси ўзбек тилида асосан шахс отлари ясовчи аффикслар, белгига эга эканли — эга эмаслик маъноларини ифодаловчи аффикслар доирасида кенг тарқалгандир. Гаплар орасидаги синонимик муносабат ҳам анча тараққий этган.

Нутқ эгаларининг нутқ тузиш жараёнида синонимлардан фойдаланиш имкониятлари турлича бўлиб, моҳир ёзувчилар, шоир ва адиблар, сўз санъаткорлари, нотиқлар тилнинг бу нодир бойлигидан маҳорат билан фойдаланишга интиладилар ва ўз асарларининг, нутқларининг жозибадорлигини, ёқимлилигини, ранг-баранглигини таъминлайдилар. Ҳар бир ижодкорнинг синонимлардан фойдаланиш маҳоратларини ҳам алоҳида тадқиқ қилиш шунинг учун ҳам жуда муҳимдир.

Мана, одамлар... пахталарни алмисоқдан қолган чиғириқ-

да эмас, машиналарда чиқаришяпти (М. Исмоилий); Сиз ҳам ўша даққионусдан қолган афсонага ишонасизми? (С. Анорбоев). Бу мисоллар икки ёзувчига тааллуқли бўлиб, М. Исмоилий алмисоқдан қолган иборасини танлаган бўлса, С. Анорбоев маънони янада кучлироқ ифодалаш учун унинг синоними даққионусдан қолган иборасини ишлатган.

Ўзбек тилида сўз яшаш воситалари ҳам танланади, умум томонидан тан олинади ва мустаҳкамланади. Шу воситалар асосида сўзлар яшаш қоидалаштирилади. Масалан, **-зор** аффикси одатда ўсимликлар номларига қўшилиб келган ҳолда, улар мўл бўлган жой отларини ясайди: **гулзор, олмазор, қамишзор, ажриқзор, бодомзор, пахтазор** кабилар. Бу аффиксининг бошқа сўзлардан бундай сўзлар яшаши меъёр эмас. Бироқ баъзан ижодкорлар маълум мақсадни кўзда тутиб, бошқа сўзлардан ҳам **-зор** аффикси воситасида янги сўзлар ясайди: **Одамзор, фонтазор, қумзор, боғзор** кабилар. **Ток ва узум боғлари ташкил этишади, боғзорлар ташкил этиляпти** (Телекўрсатув ахборотидан). Унинг мағиздор ва доно асарлари ниҳоят озодлик кунларига етиб келди («Шарқ юлдузи»); **Инсонга ҳамнафас, бўлгил кўмакдош** (В. Саъдулла). **Мухсин бунни сезибми, гапини ялпизлади** (Б. Каримов). Юқоридаги мисоллардаги **одамзор, фонтанзор, қумзор, боғзор** каби сўзларнинг ясалиши ҳозирги ўзбек адабий тили сўз ясалиш меъёрларига мос эмас, чунки **одам** негизига **-зор** аффикси қўшилиши мумкин эмас. Худди шунингдек, боғдаги дарахт, гул, олма каби ўсимлик ва мева турларига **-зор** аффикси қўшилиб келиб, ана шу нарсаларнинг мўллигини ифодалаш мумкин. Бироқ **боғ** сўзига унинг қўшилиб келиши меъёр эмасдир; **қумзор** сўзида ҳам нотўғри ясалиш бор. Одатда, ўсадиган нарсага нисбатан **-зор** аффиксининг ишлатилиши маъқул ва ўша ясалиш меъёр сифатида танланган, қабул қилинган ва қайд этилгандир.

Ўзбек тилида, масалан, сер- аффикси миқдор жиҳатидан кўп бўлиши мумкин бўлган нарсаларни ифодаловчи сўзларга қўшилиб янги сўзлар яшаши мумкин бўлган ҳолда, якка ҳолда мавжуд бўлувчи нарсаларни ифодаловчи сўзлардан бундай сўзлар ясай олмайди: **серсоқол, серпул, серсоч, сертош** каби ясалишлар меъёр, аммо **серкалла, серелка, сероёқ** тарзида сўз яшаш меъёр эмас. **Серкўз** сўзини эса (ясалишини) икки хил ифодалаш зарур: а) бу сўз **фанер, ёғоч, тахта** каби сўзлар билан бирикканда, кўчма маънода қўлланади («бутоқ ўринлари» маъносини ифодалайди). Демак, **сер-аффикси кўз** сўзи кўчма маънода қўлланса, ундан янги сўз

ҳосил қилиши мумкин экан. Бироқ кўз сўзи тўғри маънода қўлланса, ундан янги сўз ясай олмайди: серкўз одам шаклида сўз ясаб бўлмайди. Гуручли овқат-гуручлик овқат каби ҳолатларда ҳам кейинги сўз ноўрин ясалгани кузатилади. Шунингдек, пахташунос, давлатхона, баракхона, урушбоз, қарзтилахат, куллияхона, куллиябоши, қаторсарой (депо), оташсарой, юртсарой (депо), ноибнома, гўянда сўзанда (диктор), буюртманома тўплагишни ғайратлаш (аккумуляторни зарядка қилиш), шов-вахона (душ), (даввор (мотор), до-рульсор, осоргоҳ (музей)... каби жуда кўп сўзлар-янги сунъий ясалмалар ўзбек адабий тили учун меъёр эмасдир. Қўринадики, ўзбек тилида сўз яшаш, сўз қўллаш меъёрлари бўлиб, улар грамматикаларда қоидалаштирилган. Ҳар бир тўғри, меъёрга асосланган ҳолда ясалган сўз луғатларда ўз ифодасини топган.

Тилнинг грамматик меъёрлари грамматик қўшимчаларни тўғри қўллаш, гапларни тўғри тузишни тақоза этади. Жумладан, шеваларда (Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Самарқанд шеваларида) -га қўшимчаси, асосан -да, қўшимчаси ўрнида қўлланса-да, масалан, поездга келдим, машинага, келдим каби, адабий тилда поездда келдим, машинада келдим меъёрдир. Сенинг учун олдим, Менинг учун қайғурма қўлланишлари тарихий жиҳатдан меъёр бўлган бўлса, ҳозирги кун учун Сен учун олдим, Мен учун қайғурма қўлланишлари меъёрдир. Шунингдек, насрий нутқ учун эганинг (одатда) гапнинг бошида, кесимнинг эса охирида келиши меъёр бўлса, поэтик нутқ учун аксинча ҳолат меъёр бўлиши мумкин:

Келди очилур чоғинг ўзлигинг намоен қил (Ҳ. Ҳ.)

Дилбарим ҳуснига кўкда

Маҳлиё бўлсин қуёш,

Маҳлиё эрмас, кўйида

Бир гадо бўлсин қуёш...

Гар ҳавас қилса нигорим —

Ҳуснига, барқ урсин ул,

Рашки келса, куйсину

Ёнсин, адо бўлсин қуёш... (Э. Воҳидов).

Хуллас, ўзбек адабий тили фонетик, луғавий, сўз ясашиш, граматик каби меъёрларга эга бўлиб, бу меъёрлар танлаш, тан олиш асосида белгиланади, қоидалаштирилади, луғатларда, грамматикаларда қайд қилинади. Шунга кўра, ўзбек тилидаги ҳар бир бирлик ана шундай китобларда ўз ифодасини топган: синонимлар А. Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили сино-

нимларининг қисқача луғати»да (Т., «Фан», 1962 й.), «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати»да (Т., «Ўқитувчи», 1974 й.); Фразеологизмлар Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати»да (Т., «Ўқитувчи», 1978 й.); Омонимлар Ш. Раҳматуллаевнинг «Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати»да (Т., «Ўқитувчи», 1984 й.); Мақол, матал ва ҳикматлар И. Бердиёров, Р. Расуловларнинг «Ўзбек тилининг паремиологик луғати» кабиларда, ўзбек тили морфемалари А. Ғуломов, Р. Қўнғуров, А. Тихоновларнинг «Ўзбек тили морфем луғати»да (Т., «Ўқитувчи», 1977 й.) ўз ифодасини топган.

Ўзбек адабий тили учун танлаб олинган, меъёрлаштирилган барча сўзлар эса асосан «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (М., «Русский язык» нашриёти, 2 жилдлик, 1981 й.) ҳамда имло луғатларимизда ўз ифодасини топган. Маълум фан соҳаларига оид атамаларнинг изоҳли ёки таржима луғатлари ҳам кўплаб нашр этилган бўлиб, ўзбек тилининг луғат бойлиги ана шуларда имконият даражасида акс этирилган.

Адабий тил меъёрлари яна қуйидаги асосий хусусиятларга эгадир:

- 1) Онгли ишланганлик, тартибга солинганлик;
- 2) Барқарорлик-маълум давр учун қабул қилинганлик;
- 3) Ўзгарувчанлик — ўзгариб туриши, тараққий этиши мумкин;
- 4) Маълум бир даврга хослик;
- 5) Намунавийлик — ҳамма учун қулайлик;
- 6) Халқчиллик — кўпчилик томонидан тан олинганлик;
- 7) Умуммажбурийлик — ҳамма шевалар вакиллари ҳам ана шу меъёрларга амал қилишлари шартдир.

Қуйидаги матн 20-йилларда ёзилган бўлиб, у маълум даражада ўзбек адабий тилининг XIX аср охиридаги хусусиятларини меъёрларини ҳам ўзида акс эттирган. Шуни ҳам айтиш керакки, бу матн бадиий нутқнинг ёрқин намунаси;

«Вафосизга. Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзаман. Негаки, ҳозирда менинг кўз ёшларимгина эмас, бутун борлигим сиёҳдир. Мен энди оғизлардаги вафо сўзига ишонмайман. Чунки мен ўзимнинг вафосига ишонганим бир йигитдан улуг вафосизлик кўрдим. Уятимдан кўзларимни очолмайман. Негаки, еру кўклар, тоғу тошлар ва дунёдаги барча нарсалар менинг алданганим учун кулиб масхара қилгандек қарайдилар... Бу кунимдан, бу ҳасратимдан қутулиш учун ўзимга ажал чақираман. Лекин ажал

ҳам мен шўрликдан нафратлангандек, гўё ул ҳам менга вафосизлик қиладир.

Бегим, гарчи аччиқлансангиз ҳам, айтишга мажбурман: сизда виждон, инсоф, ваъда, вафо, яхшиликни билиш, боринг-чи, одамгарчиликдан ҳеч гап йўқ эмиш. Билъакс сиз: ҳийлакор бир тулки, оғзи қон бир бўри, раҳмсиз бир жаллод уятсиз бир йигит!

Сизни ҳийлакор дедим: эсингизда борми, содда отамни, гўл онамни қандоғлар қилиб алладингиз? Ёдингизда борми шам ёнида мени алдаб айтган сўзларингиз, бергон ваъдаларингиз, «менинг орзум» деб қилган хитобларингиз, тўккан кўз ёшларингиз?.. Бас бу ҳийлалар, макрлар сиздан бошқа кимдан топилсин?..

Сизни оғзи қон бир бўри дедим! Чунки сизда раҳм йўқ, сиз ўзингизнинг заҳарли тишларингиз билан мазлумлар кўксини, боёвлар бағрини чок этасиз, янги очилган гулларни, энди бош тортган лолаларни вақтсиз сўлдирасиз, очилиб битмай ўлдирасиз!

Сизни уятсиз дедим: илгариги ваҳшатингиз билан ўзингизнинг ҳаққингиз битганлигини била туриб ҳам яна, уялмай-қизармай виждонсизлар амрини берасиз ва уятсизлигингизни яна бир қат орттирасиз!..

Мен сизнинг баъзи бир даъволарингизга ҳайрон қоламан! Отам Тошкентда экан чоғда бу гапни айтишга уялган эмишсиз... гўё бунинг ила номуслик бўлиб кўринмакчисиз шекилли? Онам баъзи вақтларда:

«Янги ёр топганда, дўстлар эскидан кечмоқ керак,

Эскини ўлган санаб, латта кафан бичмоқ керак!»

байтини ўқиб қўяр, мен бўлсам, ул вақтлар, бунинг маъносига тушунмас эдим. Аммо... энди бу байтни кимга айтилганига ва унинг маъноларига хўп тушунмакдаман. Ташландиқликнинг сўнг ўтинчи қилиб сиздан шуни сўрайман: учинчи ёр топганда, иккинчи бечорага ҳам шундай уятсизлик қилинмаса эди! Бу тилагим учун ажабланмангиз, чунки, пичоқни ўзингга ур, оғримаса ўзгага сол!»— дейдирлар.

Сизга янги ер, менга уятсизликнинг қурбони бўлиш муборақ!

Кумуш эмас, Тупроқбиби ёздим, 17 жавзо, 1265 йил. Мағилон»

(А. Қодирий «Утган кунлар»¹ вчи

Матнни унда ўзбек тилининг қандай бадий таъинидир. ситаларидан фойдаланганлиги нуқтаи назаридан айтган бўлиб қараб чиқишни тавсия этамиз. Унда синонимлаштиришнинг тавсияси қилинган бўлиши мумкин. Датдаги би-

лар, эпитетлар (сифатлаш), такрор, муболаға кабилардан жуда ўринли фойдаланганлигининг гувоҳи бўласиз. Шунингдек, оҳанг ва унинг тиниш белгилари билан ифодаланишини ҳам кузатинг. Чунки шуларга эътибор бериб ўқимасангиз, кўнглингиз тўлмайди. Ўзбек тилининг қандай имкониятларга эга эканлигини яхши ҳис қилмайсиз. Қуйида эса ўзбек тилининг тасвирий воситаларидан айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ БАДИИЙ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИ

Ўзбек тилида ҳам сўзловчи ёки ёзувчининг ўзи баён қилаётган фикрини, тушунчани, ҳис-туйғуларни тингловчига (ўқувчига) аниқ, ихчам, тушунарли ва айниқса, таъсирчан қилиб етказиб беришини таъминловчи махсус воситалар мавжуд. Бу воситалардан ҳар бир сўзловчи, ҳар бир ижодкор (шоир ва ёзувчилар...) ўзига хос тарзда фойдаланади. Бири маълум бир воситалардан кенгроқ фойдаланса, иккинчиси, бошқа воситаларни кўпроқ ишлатади ва ҳоказо.

Ўзбек тилининг ана шундай бадий тасвир воситалари 3 хилдир: 1. Троплар (кўчимлар). 2. Синтактик шакллар (синтактик фигуралар). 3. Алоҳида тасвирий воситалар (салбий-ижобий муносабатни ифодаловчи алоҳида сўзлар, тасвирий сўзлар, ундовлар, модал сўзлар, кичрайтиш-эркалаш, кучайтирув-таъкид, ҳурмат каби маъноларни ифодаловчи воситалар).

Кўчимларнинг алоҳида кўринишларига метафора, ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, синекдоха, муболаға, кичрайтириш, киноя, аллегория (мажозийлик), жонлантириш кабилар киради. Буларнинг ҳаммаси асосан тилдаги сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланиши негизда юзага келади. Буларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз:

Метафора — грекча сўз бўлиб «кўчим» деган маънони ифодалайди. Метафорани яширин ўхшатиш дейиш ҳам мумкин. Бунда бир нарсанинг номи иккинчи нарсани ҳам ифодалайди. Метафора деганда, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик асосида маъно кўчиши тушунилади: **Алло, менга Бекободни улаб беринг** (Т. А.) **У ҳар тўғрида тинимсиз гапириб, гапни гапга улаб юборди** (О. Ё.);

Кўзимнинг нури кел, тоза гулим, кел!

Кўнгил боғида сайроқи булбулим, кел!

(А. Навоий)

Сенга бахтдан тахт тиларман,
Толедан бошингга тож,

Мулк ҳуснингга омонлик,
Тоҷу тахтингга ривож.

(Э. Воҳидов)

Бу байтлардаги, мисоллардаги уламоқ, нури, тоза, гул, боғ, булбул, тахт, тоҷ сўзларининг ҳаммаси ҳам метафора учун мисол бўла олади.

Метонимия — грекча сўз бўлиб, бошқача номлаш деган маънони беради. Бунда ташқи ёки ички жиҳатларидан бири-бирига алоқадор нарса ёки ҳодисалардан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Бирининг номи иккинчисини аташ учун ҳам хизмат қилади: Баҳор ўзига хос ёқимли виқор билан юрт узра одим ташлайди (Ш. Р.); Шу топда Фанлар академиясининг маросимлар залида юртга донғи кетган олимлар йиғилишган эди (С. А.). Биринчи гапдаги юрт сўзи эса «шу ўлкада яшовчи ҳамма аҳоли»—деган маънода қўллангандир.

Метонимия кўринишларидан бирида нарса ичидаги предмет маъноси бошқа нарсага ўтказилади: **Бир косани ичиб бўлдим, энди кетмайди** (Оғз. нутқдан). Бу гапдаги **косани** сўзи унинг ичидаги шўрва ёки бошқа овқатни ифодалаб келгандир; Иккинчи бир кўринишда эса бирор шахс билан келади: Масалан, Раъно Анварга хат ёзиб юборади ва «гапнинг қолганини Фузулийдан ўқирсиз»— дейди (А. Қодирий); **Навойни қўлга олганимда, маҳалла сўфисининг азони эшитилди** (С. А.); «**Фарҳод ва Ширин**» менда дуруст таассурот қолдирди, «**Садди Искандарий**»ни тугатдим («Ш. Юлдузи»).

Синекдоха — грекча сўз бўлиб, бирлик ва жамлик, қисм билан бутун, жинс билан тур ўртасидаги кўчимдир. Бирликдаги сўз кўпликни, қисм бутунни ёки бутун қисмни, жинс-турни, ёки тур-жинсни ифодалаб келади: **Лойи кўпириб ётган йўлда от тақалари, мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни...** (П. Т.); **Николай замонида остонам туёқ кўрмаган** (О.); **Тирноққа зор бўлиб ўтди** (фарзандга); **Сен етим эмассан, тинчлан жигарим, Қуёшдай меҳрибон Ватанинг-онанг. Сен олмоши кўпчиликка — ҳамма гўдакларга қаратилган** (ҳаммасини ифодалаяпти); **Қаллаи азонлаб сен уйғотдингми?**; **Оқсоқол бугун кечга томон келади** (С. А.); **Ҳой, шайтонарава! Ҳо, келгинди! Бу ёққа чиқ** (А. Қ.).

Эпитет (сифатлаш) — грекча сўз бўлиб, асосан изоҳловчи деган маънони ифодалайди. Эпитет поэтик аниқловчидир. Чунки сифатловчи сўз одатда кўчма маънода қўлланган бўлади. Бу эса тасвирийлик учун, таъсирчанликни, бадийликни таъминлаш учун хизмат қилади. Бунда сўзлар одатдаги би-

рикиш, қўлланишдан фарқли, ноодатий бирикиш кўринишида бўлади. Ана шу нарса таъсирчанликни оширади, ғалатиликни вужудга келтиради: қора ният, қоратўн, қора кунлар, кумуш тўй, олтин бош, пўлат отлар, қора шамол, оқ юрак, олтин олов, мудраган дарахт, уҳлаган сийна кабилар.

Уфқимизнинг ҳирсларини
Ўзига тортган,
Елкасига тарих билмас
Ғалаба ортган,
Улуғ йўлда толиқмасдан
тез кетаётган
бахмал қирлар,
кенг бўшлиқлар,
пахтазор ерлар
кўм-кўк... (Ҳ. Олимжон)
Барча заҳмат менга бўлсин,
Майли, доим мен яшай
Бу ажиб тотли азобу
Бу ширин қайғу билан.
Ёшлигим, кел, куйга тўлган
Қалбим олтин сози бўл,
Мен қўшиқ айтай тўлиб,
Бир лаҳза жўр овози бўл. (Э. Воҳидов)

* * *

«Умидим юлдузи Кумушимга!... (А. Қодирӣй)

...Унинг ёввошгина илжайишидан ёқутдек лаблари остидаги садаф каби оқ тишлари бир оз кўриниб қўйдилар.

Бу матнлардаги бахмал қирлар, кенг бўшлиқлар, тотли азоб, ширин қайғу, олтин соз, Умидим юлдузи Кумушбиби, ёввошгина илжайиш, каби қўлланишлар ана шундай сифатлашларга мисол бўла олади. Бундай сифатлашлар ҳар бир ёзувчи ёки шоир ижодидан исталганча топилиши мумкин.

Ўхшатиш. Бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг хусусиятини шу хусусияти бор бошқа нарса ёки ҳодиса орқали тасвирлаш, ифодалаш ўхшатишдир. Бу санъат қадимдан «ташбиҳ» номи билан қўлланади. Ўхшатиш энг кўп қўлланувчи бадиий тасвир воситаларидан бири бўлиб, у тасвирланаётган нарса, ҳодиса, ҳаракатнинг сифат ёки вазифасини равшанлантириш, бўрттириш учун хизмат қилади ва шу йўл билан тингловчига таъсир этади. Ўхшатишда баъзан муболағалар ҳам қоришиб кетиши мумкин. Яъни маъшуқанинг юзи кўп ҳолларда ойга, қуёшга ўхшатилади.

«Ўхшатишнинг мундарижасини ўхшатишмиш, ўхшовчи ва ўхшалмиш ташкил қилади. Ўхшатишмиш ўхшатиш йўли билан тасвирланаётган нарса ёки ҳодиса: ёрнинг юзи, ҳаракати, кўзлари, танаси... кабилар; Ўхшовчи ўхшатиш учун восита бўлган нарса ёки ҳодиса: қуёш, ой, сарв, чашма кабилар; Ўхшатишмиш ўхшатишмиш билан ўхшовчи орасидаги умумийлик, масалан, бир қаҳрамон шерга ўхшатишса, қаҳрамон ўхшатишнинг ўхшатишмиши, шер унинг ўхшовчиси, шижоат эса ўхшалмишдир... Қомат сарвга ўхшатишганда, қомат ўхшатишмиш, сарв ўхшовчи, хушбичимлик эса ўхшатишдир» нашр., 1979, 65-бет).

(А. Рустамов. А. Навоийнинг бадиий маҳорати, Т., Ф. Фулом Ўхшатишнинг таркибига кирувчи яна бир нарса бор бўлиб, у ўхшатишни таъминловчи тил бирликлари-воситалардир: -дай, -дек, -каби, -сингари, -худди, мисли, мисол, гўё (Чиройлидур гўё ёш келин, икки дарё ювар қокилин — Ҳ. Олимжон), янглиғ кабилар ана шундай воситалардир.

* * *

«Гўё бу сўзлар Қумушбибининг ўчган чироғларини қайтадан ёқарлар, умид осмонининг яшириниб кетган юлдузлари яна қайтадан ўз ўринларига келиб қўнгандек бўлурлар, унинг кўз ўнгида жой олган қораликлар шу ёқила бошлаган нажот шамлари партави билан ўз-ўзларидан йўқолгандек кўринурлар эди (А. Қодирий).

* * *

Эркаланиб ётади у Ватан тупроғида
Ёш бола ётганидай онанинг қучоғида (Ҳ. Олимжон).

Отинларнинг барини

Тўплаб, ёшу қарини

Чақириб гўзал Ойгул

Яшнаб мисоли бир гул. (Ҳ. Олимжон).

Ул қуёшдин айру ашким ёмғурининг барқидур,

Ўт туташқан ришта янглиғ жисм печу тоб аро.

(А. Навоий).

Ҳусн аҳли ичра тенгсиз

Сен-ку ҳоқонсан ўзинг,

Сеҳр мулки ичра танҳо

Шоҳу султондир кўзинг.

Кўзларинг юлдузлик, йўқ,

Юлдуз эрур ҳар учқуни,

Қорачиғ куйган қуёшу

Мовий осмондир кўзинг. (Э. Воҳидов).

Кўриниб турибдики, ҳам поэтик нутқда, ҳам насрда ўхшатишларнинг турли кўринишларидан жуда кенг фойдаланилган. Аффикслар ичида -дек(-дай) ўхшатишни юзага келтирувчи энг фаол воситадир.

Муболага — бирор нарса ҳодисанинг ўзини, белгисиз ёки ҳаракатини маҳобат билан, ўта бўрттириб ифодалашдир. Бу жиҳатдан у кичрайтиришга (Литота) зид санъатдир.

Тарихингдир минг асрлар
Ичра пинҳон ўзбегим,
Сенга тенгдош **Помиру**
Оқсоч Тиёншон ўзбегим.
Мен Ватанни боғ деб айтсам,
Сенсан унда **битта гул**
Мен Ватанни кўз деб айтсам,
Битта мужгон ўзбегим
Фикр этарман, она халқим,
Кўкрагимни тоғ қилиб,
Кўкрагида тоғ кўтарган
Танти деҳқон, ўзбегим.
Менга Пушкин бир жаҳону
Менга Байрон бир жаҳон
Лек Навоийдек бобом бор,
Кўксим осмон, ўзбегим. (Э. Воҳидов).

Бу парчада **оқсоч Тиёншон, Помирга тенгдош, минг асрлар, кўкрагида тоғ кўтармоқ, кўкрагини тоғ қилмоқ, кўксим осмон, Пушкин бир жаҳон** кабилар муболага учун ёрқин мисоллар бўлса, **Ватанни кўз деб айтсам, Ватанни боғ деб айтсам, Битта мужгон ўзбегим** кабилар кичрайтириш учун мисоллардир.

Тўрт юз тўқсон қулоч қўлда ҳассаси,

Сарҳовуздан катта эди косаси,

Шуни билан ўн саккизта нашаси,

Шундай қалмоқ айланади майдонда («Алпомиш»).

Агар муҳаббат шундай кезларда тўкиладиган кўз ёши билан ўлчанса, юзта Ширину, юзта Лайлининг муҳаббати буникига урпоқ ҳам бўлмас эди (А. Қаҳҳор).

Жанг қизигандан қизиб кетди, отлар, каллалар ерда думалайди, қон дарё бўлиб оқди («Ш. Юлдузи»дан).

Бу тасвирий воситалар айниқса, дostonларда жуда кенг қўлланади. Муболага ва кичрайтириш баъзан юқорида келтирилгани каби зидалиб антитеза (тазод) санъатини ҳам вужудга келтиради:

Бухоро бир олтин коса,

Қон-ёш билан лиммо-лим (Ойбек).

Бу сўзнинг маъноси шу қадар теран,
Денгизлар бир ҳўплам унинг қошида (Уйғун)

Юзларча денгизлар бўларди пайдо,
Ота-оналардан оққан ёшлардан (Х. Олимжон).
Ул санамқим, сув яқосинда паритек ўлтурур
Ғояти нозиклигиндин сув била ютса бўлу

(Отойи).

Мисолларда **Бухоро** олтин коса, денгиз бир ҳўплам сув тарзида,, ота-оналардан оққан кўз ёши эса денгиз тарзида таърифланган. Яъни айрим нарсалар ўта катталаштириб, бўрттириб ифодаланса, айрим нарсалар, аксинча ўта кичрайтириб берилган: **Белининг нозиклиги қилни ҳам уялтиради, тоғдай калласи бор, белига икки юз газ арқон етмайди** каби қўлланишларда ҳам муболаға ва кичрайтириш тасвирий восита вазифасини ўтагандир. Муболаға санъати **лофчилик** жанрида ҳам кенг қўлланади. Лофлар, асосан, ана шу муболаға ва кичрайтириш асосида юзага келади: Э, амаки, олиб келинг гиламингизни, ўша 40 газлик гиламингиз бизнинг гиламга ямоқ бўлар экан (Тошкентлик лофчининг қизи жавобидан).

Жонлантириш ҳам тасвирий воситалардан бири бўлиб, у ҳам қадимдан ишлатилиб келган. Оғзаки нутқда ҳам, бадий нутқда ҳам кенг қўлланади. Бунда одатда, жонсиз предметлар кишилар каби фикрлайди, ҳаракат қилади, сўзлайди. Яъни жонсиз предметларни инсонлар каби ҳаракат қиладиган, фикрлайдиган, сўзлайдиган қилиб тасвирлаш жонлантириш дейилади. Жонлантириш, айниқса, поэтик, нутқда, шунингдек, эртақларда кўп қўлланилади,

Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати,

Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон ўзбегим.

Бошини минг кесдилар,
Бош эгмади асло қалам.

Термулар шабнамли япроқ —
Остидан пинҳон узум,
Лабларингга етмоқ истаб
Тонг саҳар гирён узум.

Оразин тасвир этарда
Барги гуул чок-чок ўлиб,
Қоши таърифини айлаб
Йиғласин шайдо қалам.

Гуллар ичида
Шоҳи ўзим дер эди лола,
Мағрурлигидан
Ул ўзи шарманда бўлибдур
Юз жилва билан
Нозли хиром этса печакгул,
Шоҳигул анинг
Рақсига хонанда бўлибдур. (Э. Воҳидов).

Бундай жонлантиришлар биргина Эркин Воҳидовнинг «Муҳаббат» китобининг ўзида истаганча топилади. Эркин Воҳидов бу санъатдан жуда моҳирлик билан фойдаланган.

Кўниб гул узра булбул
Ишқ китобини варақлабдур,
Юлдуз тонг кўзлари
Ўтлиқ навосидан чарақлайдур.

Париваш юзи жабридан
Кўзим арз айласа тонгга. («Тонг ғазали»).

Ёки: Уйғундан олинган қуйидаги парчага эътибор беринг:
Ниҳоят, осдилар. Эгди бошини,
Ерга таъзим қилиб қарағай, қайин,
Ер ингради, осмон тўкди ёшини,
Ўпди шимол ели қонли манглайин

(«Партизан»).

Ушбу байтларда шеърини талабга кўра, асосан эса, бадийликни таъминлаш мақсадида, **қарағай, қайин, шамол, кўзлар, ер, шимол ели, осмон, печакгул, қалам, узум,, Ўрхун хати, Афросиёб каби** жонсиз предметлар жонлантирилган-гапиртирилган, ҳаракатлантирилганки, бу нарса асарнинг таъсирчанлигини оширган.

Антитеза (Тазод) синтактик фигуралардан бири бўлиб, қаршилантириш деган маънони билдиради. Аслида қарама-қарши қўйиш, зидлаш деганидир.

Классик (мумтоз) адабиётда бу санъат тури тазод деб аталган ва турли хил кўринишларга эга бўлган.

Тазодда одатда ифодалиликни кучайтириш учун англашни осонлаштириш, қиёсни бўрттириш кабилар учун қарама-қарши тушунчалар, фикрлар, шакллар, белгилар, характер-

хусусиятлар, миқдор ёки бошқа жиҳатлар атайлаб зидлаштирилади:

Маишатман кайфу сафо бир ёқда,
Меҳнат билан жабру жафо бир ёқда
(Э. Жуманбулбул).

Бир гўзалким, ҳуснидин эл
Лол эмиш, ҳайрон эмиш,
Ишқи бирлан диллар обод,
Хонумон вайрон эмиш.

Нуқтадек бир холи бормиш
Ғунча лабнинг устида,
Ул бири ошкор эмишдир,
Ул бири пинҳон эмиш.

Сочларинг ёдида тунлар
Кўксини доғлар тароқ,
Кеча йиғлаб, тонгда бир бор
Кўнглини чоғлар тароқ. (Э. Воҳидов)

Навой: Таажжуб. Янгича аза, янгича базм. Кўзларида ёш, лабларида кулку. Эгниларда қора либос, қўлларида қизил шароб тушкунликнинг мужассам тимсоли (И. Султон, Уйғун «Навой» драмаси).

Бу мисолларда **маишат сўзига меҳнат, кайфу сафо сўзига жабру жафо, обод сўзига вайрон, дил сўзига хонумон, ошкор сўзига пинҳон зидлаштирилган**. Шунингдек, **кўкс ва кўнгил, кеча ва тонг, доғлар ва чоғлар, аза ва базм, ёш ва либос-қизил шароб сўзлари ҳам ана шу шундай зидлантирилгандир**.

Ўзбек халқ мақолларида ҳам тазоддан кенг фойдаланилганлиги кузатилади: **яхши топиб гапиради, ёмон қошиб гапиради; Эгри озади-гўғри ўзади, Тил югуриги бошга — қўл югуриги ошга; Катталар ҳурматда, кичиклар иззатда; Дўстинг ҳам тил, душманинг ҳам тил, Дўсти нодондан, душмани зийрак яхши; яхшилик кўзга кўринмас, ёмонлик кўмиб қўйилмас... Торга-тор дунё, кенгга-кенг дунё.**

Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади.

Ҳаёсизда вафо бўлмайди, вафосизда ҳаё кабилар.

Ўзбек тилидаги барча антоним сўзлар тазод санъатини шакллантиришда иштирок этиши мумкин: **Яхши-ёмон, қора-оқ, катта-кичик, яширин-ошкор, бош-оёқ, чиройли-хунук... каби**. Булардан ташқари **бўлишли-бўлишсизлик инкор каби-лар ҳам** (келди-келмади-Ёрнинг гули, келди ўзи келмади),

гап шакллариини зидлаш ҳам тазодни юзага келтириши мумкин: **Уринли гапларингдан ноўрин гапларинг кўп, тўғри гап тополмай, фақат ёлғонни тўқияпсан** (А. Қаҳҳор).

Тасвирий воситалар ичида жуда кенг қўлланувчи восита такрордир.

Такрор икки хил бўлиб, грамматик такрор (йиғлаб-йиғлаб кетиб қолди, қоп-қоп ун туширди кабилар) одатда кўпликни ифодалаш учун хизмат қилади. Бадий такрор эса тилнинг бадий тасвир воситаси ҳисобланади ва асосан кучайтириш, таъкид учун хизмат қилади. Такрорнинг ҳам турли-туман кўринишлари мавжуддир: сўзнинг бошидаги товушлар такрорланиши мумкин:

Кўклам қуёшидан

Кўқарган қирлар

Пўлат яғринларни

Кўтарган ерлар кўм-кўк. (Ҳ. Олимжон)

Мисра бошидаги сўзлар такрорланади:

Сени кўрса очилсин гуллар,

Сени кўрса ёнсин булбуллар

Сени кўрган бари тоисин жон,

Сен юрган ер кўрмасин ҳазон (Ҳ. Олимжон)

Гап охиридаги (мисра охиридаги) сўз ёки сўз бирикмаси такрорланади:

Кулаётир,

Чиғириқлардан

Омон ўтган

Бир йигит.

Учаётир, мағрур пўлат отларда

Бир уяга... жон ташиган

Бир йигит. (Ҳ. Олимжон).

Эркин Воҳидов ўзининг машҳур «Азгануш» (Арман қизига) шеърда такрорнинг ўзига хос бир кўринишидан жуда ўринли фойдаланган. Бунда ҳар бир байтнинг охирида Азгануш, ҳой, Азганушим, Азганушжон, Азгануш сўзлари такрорланиб келади. Шеърни кузатсангиз, ҳар бир байт охирида бу сўзларнинг ўрни алмаштирилган ҳолда такрорланади: эгалик (Азганушим), эркалаш (Азганушжон) қўшимчаларини олган сўзлар ҳам ўрни алмаштирилган ҳолда қўлланади. Шунингдек, ҳой ундов сўзининг қўлланиш ўрни ҳам ўзгартирилган ҳолда такрорланади: Азганушим, Азганушжон, Азгануш, ҳой, Азгануш каби. Бу нарса шеърнинг ўйноқилигинигина таъминлаб қолмасдан, мурожаатнинг турлича кўринишини ҳам ифодалаган, таъсирчанлигини оширган. Яъни

бир ўринда шоир **Азгануш** деб мурожаат қилса, иккинчи ўринда уни тамомила ўзига яқин олиб **Азганушим** деб мурожаат қиляпти. Учинчи ҳолатда эса, **Азганушжон** деб мурожаат қиляпти. Кўринадики, эркалаш-суйиш, ҳазил-мутойиба кабиларнинг ҳаммаси ана шундай такрор орқали қиёмига етказилган.

Такрорнинг **Гапир!**; **Гапир дейман!** **Гапирсангчи!** **Гапирасанми?!** Ҳой, гапир!; Йўқ, Йўқ, Йўқ деяпман-ку! тарзидаги кўринишлари ҳам бор бўлиб, улар насрий ва драматик асарларда кенг қўлланади ва таъкид, кучайтириш, дўқ каби маъноларни ифодалаб келади.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ БОШҚА (АЛОҲИДА) ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР.

Ўзбек тилидаги бундай тасвирий воситаларга одатда синоним, омоним, пароним сўзлардан, тарихий сўзлар, тарихий аффикслар, сўзларнинг тарихий шаклларида фойдаланишлар; шеваларга хос сўзлардан, иборалар, мақоллар, фразеологизмлардан фойдаланишлар; инверсиянинг турли кўринишларидан, гап турларининг турли кўринишларидан, уюшиқ бўлақлар, ажратилган бўлақлардан; кўмакчи феъллар, тасвирий сўзлар (товушга ва ҳаракатга тақлидий сўзлар), ундов ва модал сўзлардан фойдаланишлар; ундошни иккилантириш, унлини чўзиш, товуш орттириш, товуш тушириш, товуш ўзгартириш, сўзни тушириб қолдириш кабилардан фойдаланишлар киради. Булар ҳам жуда турли-туман кўринишларга эгадир. Жумладан, омоним сўзлар туюқларни юзага келтирувчи асосий омил. Шу билан бирга, улар такрорни ҳам юзага келтириши, сўз ўйини, таъсирчанлик, оҳангдорлик кабилар учун ҳам хизмат қилиши мумкин. Юқорида айтилганидек, антонимлар тазод учун хизмат қилиш, синонимларни ёнма-ён келтириш (меҳр-муҳаббат, севги-муҳаббат, юз-висол, катта, улуғ, буюк, гўзал, ажойиб, чиройли кабилар) таъкид, кучайтириш маъноларини ҳам ифодалаши мумкин: **Чиройли, ажойиб, гўзал кулишларинг уни маҳлиё этган кўринади** («Ш. Юлдузи»).

Қуйидаги мисраларда ишлатилган тасвирий воситаларга ҳам эътибор беринг:

Кўзда қаро на из бул,
Тун доғидан асарму
Майхона кездиму ё
Мастонавор сурма

Ёр кўзига етишмак

Савдо экан-ку душвор. (Э. Воҳидрв).

Бу ўринда **қора сўзи** қаро шаклида, **бу** олмоши **бул** шаклида, **-ми** юкламаси, **-му**, **-моқ** аффикси **-мак** тарзида берилган ва ана шуларнинг ҳар бири бадий тасвир воситаси вазифасини бажарган.

Қуйидаги мисолларда эса тасвирий сўзлар бадий тасвир воситаси бўлиб келган:

Уй, кўринг-кўрманг, лов-лов ёнади («Муштум»);

Аёлларнинг кўзларига жиқ-жиқ ёш келди (Ойбек)

— Мунча курт-кurt қилиб чайнайсиз?— Турп шунақа бўлади-да, жонидан (А. Қаҳҳор); Пастда кўксой алвидо деб қичқирар, осмондаги якка-дука юлдузлар унга ачингандек милт-милт қиларди (С. Анорбоев); Чироқнинг ялт-юлти кўзларимни олади-қўяди. Шунинг учун кечасига қолмай етиб олсакмикан, деганим («Ш. Юлдузи»); Ҳамма ёққа бурқ-бурқ тутун тарқалар, кўзимдан эса дув-дув ёш тўкилар эди (Оғз. нутқдан); Бедананинг уйи йўқ, қайга борса, битбилдиқ (М. Исмоилий).

Келтирилган гаплардаги тасвирий сўзлар бадий восита сифатида хизмат қилган. Яъни ана шу воқеликка муносабатни ҳам ифодалаган. Жумладан, **дув-дув тўкилди** қўлланишида маъно кучлироқ ифодалангандир. Бунга сабаб шуки, ўзбек тилида тақлидий сўзлар асосан такрорланган ҳолда қўлланади. Такрорий сўзлар эса, маълумки, кўплик маъносини ёки таъкид, кучайтирув маъноларини ифодалайди.

Хуллас, ўзбек тилидаги барча воситалар, агар улардан усталик билан фойдаланилса, бадий тасвир учун хизмат қилиши мумкин.

ДОНОЛАРНИНГ ТИЛ, СЎЗ ҚУДРАТИ ВА НУТҚ ОДОБИ БОРАСИДАГИ УГИТЛАРИДАН БАЪЗИ НАМУНАЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ:

«Мунчаки шарҳ этти қалам сўзга ҳол
Насридадур, назмида бор ўзга ҳол».
«Назмда ҳам асл анга маъни дурур,
Бўлсун анинг сурати ҳарне дурур».

«Эй сўз не бало ажаб гуҳарсен,
Гавҳар неки, баҳри мавжварсен».
«Гаҳ сўз била элга жон бағишлаб,
Бир сўз била гаҳ жаҳон бағишлаб».

«Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргизур равон сўзидин».
«Бўйла булбул навоси сўздуру бас,
Наъмаи жонфизоси сўздуру бас.
Бўлмаса сўз ажаб бало бўлғай,
Булбули нутқ бенаво бўлғай».

«Дарёдаги гавҳар ўз жилвасини гаввос туфайли намойиш қилганидай, тил ҳам ўз қудрати ва нафосатини нутқ аҳли во-ситасида зухур этади».

Ғунча оғизли санами нўш лаб,
Сўздин агар айласа хомўш лаб
Сурат ила бўлса маҳи осмон
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.

Яъни: Агар бирор санам осмондаги ойдек чиройли бўлса-ю, нутқ каби неъматдан маҳрум бўлса, ундай чиройнинг девордаги суратдан фарқи қолмайди («Хамса»дан).

«Кўп, бемаза сўзлайдиган эзма-кечалари тонг отгунча тинмай ҳурадиган итга ўхшайди. Тили ёмон одам-халқ кўнглини жароҳатлайди, ўз бошига ҳам офат етказди. Нодоннинг ваҳшийларча бақирмоғи-эшакнинг бемаҳал ҳанграмоғи».

Ўзи хунук, гапи бемаъни, овози ёқимсиз одам қурбақага ўхшайди. Бахт бағишловчи тоза руҳ манбаи ҳам тилдир; ёмонликлар келтирувчи наҳс юлдузининг чиқар жойи ҳам тил. Тилни тиёлган одам-донишманд оқил; Сўзга эрк берган одам-беандиша ва пасткаш; Тил ширин ва ёқимли бўлса яхши тил билан дил бир бўлса, яна яхши».

«Тил шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса-тилнинг офатидир».

«Кимнинг миясида иллат кўп бўлса, сўзида мантиқ бўлмайди. Мияси соғлом бўлса, гап-сўзи ёқимли ва хатосиз бўлади».

«Сўзи ҳисобсиз — ўзи ҳисобсиз. Сўзида паришонлик — ўзида пушаймонлик».

«Тан касалининг асоси — кўп емакдир, қалб касалининг сабаби — кўп демакдир» («Маҳбуб ул-қулуб»дан).

БЕРНАРД ШОУ: «Ҳа» сўзини айтмоқнинг эллик услуби, «йўқ» деган сўзни айтмоқнинг беш юз услуби бор. Бу иккала сўзнинг ёзилиш услуби эса битта, холос.

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ: «Мен туркча сўзларни ёввойи тоғ кийиги каби билдим. Шунга қарамай, уларни авайлаб-асраб қўлга ўргатдим («Қутадағу билик»).

С. ИБРОҲИМОВ: «Нутқ маданияти темаси жуда кенг тушунча. У энг аввало тил маданиятига амал қилиши, нутқ

нормалари асосида тўғри, ўринли, тушунарли бир тарзда гапириш ва ёзиш, шу билан бирга, нутқ эстетикасига риоя этиб хушсухан бўлиш, силлиқ, ёқимли гапиришдан иборатдир».

Э. ВОҲИДОВ: «Қани энди ўзини зиёли деб ҳисоблаган ҳар бир одам тилимизга керакли бир сўзни олиб кирса, унутилган бирор сўзимизни тирилтириб луғатларимизга қўшса («Тилга меҳр»).

С. ИБРОҲИМОВ: «Ҳар бир кишининг маданийлик даражаси, ўқиб қанчалик тарбия кўрганлиги унинг ёзма ва оғзаки нутқидан билинади».

Г. О. ВИНОКУР: «Маданиятимизнинг умумий тараққиёти лингвистик маданиятсиз мумкин эмас». «Культура тилига», М.—Л., 1929 й.).

А. ҚОДИРИЙ: «Сўз сўзлашда ва ундан жумла тузишда узоқ андиша керак».

АБУ ШУҚУР БАЛҲИЙ:

«Сўз кучидан йиқилур минбар ҳам, дор ҳам,
Сўз бирла чиқар индан илон-мурдор ҳам».

АБУЛҚОСИМ ФИРДАВСИЙ:

«Кимки қисқа сўзда дейди кўп маъно
Равонлик бобида ул киши аъло».

«Кимда беҳуда сўз гар бўлса бисёр,
Ул нутқ мажлисида доим бўлур хор».

НОСИР ХИСРАВ:

«Сўз ичра мудом ақл яшириндур,

Сўз чимилдиғу ақл келиндир».

«Эй биродар, бўлса эс-ҳушдан нишон,

Бўл мулойим, боадаб, ширин забон».

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ:

«Нодонлардек юзлаб сўзни қилма қатор,

Донолардек бир сўз дегил, лек маънодор».

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ

«Сўз жою вақтига бўлар экан мос,

Сеҳру афсун учун у бўлур асос».

ХУСРАВ ДЕҲЛАВИЙ:

«Қисқа сўзлик, қара, не яхши ҳолдир,

Сергаплик бўлса-чи, дилга малолдир».

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ:

«Эй оқил, сўзнинг ҳам бош-оёғи бор,

Ўзга сўзга сўзинг қистирма, зинҳор,

Ақлу ҳуш эгаси, тадбирли инсон

Сўз бошлар суҳбатдош жим, бўлган замон».

М. В. ЛОМОНОСОВ: «Турли фикрларни ифодалаш учун

сўз топа олмасликни тилнинг камбағаллигидан эмас, балки ўзимизда маҳорат йўқлигидан деб билиш керак».

К. ПАУСТОВСКИЙ:

«Она тилини қадрламаслик ваҳшийликдир».

ЮСУФ ХОС ХОЖИБ:

«Бор сўзни сўз санаб тебранмасин тил,

Кўриб, ўйлаб сўзла, керагини бил.

Уқувлини кўрдим: оз-оз сўзлади,

Талай сўзладим деб ўкинди кўп йил».

(«Қутадғу билик»)

МАКАРЕНКО: «Мен бери кел сўзини 15—20 хил тарзда гапиришга ўрганиб олганимдан кейингина ҳақиқий маҳорат эгаси бўлиб қолдим».

ЖОМИЙ:

«Кимки сўзни қадрласа ҳар қачон,

Ўз-ўзини қадрлагай бегумон».

ИЗЗАТ СУЛТОН: «Адабий асарнинг мазмуни, ундаги ғоянинг олижаноблиги, тасвир этилган одамлар ва ҳодисаларнинг гўзаллиги ёки хунуклиги — ҳаммаси ўқувчига асарнинг тили орқали етади. Шу сабабли тил соҳасидаги маҳорат ёзувчи қобилиятининг энг ёрқин аломатидир».

М. ҚОШҒАРИЙ: «Турмушга оид турли хил нарса ва ҳодисалар борки, ҳаётга сингиб кетган. Тилда уни номловчи сўз бўлмаса, шундай сўзни қўшни тилдан олиш мумкин. Лекин тилга мавжуд сўзлар ўрнида бошқа сўзни қўллаш зарарли («Девону луғатит турк», 1-жилд, 1960, 45-бет)».

Аристотель: «Нутқнинг бош фазилати аниқлик ва равшанликдир».

ДЕКАРТ: «Сўзларнинг маъноларини тушунтириб беринг, шунда сиз инсоният оламини англашилмовчиликларининг ярмидан холос қилган бўласиз».

В. В. ВИНОГРАДОВ: «Миллий тилларнинг изоҳли луғатлари нутқ маданиятининг қудратли қуролидир, шу билан бирга, унинг маҳсули ҳамдир» (ВЯ, 1956, № 5).

Л. Н. ТОЛСТОЙ: «Тил маданият билан биргаликда юксалади».

Н. М. КАРАМЗИН: «Тил бойлиги тафаккур бойлигидир».

Л. Н. ТОЛСТОЙ. «Шуни иккиланмай айтиш мумкинки, яхши тилда соф, яхши, бой тилда сўзлаётган одам ёмон тилда ва қашшоқ тилда сўзлаётган одамга қараганда чуқурроқ фикрлайди».

Л. Н. ТОЛСТОЙ: «Сўздаги ноаниқлик, шубҳасиз, фикр ноаниқлигининг аломати».

Л. Н. ТОЛСТОЙ: «Тил миллатнинг қалби. Тил ғоя, туйғу, тафаккурнинг жонли мужассамадир».

ЯКОБ ГРИММ: «Халқлар ҳақида суяклар, қуроллар ва мазорларга қараганда жонлироқ бўлган гувоҳ бор. Бу уларнинг тилидир. Тил инсон руҳининг нафасидир».

К. Г. ПАУСТОВСКИЙ: «Ўз тилига уносабатига қараб туриб, ҳар бир одамнинг маданий даражасинигина эмас, балки унинг граждонлик қадр-қимматини ҳам аниқ айтиб берса бўлади».

К. Г. ПАУСТОВСКИЙ: «Ўз ватанинга бўлган чинакам муҳаббатингни ўз тилинга бўлган муҳаббатингсиз тасаввур этиш мумкин эмас».

А. Ф. КОНИ: «Сўз — инсоннинг буюк қуролларидан бири. Ҳрида, сидқидилдан ва вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади. У сўзловчининг ўзини қизиқтириб юбориши, уни ва атрофидагиларни ўз нафислиги билан маҳлиё этиши мумкин».

А. П. ЧЕХОВ: «Қисқалик талантнинг синглизидир».

Э. ЖИРАРДЕН: «Сўзнинг кучи беҳаддир. Чекинаётган қўшинни тўхтатиш, мағлубиятни зафарга айлантириш ва мамлакатни қутқариб қолиш учун гоҳо ўринли айтилган биргина сўз ҳам кифоя бўлган».

Л. Н. ТОЛСТОЙ: «Сўз билан ифодаланган ҳар қандай фикр таъсир кўлами тугамайдиган кучдир».

А. ФРАНС: «Сўздан қудратлироқ нарса йўқ, ўткир далил ва юксак фикрлар сафини ёриб ўтиш мумкин эмас. Сўз ёвузларни яксон этади, қалъаларни йиқади, у кўзга кўринмас қурол. Сўз бўлмаса, дунё дағал кучлар қўлида қолар эди».

ГОРАЦИЙ: «Ҳар йили дарахтларнинг барги янгилангани каби, сўз ҳам ўз умрини яшаб, янги туғилаётганига ўз ўрнини бўшатиб беради».

Б. ГАВРЕНЕК: «Тилнинг қадр-қиммати ҳамма бошқа қуроллар каби олдига қўйилган вазифани қанчалик уддалай олиши билан белгиланади».

Сайқалланган (ишлов берилган) адабий тил ўткир ва қайтмас қуролдир. У ўзига хос жуда кўп сонли вазифаларнинг ҳар бирини яхши бажаради. Бундай тил энг нозик тасаввурлар ва фикрларни аниқ, тўлиқ ва равшан ифодалайди».

А. П. ЧЕХОВ: «Чинакам нотикликни кўролмайдиган жамиятда қуруқ ваъзхонлик, сўз риёкорлиги ёхуд бемаза сафсатабозлик ҳукм суради. Ҳтмишда ҳам, ҳозирги вақтда ҳам

нотиклик маданиятнинг энг кучли таянчларидан биридир».

ЦИЦЕРОН: «Нотиқнинг энг улуғ фазилатларидан бири зарур нарсани айтишидагина эмас, балки нозарур нарсани айтмаслигида ҳамдир».

ПЛУТАРХ: «Нутқнинг кучи оз сўз билан кўп маънони англата олишда».

И. ВИНКЕЛЬМАН: «Нутқ санъатида кўп гапиришдан кўра лўнда гапириш қийин».

Г. ИБСЕН: Шамчироқ йўлингни ёритолмаса, зўрға липллаб турса ҳамки, ўчирма, ҳали ўзинг янги сўз кашф этмабсанми, тилдаги эски иборалардан воз кечма».

Г. МАРКОВ: «Кўп асарларнинг тили тўғри, лекин рангсиз, тузсиз, витаминсиз, қўрқмай айтақолай, микробсиз, бошқача айтганда, тирик материянинг белгиларисиздир» (VI съезддаги нутқ (ёзувчилар).

О. ШАРАФУТДИНОВ: «Сўз жуда ўжар нарса бўлади. Унга бефарқ қарасанг, маъносидан бир чимдим яшириб қолишга, ҳамма рангини намоён қилмасликка уринади. Шундай сўзлар борки, улар капалакка ўхшаб жумладан жумлага енгил кўчиб юраверади-ю, тайинли хизмати бўлмайди. Абдулла Қаҳҳор аллақачонлар сўзни тизгинлаб, ўзига бўйсундириб олган», «Биринчи мўъжиза» 294-бет).

А. ҚАҲҲОР: «Китобхонга бир фикрни англатиш ёки бир нарсани тасаввур қилдириш учун кишини бошини қотирмайдиган, очиқ, равон ва содда тил керак». «Сурат олдираётган киши суратга чиройли ва келишиб тушмоққа беҳуда зўр бериб, ўзининг табиий ҳолатини бузгандай, ёзувчи чиройли ва қойил қилиб ёзишга беҳуда зўр берса, адабий асар учун зарур бўлган тилдаги содалик, табиийлик бузилади» («Хақ сўзнинг кучи», Асарлар, 5 жилд).

Нутқ одоби, сўз қудрати ҳақида, тил ва дил бирлиги, ширинсуханлик, тўғрисўзлик, кабилар ҳақида айтилган бундай доно фикрлар, мақоллар жуда кўп бўлиб, юқорида улардан айрим намуналар келтириш билан чекландик.

«Тафаккур гулшани» (Тошкент, Ғ. Ғулом нашриёти, 1989 й.), «Донолар бисотидан» (Т., Ғ. Ғулом, 1976), «Ўзбек тилининг паремиологик луғати» (Т., «Ўқитувчи», 1984) каби айрим манбалардан, А. Навоий «Ҳамса»си, «Маҳбул ул-қуллуб» китоби шунингдек, «Ўзбек халқ мақоллари», «Кенг уйнинг келинчаги», «Қобуснома» каби ўнлаб ноёб дурдоналардан юқоридаги каби ҳаётий зарур, доно фикрларни жуда кўплаб топиш мумкин. Баркамол инсон бўлиш жуда машаққатли. Бунга, албатта, ана шундай асрлар синовларида

тажрибадан ўтган, ҳамма даврларда ҳам ўз қимматини йўқотмай, халқ бойлигига айланиб қолган ана шу ноёб дурлардан баҳраманд бўлмоқ орқали эришилади.

Ё. ТОЖИЕВ: «Ҳар қандай ноўрин, ноҳақ ва қўпол сўзда йўқ деганда, бир мисқол заҳар бордир».

Вақтида ва ўринли айтилган ёқимли сўз фақат ғариблар учун эмас, ҳамма учун ҳам яхши совғадир».

«Тил бадий асар қалбидир, қалбсиз асарга эса ҳеч ким муҳтож эмас».

АДАБИЁТЛАР РЎИҲАТИ

1. Л. АБДУЛЛАЕВА. «Ўзбек бадий адабиётининг лексик стилистикаси». 1979.
2. Х. АБДУРАҲМОНОВ, Н. МАҲМУДОВ. «Сўз эстетикаси», 1981.
3. А. ҚАҲҲОР. Ҳақ сўзнинг кучи, асарлар, 5-жилд, Т., Ғ. Ғулом, 1989 (Мақолалар ва суҳбатлар).
4. С. АҚОВИРОВ. Лугат-сўз хазинаси. Т., «Фан», 1977.
5. М. Т. АЪЛАМОВА. Нутқда акс этар бир олам бойлик. Т., «Ўзбекистон», 1988.
6. А. АҲМЕДОВ. Нотиқлик санъати. Т., «Ўзбекистон», 1967.
7. Э. БЕГМАТОВ. Нутқ маданияти ва адабий норма. Лекторга ёрдам. Т., «Ўзбекистон», 1973.
8. Э. БЕГМАТОВ. Ўзбек исмлари. Т., Қомуслар бош муҳарририяти, 1991.
9. Э. БЕГМАТОВ, А. БОБОЕВА, М. АСОМИДДИНОВА. Адабий норма ва нутқ маданияти, Т., «Фан», 1983.
10. Э. БЕГМАТОВ. Нотиқнинг нодир бойлиги, Т., «Ўзбекистон», 1980.
11. Э. БЕГМАТОВ. «Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида». Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, № 5.
12. Э. БЕГМАТОВ, Л. БОБОЕВА, М. АСОМИДДИНОВ, Б. УМИРҲУЛОВ. «Ўзбек нутқи маданияти очерклари». Т., 1988 й.
13. Х. ДОНИЁРОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ. Адабий тил ва бадий стиль. Т., «Фан», 1988.
14. Ҳ. ЖАЛИЛОВ. Нотиқлик санъати, Т., «Ўзбекистон», 1976.
15. И. ИБРОҲИМОВ. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида, Т., «Фан», 1972.
16. С. ИНОМХУҲАЕВ, Л. ХУҲАЕВА. Бадий сўз санъати, Т., «Ғ. Ғулом» нашриёти, 1972.
17. С. ИНОМХУҲАЕВ. Нотиқлик санъати асослари. Т., «Ўқитувчи», 1982.
18. А. МАМАЖОНОВ. Қўшма гап стилистикаси, Т., «Фан», 1990.
19. А. НАВОИЙ. Маҳбуб ул-қулуб. Т., «Ғ. Ғулом» нашриёти, 1983.
20. «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплам, Т., «Фан», 1973.
21. ОИБЕК. Ўзбек поэзиясида тил. Асарлар. 10 томлик. 9 том. Т., 1974 й., 238—244 бетлар.
22. Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. Т., 1976, «Ўқитувчи».
23. Р. РУСТАМОВ. А. Навоийнинг бадий маҳорати, Т., «Фан», 1979.
24. А. РУСТАМОВ. Сўз хусусида сўз, Т., «Фан», 1987.

25. САИД АХМАД «Давр нафаси» («Ўзб. нутқи маданияти» газ., 19 окт. 1973).
26. Ғ. САЛОМОВ. Идиоматик бирикмалар таржимаси, Т., 1968.; А. ҲОЖИЕВ Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати, Т., «Ўқитувчи», 1974.
27. Қ. САМАДОВ. «Ойбек — сўз санъаткори», 1971.
28. Ё. ТОЖИЕВ. Ўзбек тилида аффиксал синонимия, Т., ТошДУ нашриёти. 1981.
29. Ё ТОЖИЕВ. Ўзбек тилида шахс отлари ясовчи аффикслар синонимияси, Т., ТошДУ нашриёти, 1987.
30. Ё. ТОЖИЕВ. Ўзбек тилида аффиксал синонимия (феъл туркуми), Т., ТошДУ нашриёти, 1991.
31. Б. ТУРДИЕВ. Ёзма нутқни ўстириш юзасидаги практикум, Т., «Ўқитувчи» 1980.
32. Б. ТҮЙЧИБОЕВ. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик синонимия, Т., «Фан», 1988.
33. А. ХҲҲАЕВА. Лектор ва сўз санъати, Т., «Билим», 1975.
34. О. ШАРАФУТДИНОВ. «Адабиёт тилдан бошланади» («Ўзб. ад. ва санъати» газ., 5 сентябр, 1986 й.).
35. О. ШАРАФУТДИНОВ. «Истеъдод жилолари», Биринчи мўъжиза, Т., Ғ. Ғулум, 1979.
36. А. ШОМАҚСУДОВ, И. РАСУЛОВ, Р. ҚҲНҒУРОВ, Ҳ. РУСТАМОВ. Ўзбек тили стилистикаси, Т., «Ўқитувчи», 1983.
37. «Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб масалалари» тўплам, Т., 1990.
38. Б. ҲРИНБОЕВ. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари, Т., «Фан», 1974.
39. Э. ҚИЛИЧЕВ. «Бадий тасвирнинг лексик воситалари», 1982.
40. П. ҚОДИРОВ. Халқ тили ва реалистик проза, Т., «Фан», 1973.
41. ҚҲНҒУРОВ. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари, Т., «Фан»,
42. Р. ҚҲНҒУРОВ. Ўзбек тилида тасвирий сўзлар, Т., «Фан», 1966.
43. Р. ҚҲНҒУРОВ. Нутқ маданияти ҳақида халқ мақоллари ва афоризмлар. «Ўзбек тили грамматик қурилиши ва диалектология масалалари» тўплам, Т., «Фан», 1966.
44. Р. ҚҲНҒУРОВ, Ҳ. АБДУРАҲМОНОВ. Сўз кўрки-мақол.— Ўзбек тилшунослиги масалалари, СамДУ асарлари, янги серия, 129, Самарқанд, 1963.
45. И. ҚҲЧҚОРТОВЕВ. Бадий нутқ стилистикаси, Т., ТошДУ нашриёти, 1975.
46. А. Ғ. ҒУЛОМОВ. Адабий тил нормалари, «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплам, Т., «Фан», 1973.
47. М. ҲАҚИМОВ. «Ёзувчи ва халқ тили», 1971.
48. И. ҚҲЧҚОРТОВЕВ. Бадий нутқ стилистикаси. Т., ТошДУ нашриёти, 1975.

39 09

ЎЗБЕК ХУТҚИ МАДАНИЯТИ ВА УСЛУБИЯТ АСОСЛАРИ

Теришга берилди 2.12.94. Босишга рухсат этилди 16.02.95. Юқори босма усулда босилди. Бичими 60X80¹/₁₆. Адади 3000 нусха. Буюртма 178.

«Университет» нашриёти босмаҳонасида чоп этилди.

